

**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим
вазирлиги
Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва
адабиёти университети**

Баҳодир КАРИМОВ

АДАБИЁТШУНОСЛИК МЕТОДОЛОГИЯСИ

Филологлар учун ўқув қўлланма

ТОШКЕНТ-2011

Филология фанлари доктори, профессор Баҳодир Каримов қаламига мансуб ушбу ўқув қўлланмада адабиётшуносликнинг методологияси, бир қанча методлари ҳамда герменевтиканинг методологик имкониятлари юзасидан фикр-мулоҳазалар баён қилинган. Ўқув қўлланма магистрант ва бакалавр талабаларнинг, шунингдек, ёш тадқиқотчиларнинг илмий изланишларига ёрдам беради.

Алишер Навоий номидаги Тошкент давлат ўзбек тили ва адабиёти университети Ўқув-методик кенгаши томонидан нашрга тавсия қилинган (2020 йил , -сонли мажлис баённомаси)

Тақризчилар:

Умарали Норматов,
филология фанлари доктори, профессор
Олим Тўлабоев,
филология фанлари номзоди, доцент

К И Р И Ш

“АДАБИЁТШУНОСЛИК МЕТОДОЛОГИЯСИ” АДАБИЁТШУНОСЛИК ФАНИНИНГ ТАРКИБИЙ ҚИСМИ СИФАТИДА

Режа:

1. Адабиётшуносликнинг таркибий қисмлари ва методология.
2. “Методология” нинг луғавий ва истилоҳий маъноси.
3. Илмий тафаккур типлари.

Таянч сўз ва иборалар: адабиётшунослик, адабий жараён, ёндашув усуллари, метод, илмий билиш, дедукция, индукция, синтез, тамойил.

Адабиётшунослик фанининг объекти ўтмишда яратилган ёки айни кунларда ёзилаётган бадиий асарлардир. Бу фан дарслик ва ўқув қўлланмаларда “Адабиёт тарихи”, “Адабиёт назарияси”, “Адабий танқид” каби асосий ҳамда “Адабий манбашунослик”, “Матншунослик”, “Библиография” каби қўшимча таркибий қисмларга бўлинади. Айрим ҳолатларда булар қаторига “Адабиётшунослик методологияси” ҳам киритилса ҳам, бу “таркибий қисм” юзасидан батафсил маълумотлар берилмайди. Маълумки, “Адабиёт тарихи” бевосита ўтмишда яратилган бадиий асарлар, уларнинг ғоявий-бадиий хусусиятлари, адабий шахсиятларнинг санъаткорлик даражаси ва ижодий фаолиятини тадқиқ этиш билан шуғулланади. Бунда бадиий асарнинг муайян миллат адабиёти тарихи, бадиий тафаккури тадрижи, замонавий қиймати ва, умуман, инсоният маданияти тарихида тутган ўрни белгилаб берилади.

“Адабиёт назарияси” бадиий адабиётнинг ўзига хос хусусиятлари, бадиий асарнинг ички қонуниятлари, образлар олами, адабий тур ва жанрлари, уларнинг таркиби, бадиий адабиётнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрни, ижодкор дунёқараши, шунингдек, ижод жараёнидаги қонуниятларини ўрганади. Шу фан доирасида илмий-назарий тамойиллар муқимлашади; адабий-назарий муаммоларга ойдинлик киритилади. Янги адабий ҳодисалар учун янги назарий тушунчалар

татбиқ қилинади. Адабиёт назарияси адабиётшуносликнинг бошқа барча таркибий қисмлари билан узвий боғлиқ ҳолда иш кўради.

“Адабий танқид” адабий жараён билан шуғулланади. Кундалик адабий ҳаётда ёзилаётган асарларни баҳолайди. Адабий-тарихий жараёнда кечаётган ҳодисаларни, янгиликларни, тажрибаларни таҳлил қилади. Ижодкор ва китобхон масалаларига диққат қаратади. Ғоявий-бадий жихатдан етук асарларни тарғиб-ташвиқ этади; поэтик жихатдан заиф асарларга танқидий муносабат билдиради. Табиийки, ҳар бир даврнинг ўз адабий жараёни бўлади. Адабий жараён хусусиятлари вақт ўтиши билан ўзгариб, янгиланиб туради.

“Адабий манбашунослик” адабиётшунослик манбаларини тадқиқ қилади. Турли тарихий даврлардаги адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, адабий танқидга оид манбаларни топиб, фаннинг тегишли соҳасига татбиқ этади.

“Матншунослик” соҳаси асл матн билан иш кўрилади. Бунда қадим қўлёзмалар, уларнинг турли нусхаларини қиёслаш, ўзаро фарқларини аниқлаш ва танқидий матн яратиш муҳим саналади.

Кейинги давр филология илми матнга алоҳида эътибор бермоқда. Дунё адабиётшунослигида умуман матнга герменевтик, лингвистик, семантик жихатдан ёндашиш, матн билан риторикани таққослаш, рецептив нуқтаи назардан ўрганиш, матнга диалогик нутқ сифатида қараш ҳолатлари кузатилади.

Адабиётшуносликнинг “Библиография” қисми бадий, илмий-адабий асарлар учун кўрсаткичлар, рўйхатлар тузиш, уларга изоҳлар ёзиш билан шуғулланади. Библиографик кўрсаткич ва рўйхатлар турли йўналиш ҳамда соҳа бўйича тузилиши мумкин. Бундай манбалар адабиётшуносларга зарурий адабиётларни топишда амалий ёрдам беради.

Кўрганимиздек, адабиётшуносликнинг тарикбий қисмлари олдида аниқ мақсад ва вазифалар, йўналиш табиатига кўра ўрганиш объекти бор; улар турли илмий-назарий муаммолари учун ечим излайди.

“Адабиётшунослик методологияси” қисми юзасидан илмий адабиётларда, дарслик ва қўлланмаларда батафсил фикр юритилган эмас: “Ўтмиш ва ҳозирги замон адабиётини ўрганишнинг принцип ва усулларини тайинлаб чиқиш “Адабиётшунослик методологияси” зиммасига тушади” (И.Султон “Адабиёт назарияси”, Т. “Ўқитувчи”. 1980. 23–бет) ёки: “Адабиётни ўрганиш қоидалари ва усулларини текшириш адабиётшунослик методологиясига юклатилган”

(Э.Худойбердиев. “Адабиётшуносликка кириш”. Т.2003. 10-бет) каби айрим мулоҳазалар учрайди, холос.

Тўғриси, гарчанд айрим китобларда шу тарзда адабиётшуносликнинг таркибий қисми сифатида тилга олинган бўлса ҳам, ҳозирга қадар адабиётшунослик методологияси юзасидан махсус дарслик ёки ўқув қўлланма, ҳатто ўқув-услубий қўлланма ҳам ёзилган эмас. Мазкур ўқув қўлланма адабиётшунослик методологияси, методлар тарихи, асосчилари, намояндалари, талқин тмайиллари юзасидан умумий тасаввур бериш йўлидаги биринчи тажрибадир.

“Адабиётшунослик методологияси” магистратура босқичи ўқув режасига киритилган. Бу фан доирасида ўрганиладиган энг муҳим тушунчалардан, дунё адабиётшунослиги тарихида мавжуд бўлган айрим методлар моҳиятидан, уларнинг таҳлил тажрибаларидан, бу соҳа олдида турган илмий-назарий муаммолардан хабардор бўлиш келажакда илмий фаолият билан шуғулланувчи мутахассислар учун зарур бўлади.

Шу жумладан, адабиётшунослик методологияси ўтмиш ва ҳозирги замон адабиётини ўрганишнинг тамойиллари ва илмий усуллари устида баҳс юритади. “Методология” тушунчасига илмий адабиётларда “1) бирон фанга татбиқ этиладиган тадқиқот усулининг мажмуи; 2) илмий билиш ва дунёни ўзгартиш методи ҳақидаги фан” тарзида изоҳ берилади. Мазкур изоҳнинг иккинчи қисми, албатта, жуда кенг ва, айни чоқда, бевосита бошқа ижтимоий-гуманитар фанлар билан ҳам боғлиқ. Файласуфлар олами билиш мумкинми ёки йўқми, уни қайси усул ва қонуниятларга асосланиб билиш мумкин, деган масалалар устида қадимдан баҳс юритиб келадилар. Айнан шу масала баҳси сабабидан турли фалсафий йўналиш ва оқимлар майдонга келган. Дейлик, фалсафа тарихида билишни бевосита илоҳиётга боғлаганлар идеалистлар, моддият - “материя”га, фақатгина жамият ва табиатга боғлаганлар материалистлар сифатида танилган.

“Адабиётшунослик методологияси” хусусида фикр юритилганда, айнан адабиётшунослик фанидаги тадқиқот методларининг жамлиги ҳамда дунё адабиётшунослигида қўланаётган айрим йўналишларнинг методологик имкониятлари устида тўхталиш лозим бўлади.

Зотан, методлар ҳақидаги таълимот - “методология” тушунчасининг асосини “метод” сўзи ташкил этади. Илм-фаннинг турли соҳаларида “метод” сўзи жуда кўп, жуда кенг қўлланади. Ҳар бир фан соҳасининг ўз тадқиқот методлари мавжуд. Улар бошқа илмий

йўналишлар билан ўзаро параллел келиши, бири иккинчисига қисман мос тушиши ёки, умуман, мувофиқ келмаслиги ҳам мумкин.

Аввало бу тушунчанинг луғавий ҳамда истилоҳий маъноларини билиш жоиз. Аслида, “метод” грекча («methodos») сўз бўлиб, “бирон нарсага бориш йўли”, “талдқиқ йўли” деган маъноларни англатади. Истилоҳий жиҳатдан эса мазкур илмий атама «энг умумий маънода мақсадга эришиш усули, муайян тарзда тартибга солинган фаолият» деган маънони билдиради. **Метод** - билиш воситаси, ўрганилаётган объектни тафаккурда қайта ҳосил қилиш усулидир. **Метод** муайян фан соҳасининг назарияси билан, фалсафадаги “билиш”, “илмий билиш” тушунчалари билан чамбарчас боғлиқдир. Маълум бир фан соҳасидаги ҳодисани билиш жараёнида илмий тафаккурнинг индукция (лат. Inductio «айрималикдан умумийликка», хулоса чиқариш типларидан бири), дедукция (лат. Deductio- «хулоса чиқариш», бир ёки бир неча асосларга кўра хулоса чиқарилади), анализ ва синтез (грек. Analysis – “ажратиш” ва synthesis - “бирлаштириш”, бутунни таркибий қисмга фикран ёки амалий ажратиш ҳамда қисмларни қайта бирлаштириш), аналогия (грек. Analogia – “мувофиқлик”, “ўхшашлик” айнан бир хил бўлмаган объектлар ўртасидаги баъзи томонлар, сифатлар ва муносабатлардаги ўхшашликни аниқлаш), таққослаш, эксперимент, кузатиш каби умумий принциплари ишлаб чиқилган. Ўтган аср фалсафасида диалектик материализм билишнинг энг умумий, энг асосий ва устивор методи ҳисобланар эди. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган асрда барча ижтимоий фан соҳалари учун мазкур фалсафий тамойил илмий билишнинг асосий методи ва методологияси вазифасини ўтади. Дунё илм-фанида мавжуд бўлган бошқа илмий билиш методлари, воқеа-ҳодисага, борлиққа, инсонга, инсоннинг ҳис-туйғуларига, инсоният томонидан яратилган маънавий қадриятларга ёндашув усуллари деярлик инкор этилиб, танқид остига олинди. Ҳолбуки, илмий билишда, илмий ҳақиқатни юзага чиқаришда фалсафаси, эстетикаси, адабиётшунослиги фанида мавжуд бўлган бошқа йўл-йўриқлардан ҳам хабардор бўлиш, уларни амалиётга татбиқ этиш фойдалидир. Аслида ҳақиқатни билишнинг йўллари кўп. Инсон зоти аниқ бир ҳақиқатларни турли йўллардан бориб ҳам аниқлаши, кашф этиши мумкин. Умумий қоидаларни ўзгармас тарзида қабул қилмасликни, инсон тафаккур эгаси эканини таъкидлаган файласуф Л.Шестов эътирофича, “Истина столько, сколько людей на света” (“Оламда қанча одам бўлса, ҳақиқат

ҳам шунчадир”). Олим ҳар бир инсоннинг ўз ҳақиқати борлиги ва шундай бўлишига даъват этади.

Тўғриси, XX асрда ўзбек адабиётшунослиги рус адабиётшунослигида мавжуд методологик йўналишларни ўзи учун асос қилиб олди. Давр янгиланиши, умуммафкурадаги ўзгаришлар ижодкорларга, улар ёзган асарларга ҳам янгича усулда ёндашишни талаб қилмоқда. Нафақат ўзбек адабиётшунослиги, балки эскича қарашлар инерциясидан қутулишга интилаётган бугунги рус адабиётшунослари ҳам методологик масалалар устида жиддий ўйлаш лозимлигини таъкидлашмоқда (Қаранг: “Вестник Московского университета”. Сер.9. Филология. 2010. №5, стр.135).

Ўзбек мумтоз адабиёт намуналарини, хусусан, диний-тасаввуфий адабиётни тадқиқ қилиш учун ўша дурдоналарга мувофиқ келадиган усуллардан лозим бўлади. Истиклол йиллари адабиётшунослигида мумтоз адиблар ижодига Қуръон оятлари, ҳадисга таяниб, ёки муайян тасаввуфий тамойиллар асосида ёндашув ҳолатлари кузатилади. Хусусан, ҳар бир тарқатга оид рамзлар, тушунчалар, бир сўз билан айтганда, мумтоз поэтиканинг назарий таянч манбалари моҳияти воситасида талқин этиш, табиийки, ўзининг яхши натижаларини ҳам бермоқда. Зеро, рус адабиётшунослигида “Элчилар ва шоирлар” (“Пророки и поэты”, М. 1992) китоби муаллифи И.Гарин турли шоир, ёзувчи ва файласуфлар ижодига шундай ўзига хос усул билан ёндашади.

Албатта, анъанавий ва дунё адабиётшунослигидаги янги методларни талқин ва таҳлил жараёнида қўллаш бу соҳани янги босқичларга кўтарилиши мумкин.

Мазкур ўқув қўлланма, дунё адабиётшунослиги тажрибаларидан келиб чиққан ҳолда, айнан “Адабиётшунослик методологияси” номи остида олий ўқув юр்தларининг филолог-адабиётшунос магистр талабалари учун биринчи марта мухтасар тарзда таълиф қилинди. Келажакда китоб назарий-методологик қарашлар, уларга мос мисоллар билан бойитиб борилади.

Савол ва топшириқлар:

1. Адабиётшуносликнинг таркибий қисмларининг тушунтиринг.
2. “Адабиётшунослик методологияси” баҳслари хусусида нималар биласиз?

3. “Метод” ва “методология” истилоҳларини изоҳланг.
4. Адабиётшунослик методологияси билан адабиётшуносликнинг бошқа соҳалари ўртасидаги узвийликни тушунтиринг.
5. Ижодий метод билан адабиётшунослик методлари қандай фарқланади?
6. Дунё илм-фанида адабиётшунослик учун методологик асос бўладиган қандай илмий йўналишлар мавжуд?

Адабиётлар:

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. -Т.: Янги аср авлоди, 2004.
2. Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. -М., 1986.
3. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. -М., 1979.
4. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. -Т.: Ўзбекистон, 1993.
5. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. -М.: 1989.
6. Гадамер Г. Истина и метод. –М., 1988.
7. Зарубежная эстетика и теория литературы XIX-XX вв.-М., 1987.
8. Ислом тасаввуфи манбалари. –Т.: О’qituvchi, 2005.
9. Карим Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. –Тошкент. “Akademnashr” нашриёти. 2014.
10. Карим Б. –Тошкент. Қодирий насри – нафосат қасри. “Ўзбекистон” нашриёти, 2014.
11. Карим Б. Руҳият алифбоси. –Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016.
12. Комилов Н. Тасаввуф. –Т.: Ёзувчи, 1996.
13. Расулов А. Бадиий асарга ёндашув асослари. -Т., 2003

АДАБИЁТШУНОСЛИК МЕТОДОЛОГИЯСИ ОБЪЕКТИ ВА МЕТОДЛАР ТАСНИФИ

Режа:

- 1.Методология баҳслари хусусида.
- 2.Методология моҳияти.
- 3.Методология – методлар ҳақидаги фан.
- 4.Методлар таснифи.

Таянч сўз ва иборалар: адабиёт назарияси, адабиёт тарихи, хронология, эстетика, тарихий-маданий, қиёсий-тарихий, генетик, имманент.

Адабиётшунослик учун махсус методология бўлиши мумкинми? Фаннинг қайсидир тармоғига тегишлик методология устида баҳс юритиш шартми? Методология тушунчаси фақатгина борлиқни фалсафий билишнинг ўзигагина тааллуқли эмасми? Ўтган асрда адабиётшунослар орасида шундай саволлар майдонга қўйилган ва уларга турли жавоблар берилган. Махсус бир фан учун алоҳида олинган методология йўқ, у фанлар ҳақида гап кетганда муайян методлар борасида фикрлаш маъқулдир, деган қарашлар ҳам бўлган.

Кимдир “методология тушунчаси фақатгина фалсафий-мантиқий моҳият касб этади, муайян фанга доир методология устида сўзлаш ортиқча”, деган фикрни ҳам айтади¹. Кўпчилик олимлар муайян фан соҳасида учун алоҳида олинган методлар мажмуасига айнан ўша фан методологияси тарзида қарайди. Бунда махсус фан соҳасига доир методлар илмий-фалсафий билиш принциплари фонида олинади. Ўтмишда адабиётшунослик методологиясига ҳам шу нуқтаи назардан қаралди. Адабиётшунослик методологиясининг фалсафий методология тушунчаси билан алоқаси асосий ўринга чиқди.

Адабиётшунослик методологиясининг объекти хусусида баҳс борар экан, уни айнан адабиёт назарияси билан бир хил эканини даъво қилганлар ҳам бўлди. Аслида адабиётшунослик методологияси билан адабиёт назарияси объекти орасида фарқ бор. Адабиёт назарияси

¹А.С.Бушмин. Методологические вопросы литературоведческих исследований. – Л.: Наука, 1969 й. Стр. 15.

адабиётшунослик методологияси, илмий-назарий методлар муаммоларини қамраб ола билмайди. Гарчи ўзаро мустаҳкам боғланиш бўлса-да, уларга назарий адабиётшуносликнинг икки аспекти сифатида қараш лозим. Юқорида айтиб ўтилгандек, адабиёт назарияси бадиий ижоднинг қонуният ва категориялари билан шуғулланади. Адабиётшунослик методологияси эса, биринчидан, ўша қонуният ва категорияларни бошқарган ҳолда улар асосидаги илмий тадқиқот усулининг аниқ бир тарихий-адабий жараёндаги тамойилларини белгилайди. Иккинчидан, адабиётшунослик методологияси методлар хусусидаги таълимот табиатига кўра адабиёт намуналарига, адабий-илмий асарларга, бадиий матнга объект сифатида қарайди. Ҳар қандай бадиий матнга унинг ҳақиқатини кашф этиш ва қўйилган мақсад-вазифани бажариш учун ёндашилади.

Олимларнинг қарашларида адабиёт назарияси билан методологияни иккига ажратиш, уларнинг фарқли жиҳатларини кўрсатиш учун дунё адабиётшуносларининг мулоҳазаларига мурожаат этиш бор. Жумладан, А.С.Бушман немис олими М.Верли фикрларига таянган ҳолда умумий адабиётшунослик тушунчасини қўллаш жоизлигини айтади. Шунда адабиётшуносликнинг назарий жиҳатини - адабиёт назарияси ва адабиётшунослик назарияси (методологияси) тарзида ажратишга имкон туғилади, деган фикрни илгари суради².

Адабиётшунослик методологиясини аниқ бир адабий-илмий муаммонинг қандай ҳал этилиши мисолида адабиёт назариясидан яхшигина фарқлаб олиш мумкин. Маълумки, адабиёт тарихи ҳам адабиётшуносликнинг таркибий қисми саналади. Аммо ўз вақтида адабиёт тарихи фани нима билан шуғулланмоғи керак? Бадиий асарлар тарихи биланми? Адабий қарашлар тарихи биланми? Ижодкорнинг таржимаи ҳоли тарихи биланми? Адабий шакл ва маҳорат тарихи биланми? Адабий оқимлар тарихи биланми? Шундай бир қатор саволлар пайдо бўлади. Тўғриси, адабиёт тарихи буларнинг ҳаммаси билан шуғулланмоғи керак. Бироқ бу муаммоларнинг қай бири муҳим, қандай кетма-кетликда тадқиқ этиш лозим, қайси бири биринчи ёки иккинчи даражали? Бу саволларга, албатта, бадиий адабиётнинг нисбатан ички қонуниятлари билан шуғулланадиган адабиёт назарияси тўла жавоб бера билмайди. Айнан шу ўринда адабиётшунослик методологиясига зарурат туғилади; шундай муаммоли жараёнда методология иш беради. Бунда адабиёт назарияси адабиётшунослик

методи ва методологиясининг ёрдамида ўз тадқиқ объектига тўғри йўналишни танлаб олади. Адабиётшуносликнинг асосий ва ёрдамчи таркибий қисмларининг ўзаро алоқадорлигини шу факт ҳам кўрсатади.

Адабиётшунослик методологияси билан барча фан соҳалари учун умумий бўлган фалсафий методологиядан ўз специфик хусусиятига, хусусий методларига кўра ҳам фарқланади. Чунки дунё адабиётшунослигида бадий асарга филологик, эстетик, формал, биографик, тарихий-маданий, қиёсий-тарихий, генетик, социологик, ижтимоий-генетик, тарихий-функционал, статистик, лингвистик, психологик, имманент ва бошқа қатор ёндашув усуллари ишлаб чиқилган. Шу асосда илмий тадқиқот ишлари олиб борилган. Ҳозирги кунда эса бу ёндашув усуллари (методлар)нинг сони, салмоғи янада ортди. Ўрни келганда айтиб ўтиш керакки, дунё адабиётшунослиги психоаналитик, структурал, мифологик, экзистенциал, герменевтик, психокритик, семиотик, лингвостатистик, синергетик, лингвопоэтик, комплекс анализ, фенемологик каби бир қанча методлардан фойдаланади. Шунини алоҳида таъкидлаш жоизки, бу методлардан биронтасини ортиқча бўрттириш (вульгарлаштириш), яқин ўтмишда бўлганидек “буржуа адабиётшуносларининг методлари” сифатида асоссиз танқид ёки инкор этиш ўринсиздир. Ҳар бир методнинг ўз назарий асосчиси, тарихи, тадқиқот усули, намояндалари, афзаллиги ва, эҳтимол бирёқламалиги, айниқса, барча учун баравар объекти борлигини эсдан чиқармаслик лозим.

Адабиётшунослик методологияси, деганда аксар ҳолатда йўл-йўриқ кўрсатиш, турли методлар, илмий тадқиқот усуллари, асарга ёндашувлар, манбанинг тадқиқ жараёнини режали уюштириш ва талқин этиш йўллари тушунилади. Методлар фан соҳасидаги шундай бир “қурилма”ки, ундан турли даражадаги билим, тажриба ва дунёқарашга эга олимлар ўз мақсадига, илмий ҳақиқатга етишлари учун ўз билим даражаси ва дунёқарашига мос равишда фойдаланади.

Методология тадқиқотчига йўналиш беради. Бу соҳа олимнинг шахсий изланишлари даврида шаклланиб муқимлашади. Натижада объектнинг қайси жиҳатларини қандай метод асосида бажариш лозимлиги кўринади. Методлар нисбатан нейтрал бўлиб қолиши ҳам мумкин, яъни аниқ бир методдан турли дунёқарашга эга олим бадий асар талқинида ўз ижодий ниятидан келиб чиққан ҳолда фойдаланди.

² Ўша асар. 20-бет.

Ҳар қандай адабиётшуносликка оид тадқиқотда етакчи-устивор ва индивидуал методларни фарқлаш жоиз. Зеро, улар аниқ илмий вазифа қаршисида ўзларининг ўринларини бошқалари билан алмаштиришлари ҳам мумкин. Комплекс анализ умумлаштирувчи метод сифатида асосан тарихий-адабий муҳит, муайян миллат ёки давр адабиёти тарихи юзасидан муайян хулосалар чиқариш учун қўлланилса, нисбатан индивидуал метод иждоқорнинг маҳоратини, руҳий ҳолати ёки эстетик қарашларини, бадиий асар тили, структураси, ритми ёки индивидуал услубини текшишга жорий қилинади.

Ю.Б.Борев метод тушунчасига фикрлаш усули (способ мышление), методология тушунчасига метод назарияси (теория метода), методика тушунчасига методнинг хусусий усуллари тизими тарзида қарайди. Агар илмий-назарий қарашлар татбиқ қилинаётган объектга мос-мувофиқ келса, бундай ёндашув методолгик жиҳатдан жуда яхши натижа беради. Метод ана шу мувофиқлик асосни ташкил этади.

Адабиётшунослик методологиясида қуйидаги факторлар муҳим саналади:

1. Аввало бадиий асар бўлиши лозим. Бунда адабий жараён ва унинг қонуниятлари ёки бадиий асар ва унинг хусусиятлари тадқиқ этилади.

2. Адабиётшунослик методологияси замонавий адабиёт тажрибасига таянади. Бу соҳа учун бадиий кашфиётлар муҳим роль ўйнайди. Умуман, адабиётшуносликдаги ички ёндашувлар, таҳлил ва талқин усулларининг имкониятлари оригинал бадиий кашфиётлар эвазига кенгайиб боради.

3. Методологияда муайян дунёқараш устивор бўлади. Шу дунёқараш воситасида объекти тадқиқ қилинади.

4. Методология учун тарихийлик тамойили муҳим саналади.

5. Адабиётшунослик методологияси бошқа фан соҳаларининг ютуқларига суянади. Социология билан алоқадор. Матн ритмикасини ўрганишда, статистик улудда табиий фанлар билан боғланади. Семиотик, имманент анализда лингвистика ютуқларига таянади³.

Методология учун “нима учун”, “нима” ва “қандай” деган муҳим саволлар бор. Масалан, адабий-танқидий таҳлилда адабий манба, бадиий матн нима учун, нима мақсадда текширилади? Бу саволга жавоб керак. Тадқиқотчи ёзувчи ва воқеликни текширадими, бадиий

асарнинг поэтик даражасини аниқлайдими, муаллифнинг бадиий маҳоратига, санъаткорлигига баҳо берадими? Бу турдаги масалалар методологик жиҳатдан таҳлилнинг “нима учун” деган қисмини ташкил этади. Адабий-назарий таҳлилда айнан “нима” тадқиқ қилинади? Шакл, мазмун, услуб, ғоя, тил, бадиий концепция, жанр, асарнинг яратилиш тарихи, автор руҳияти ва бадиий психологизм, традиция ва новаторлик – “нима”ни тадқиқ этиш керак? Бу икки масала методологик жиҳатдан ойдинлаштирилгандан кейин уни “қандай” тадқиқ этади, деган савол табиий шу юқоридаги икки ҳолат жавобидан келиб чиқади. Зотан, бадиий матндаги 1) кўп аспектли - бир йўла бир неча жиҳат текширилиши ва ёки 2) унинг битта қирраси ўрганилиши мумкин. Буни тадқиқотчи ўзи билим даражаси, дунёқараши, ички сезим - интуицияси билан белгилаб олади. Адабиётшунослик илми муайян адабий ҳодисага 1) хронологик 2) муаммоли 3) жанр хусусиятига кўра ёндашиши мумкин. Адабиётшунослик илмининг икки катта таркибий қисми - адабиёт тарихи ва адабиёт назариясига эътибор берилганда ҳам улар маълум бир ички тартибга эга экани кўринади. Масалан, адабиёт тарихи энг аввало икки тамойил асосида - хронологик (қадимги, ўрта асрлар, янги типдаги даврлаштириш) ва маконий белги (маълум бир мамлакат адабиёти тарихи, маълум бир регион адабиёти тарихи, маълум бир этник жиҳатдан яқин бўлган халқлар адабиёти тарихи, дунё адабиёти тарихи) нуқтаи назаридан методологик асосда фарқланади. Бу ҳар икки фарқни қамраб олган адабиёт тарихи ичкарисида маълум бир масалалар юзасидан, масалан, адабий оқимлар-йўналишлар тарихини ўрганиш (классицизм, романтизм, танқидий реализм, реализм, модернизм), алоҳида олинган жанрлар тарихини ўрганиш (эпос, роман, трагедия, ғазал), йирик адиблар ижодини ўрганиш (шекспиршунослик, навойишунолик, қодирийшунослик) юзасидан ҳам тармоқланиши мумкин.

“Адабиёт назарияси”дан маълумки, ижодий метод – бу ижодкорнинг дунёга қарашига оид тушунча бўлиб, борлик, инсон, воқеа-ҳодисалар муносабатини белгилайди. Адабиётшунослик методлари эса бевосита адабиётшунос олимнинг адабий-илмий матнни билиши, тушуниши ва тушунтиришига тегишли илмий тушунчалар тизимидир.

Адабиётшунослик методларини фанда “усул”, “ёндашув”, тарзида турлича номлаш ҳамда турлича таснифлаш мавжуд. Табиийки, яхлит

³ Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. -М.: 1981. Стр. 36-37.

ҳодисани қисмларга жаратиб ўрганиш, маълум бир асосига кўра таснифлаш воқеликни англашга ёрдам беради. Адабиётшунослик методларидан бири тадқиқот жараёнида етакчилик қилиши мумкин. Шу тамойилга қараб тадқиқот ишининг қайси методда ёзилгани аниқланади. Битта илмий ишда, мақола ёки илмий рисола, монографияда бир неча методлар қоришиқ ҳолда келиши ҳам мумкин. Методлар орасига бирлашмас, ўзаро кесишмас тарзидаги чегара қўйиш тўғри бўлмайди. Зеро, бадиий матнга нисбатан барча, бир неча методларни қўллаб, жуда кўп қирралар комплек усулда оидинлаштирилиши, тушунтирилиши ҳам илмда бор ҳодисадир.

Немис олими Мариен Крисебахнинг «Methoden der Literaturwissenschaft» (“Адабиётшунослик методлари”) номли китобида қуйидаги таснифни беради:

1. Positivistische Methode (Позитивистик метод);
2. Geistesgeschichtliche Methode (Ижтимоий-тарихий метод);
3. Phänomenologische Methode (Фенемологик метод);
4. Existentielle Methode (Экзистенционал метод);
5. Morphologische Methode (Морфологик метод);
6. Soziologische Methode (Социологик метод)
7. Statistische Methode (Статистик метод)
8. Strukturalistische Methode (Структурал метод)⁴.

Рус адабиётшунослигида бадиий асарга ёндашув усулларини Ю.Борев қуйидаги тарзда таснифлайди:

1. Социологик ёндашув;
2. Гнессеологик ёндашув;
3. Тарихий-маданий ёндашув;
4. Қиёсий-тарихий ёндашув;
5. Биографик ёндашув;
6. Ижодий-генетик ёндашув;
7. Онтологик ёндашув.

Ю.Борев шу мавзуга оид китобида бундай ёндашувларга хос хусусиятларни батафсил ёритиб беради⁵.

Адабиётшунос олим Абдуғафур Расулов филолог-магистрлар учун ёзган “Бадиий асарга ёндашув асослари” номли ўқув қўлланмасида асосан бадиий асарга “тарихий-биографик” ҳамда “тарихий-

⁴ Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. Stuttgart. 1992.

⁵ Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. -М., 1981. Стр.47-66.

функционал” ёндашувни ўзбек адабиёти манбалари асосида ёритади⁶. Шу ўринда бугунги ўзбек адабиётшунослигида адабиётшунослик методлари, уларнинг тарихи, таҳлил тамойилларига қизиқиш кучайганини, бу хусусда айрим мақолалар ёзилганини таъкидлаш лозим⁷.

Адабиётшунослик тарихида бадий асарга филологик, эстетик, формал, биографик, тарихий-маданий, қиёсий-тарихий, социологик, тарихий-генетик, тарихий-типологик ва бошқа ёндашув усуллари кенг қўлланилади. Ҳозирги даврда дунё адабиётшунослигида методлар кўпчиликини ташкил этади; уларнинг салмоғи ортди, сони юзга яқин. Бу методларни нисбатан умумлаштириб муаллифга, адабий матнга, китобхонга тегишли методлар сифатида таснифлаш мумкин. Адабиётшунослик методлардан биронтасига ортиқча қиймат бериш ёки яқин ўтмишда бўлганидек “буржуа адабиётшуносларининг методлари” сифатида асоссиз танқид этиш тўғри эмас. Ҳар бир методнинг ўз назарийчиси, ўз тарихи, ўз тадқиқот усули, ўз мухлислари ва айниқса, барчага баравар бўлган объекти борлигини эътиборда тутиш лозим. Бадий асар ҳақиқатини ойдинлаштириш учун ўша асар табиатига тўла-тўқис мос келадиган усулни танлаш яхши самара беради. Чунки ўринли танланган йўриқнома мақомидаги метод тадқиқотчининг ўз олдига қўйган мақсадига етказди; вазифалар ижросини таъминлайди.

Ўзбек адабиётшунослигида талқин ва таҳлиллар тарихида уч ҳолат кузатилади.

1. Адабий-илмий методлардан бирини дунё адабиётшунослигидан олиб, ўзбек адабиёти намуналарини ўша қолипга жойлаштириш.
2. Ўзбекона адабий-назарий қарашлар билан дунё адабиётшунослигидаги талқин тамойилларини уйғунлаштириш.
3. Шарқ мумтоз поэтикаси мезонларига таяниш.

Гап булардан қайси бири тўғри ёки нотўғри, қай бири маҳсулдор ёки каммаҳсуллиги ҳақида эмас. Хўш, қайси бир метод бадий асар мазмун-моҳиятини деярли тугал очиб бера олади? Нега “деярли”? Чунки ҳеч ким ҳақиқий санъат асарини юз фоиз тугал, мукамал талқин қилиш қувватига эга эмас. Ҳатто бебаҳо санъат асарини бунёд

⁶ Расулов А. Бадий асарга ёндашув асослари. -Т., 2003, 43-бет.

⁷Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. –Т.: Фан, 2006.; С.Мели. “Янги танқид” // “Шарқ юлдузи” журнали. 2010., №4; У.Жўракулов. Худудсиз жилва. –Т.: Фан, 2006.;

қилган муаллиф ҳам ўз асарини ягона ҳақиқат сифатида тушунтира олмайди.

Шўро замонида ҳукмрон мафкуранинг методологик кўрсатмаси адабиётшунослар ижодини чеклаб қўйган эди. Бугунги адабий матнлар талқинига ёндашувларда ўзига хос эркинлик мавжуд.

Методлар моҳияти, таснифи, талқин тамойиллари, илмий-назарий асосларидан беҳабарлик натижасида адабий мақолаларда, илмий тадқиқотларда бир хиллик, стилистик тарафдан жиндай таҳрирли, бир-бирларига ўхшаш ва эгизак ишлар майдонга келиши мумкин. Ҳолбуки, адабиётшунослик методларини махсус ўрганиш, шу соҳа янгиликларини билиш ва улар амалиётга татбиқ этиш ҳар қандай адабиётшунос учун жуда муҳим. Чунки бошқа барча фан соҳалари каби тез ривожланаётган дунё филология илми ҳам асло янгиликдан холи эмас. Ҳозирда структурал анализ, психоаналитик усул, имманент анализ, контекстуал талқин, экзистенциал ёндашув, лингвопоэтика, фенемологик метод, “янги танқид”, герменевтик метод, интертекстуаллик, интуитив метод, мифопоэтика, сацио-генетик метод ва бошқа назарий тушунчаларда дунё адабиётшунослиги катта тажрибага эга. Албатта, ўз мустақил дунёқарашига, ўз айтар сўзига эга адабиётшунос бундай анъанавий ва янги методларни пухта ўрганиши, миллий тафаккури чиғириғидан ўтказиши, синтезлаб ўзлаштириши шарт.

Фалсафий қарашлар тарихида, Ф.Бекон фикрича, адабий ҳақиқатни билишнинг учта усулига эътибор берилади:

1. Ўргимчак йўли-усули: Фақат ақлий тафаккурга таянадиганлар ўргимчакка ўхшаб, “ўз ақлларида фикр толаларини тўқиб чиқаради”. Оқиллик етакчилик қиладиган бу усулда олимлар ўзлари учун ўзларига қоидалар ясаб олишади.
2. Чумоли йўли-усули: Тажрибани хуш кўрадиган тафаккур эгалари чумолига ўхшаб фактлар жамлайди ва шу билан қаноатланади. Кўпинча ташқи омилларга эътибор беради; топганини аралаштириб “қозон”га ташланади.
3. Асалари йўли-усули: Гўё “боғ ва дала гулларида манбалар саралаб олинадиган”, ўз қобилияти асосида ўша манбаларни тафаккурида қайтаб ишлаб ўзлаштириладиган асалари - усулидан

фойдаланувчилар тажриба билан алқ-идрокни ўзаро мустахкам боғлайди.

Шу эътибордан бугунги адабий-илмий ҳаётган назар солинса, “асалари”га зарурат кучли экани, “чумоли”нинг кўпроқ оммага хослиги ва “ўргимчак” йўли танқидга учраши ҳам мумкинлиги маълум бўлади.

Бугун ўзбек адабиётшунослигида дунё тажрибасидан ўрганилаётган бир нечта методлар ибтидоси кузатилади. Уларга нисбийлик хос; бирортасини ўзгармас ва ҳаққоний метод сифатида қараш ўринли эмас. Ҳар бирида ютуқ, бадиий асарнинг қайсидир қиррасини очиб берадиган калит бор. Аини дамда истаган киши ҳар бир методдан нуқсон топиши ҳам мумкин. Олим дунё адабиётшунослигида мавжуд барча методларни ўрганиши лозим. Заруратга кўра янги методларнинг талқин тамойиллари тизимини ишлаб чиқиши ва уларга мос ном қўйиши керак. Жаҳон адабиётшунослигида кўрилмаган, шарқ адабиётшунослигида қўлланган, эҳтимол, ғарб адабиётшуносларида зарурати бўлмаган бадиий асарга ўзига хос ёндашув усулларини ҳам дадил (илмга олиб кириш) саҳнага олиб чиқиш, ҳодисага мос илмий атама ҳамда тушунчаларни ўртага ташлаш лозим.

Алоҳида таъкидлаш керакки, адабиётшунослик методлари ўзаро уйғун ҳам келади; адабий масала муҳокамасида бир метод тадқиқ йўлларининг бошқасида учрамаслиги тарзида қўйиш ҳам тўғри бўлмайди. Бадиий асар моҳиятини, ижодкор маҳоратини очишда жараёнида бир неча методлар бараварига қатнашиши ҳам ёки тадқиқотда бирор методнинг устивор бўлиши ҳам мумкин. Муҳими санъаткор дунёсини, бадиий асарнинг поэтик гўзаллиги ва эстетик қийматини кўрсатитишдир.

Дунё адабиётшунослигида бир қатор методлари фарқланади; улардан айримлари қўлланмада имконият доирасида ёритилди.

Савол ва топшириқлар:

1. Адабиётшунослик методологиясининг объектини нима?
2. Адабиётшунослик методологияси ва бошқа соҳалари масаласини изоҳланг.
3. Бадиий асар талқини ва олим дунёқараши муаммосини тшунтиринг.

4. Ижодий метод билан адабиётшунослик методларининг қандай фарқи бор?
5. Адабиётшунослик методологиясининг асосий факторлари нима?
6. Методологиянинг уч муҳим муаммосини тушунтиринг.
7. Методларининг қандай таснифлари мавжуд?

Адабиётлар:

1. Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. -М., 1986.
2. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. -М., 1979.
3. Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. -М., 1981.
4. Бушмин А.С. Методологические вопросы литературоведческих исследований. -Л., 1969.
5. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. -Т.: Ўзбекистон, 1993.
6. Верли М. Общее литературоведение. -М., 1957.
7. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. -М., 1989.
8. Гадамер Г. Истина и метод. -М., 1988.
9. Зарубежная эстетика и теория литературы XIX-XX вв.-М., 1987.
10. Карим Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. -Тошкент. "Академнашр" нашриёти. 2014.
11. Карим Б. Рухият алифбоси. -Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016.
12. Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. Stuttgart. 1992.
13. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. -Т.: Фан, 2006.
14. Теории, школы, концепции. -М., 1975.
15. Шестов Л. Апофеоз беспочвенности. -Л.: Университет, 1991. -216 с.
16. Қўшжонов М. Абдулла Қаххор маҳорати. -Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.

БИОГРАФИК МЕТОД

Режа:

1. Методнинг асосий тамойиллари.
2. Биографик метод тарихи ва асосчилари.
3. Биографик жанр ва биографик метод хусусида.
4. Ўзбек адабиётшунослигида биографик метод.

Таянч сўз ва иборалар: психология, биография, таржимаи хол, ижодкор “мен”и, психобиография, адабий портрет, биографик жанр,

Бадиий ижод моҳиятини, ижодкор психологиясини, бадиий асар илдизларини очишда биографик метод муҳим аҳамият касб этади. Бу методни таржимаи ҳолдан иборат тарзида содда тушунмаслик керак. Зотан, биографик метод ижодкор таржимаи ҳолининг оддий хронологик тавсиф ва таснифи эмас; ёзувчининг туғилган йили, яшаган жойи ёки муҳити, асарларининг ёзилган йили ва, ниҳоят, ижодкорнинг вафот этган йили – буларнинг бари биографик маълумотлар ҳисобланади.

Биографик метод эса ёзувчи ва бадиий асар жуфтлигига асосланади. Ижодкорнинг шахсий ҳаётига, яшаган муҳитига, рухий-психологик ҳолатига, шахсий қизиқишларига, асарни ёзишга туртки берган илҳом факторларига, ижодкор лабораториясига ва шу каби қатор тарихий-индивидуал масалаларга жиддий эътибор беради. “Биографик метод адабиётни шундай ўрганиш усулики, бунда ёзувчи биографияси ва шахсиятига бадиий ижодининг асосий белгиловчи моменти тарзида қаралади”⁸.

Ҳар бир ижодкор ўзича бир олам. Чинакам санъаткорлар бири иккинчисини такрорламайди, бирови бошқасига тақлид қилмайди. “Ҳар бир санъаткорнинг ўз мамлакати бўлади ва шу мамлакатда яшайдиган, истиқомат қиладиган ўз фуқаролари бўлади” (Талъат Солиҳов фикри). Шу маънода ҳар бир ижодкорнинг ўз дунёси, ўз эътиқодий таянчлари мавжуд. Юрий Борев бадиий асарга биографик

метод асосида ёндашув масаласида “бадий асарни ёзувчи шахси орқали ўқиш услуби”, дея ёзади ва бу фикрига: “Санъаткорнинг индивидуал тақдири унинг ижодини талқин этишда калит вазифасини ўтайди”⁹, деган жумлани қўшади.

Бадий асарга 17-18 асргача муайян “абадий қоидалар” орқали қаралган. Романтизм даврига келиб бу адабий-назарий қоидалар ўзгариб туриши ҳақида фикрлар майдонга ташланади. Аввало француз адиби Виктор Гюгода шундай қарашлар туғилади. Унинг эътирофига кўра, “Адабиётшунослар тез кунларда ёзувчиларни ғайритабиий, ғайрисанъатий қоида ва жанрлар нуқтаи назаридан текширмаслик кераклигини англайди. Улар ижодкорни санъат табиатига мувофиқ қонунлар ҳамда ҳар бир ижодкор шахси билан боғлиқ қонунлар нуқтаи назаридан текшириш лозимлигини ҳис этади”. Француз романтиклари, адабиётчи ва тарихчилари тафаккурида пайдо бўлган бундай эътирофлар бадий асарни биографик метод асосида ўрганиш зарурати кун тартибига келиб қолганини англатади.

Адабиётшуносликдаги биографик метод тамойилларининг ишлаб чиқилиши ва, умуман, бу методнинг бадий асарларни ўрганишга татбиқ этилиши француз танқидчиси ва шоири Шарль Огюстен Сент-Бёв (1804-1869) номи билан боғланади. Журналларда босилган мақолаларидан унинг “Душанба кунларидаги суҳбатлар” (1851-1862), “Янги душанба кунлари” (1863-1870) номли бир қанча китоблари юзага келади. Сент-Бёв 24 ёшида “XV аср француз поэзияси ва театрининг тарихий ва танқидий обзори” тадқиқотини ёзади. Олимнинг яна бир муҳим асари “Империя даврида Шатобриан ва унинг адабий гуруҳи” (1861) деб номланади.

“Адабий портретлар” (1836-1839) номли («Литературные портреты». Критические очерки. М. 1970) китоби биографик метод тамойиллари асосида ёзилган. Бу китобида Сент-Бёв ўрта асрлар француз адабиётини, 16 аср поэзиясини, классиклардан Корнель, Расин, Мольер, Лафонтен ижодини, 18 аср ёзувчилари - Вольтер, Дидро, Бомарше, Руссо ижодини, 19 асрдан Шатобриан, Гюго, Мюссе, Жорж Санд ва Флобер ижодини тадқиқ этади. Адибларнинг биографияси билан ижодини бир бутунликда талқин қилади.

⁸ Литературный энцикопедический словарь. -М., 1987. Стр 54.

⁹ Боров Ю. Искусство интерпретации и оценки. -М., 1981. Стр 56.

Сент-Бёв ўзининг биографик йўналишда ёзган адабий-танқидий мақолаларида ҳар бир ёзувчи ҳаёти ва аниқ бир асарига талқинига алоҳида эътибор беради. Зотан, “Адабий портретлар” тўпламида: “Мени ҳар доим хатлар, суҳбатлар, фикрлар, характерларнинг ўзига хос турли фазилатлари, маънавий-руҳий қиёфаси; бир сўз билан айтганда - машҳур ёзувчиларнинг биографиясини ўрганиш ўзига жалб этиб келди”,¹⁰ деган фикрларни ёзади.

Бу методга яқин ўтмишда жиддий эътибор берилмади. Айнан “психобиография”, яъни ёзувчининг психологик биографияси тарзида адабиётшунослик амалиётига татбиқ этилмади. Тўғриси, бир ҳақиқатни, яъни бадиий асарда ижодкор руҳий кечинмалари, кўрган-кечирганлари, ҳаётини тажрибалари ёки турли изтиробли ҳодисалар акс этишини, бундай биографик воқеликнинг изи асарларда қолишини ҳеч ким инкор қилмайди. Ёзувчи психобиографияси қайсидир маънода унинг бадиий асарларидаги воқеа-ҳодисалар баёни, яратган образлари тизимида ўз ифодасини топади. Бундай индивидуаллик санъат асарининг оригиналликни, ўзига хос хусусиятларини намоён қилади. Ёзувчи ҳаётидаги ўзгаришлар, бесаранжомлик, безовталиқ, руҳий-ҳиссий кечинмалар, тўлқинланиш ва оғриқли дардлар, муаллақ ёки собит дунёқараш фонида унинг бадиий асарини талқин этиш ўзининг ижобий самараларини бериши табиий.

Масалан, Л.Н.Толстой ҳаёт йўлида, оилавий муҳитида учраган турли ҳодисаларни тугал англамасдан адибнинг тавба-тазаррусини ҳам, энг кичик ҳикояларидаги оддий деҳқонлар образидан тортиб, улкан эпопеяларидаги кибор шахслар табиатини ҳам тўла англаб бўлмайди. Адибнинг ижодкор сифатидаги тақдири билан рус подшосининг ўзи қизиққан; хотини София Андреевна билан бўлиб ўтган турли мунозаралари, ҳатто аниқ бир асарининг сюжетида асос бўлган; кўпгина асарлари учун ён-атрофидаги яқинлари прототип вазифасини бажарган¹¹.

Бошқа бир мисол: “Ҳинд сайёҳи”, “Мунозара”, “Раҳбари нажот” каби асарлари ҳақида Фитратнинг руҳий-маънавий дунёсини, эътиқодий қарашларини, унга таъсир этган микромуҳитни тадқиқ этмагунча тўғри хулосалар чиқариш қийин. Айни чоғда, орадан ўн-ийгирма йиллар ўтгандан кейин ёзилган “Меърож”, “Зайд ва Зайнаб”,

¹⁰ Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. Критические очерки. -М., 1970. Стр.313.

¹¹ Бу ҳақда батафсил қаранг: В.Вересаев. Живая жизнь. -М., 1991.

“Захронинг иймони” типигаги ҳикояларни ҳам Фитратнинг ҳаёт тажрибалари, дунёқарашидаги ўзгаришлар, муҳит тайзиқи каби қатор биографик омилларнинг махсус текширувини талаб этади. Табиийки, бу жараёнда хотира китоблари, кундаликлар, ўз вақтида матбуотида босилган турли мақоллар муҳим аҳамият касб этади.

Ш.Сент-Бёвдан кейин машҳур кишиларнинг бадиий-эстетик биографиясини ёзиш анъанасини француз ёзувчиси Андре Моруа (1885-1967) давом эттирди. У биографик методга мос равишда романлаштирилган биографияларни маромига етказиб ёзди¹². А.Моруанинг адабий-эстетик қарашлари уч булоқдан - француз, инглиз ва рус маданиятидан баҳраманд бўлган. Рус ёзувчилари И.Тургенев, А.П.Чехов, Л.Толстой ҳақидаги қарашларини махсус асарларида баён қилди. А.Моруа Шекспир, Бальзак ва Л.Толстой ҳақида фикр юритиб, уларга: “Инсоният учун инсоният томонидан бино этилган уч буюк ёдгорлик”, деган баҳони берди¹³. А.Моруа инглиз адабларидан Байрон ва Шелли, Диккенс ва Броунинг, Уэллес ва Б.Шоунинг ижодини жиддий таҳлил қилади. Унинг назарида, О.Бальзак француз адабиётида энг юксак мақомда туради. А.Моруа француз адабиёти тарихи ҳамда XX аср француз ёзувчилари ҳақида “Лабрюйердан Прустгача” (1964), “Прустдан Камюгача” (1963), “Жиддан Сартргача” (1965), “Арагондан Монтерленгача” (1967) номли китоблар ёзади. Бу китоблардан танлаб олинган адабий мақолалар 1970 йили рус тилида “Адабий портретлар” номи билан нашр этилади.

Олимлар таъкидлашича, А.Моруа газета ва журналлардаги мақолларидан ташқари турли жанрларда етмишдан ортиқ асари алоҳида китоб ҳолида нашр қилинган. Адибнинг “Уч Дюма”, “Олимпиа ёки Виктор Гюго ҳаёти” асарлари машаққатли меҳнат, жиддий изланишлар туфайли майдонга келди. Моруа ижоди билан танишган ўқувчи юзлаб шахслар билан учрашади. И. Тургенев ва М.Пруст ҳақида ёзган асарлари, уларнинг ижодига оид мулоҳазалари адабий-танқидий тадқиқот типига яқин туради. Бу адиб ижод қилган давр Европа фалсафаси ва адабиётида психологияга, инсоннинг ички кечинмалари тадқиқига, психоанализга, экзистенциализмга қизиқиш жуда кучли эди. Бу йўналишнинг улкан намояндалари жараёнга ўз таъсирини ўтказаётган бир давр эди. А.Моруа “вақтни сўраган одамга соатининг ички механизмларини, пружина” ёки майда мурватларини

¹² Наркирьер Ф. Андре Моруа. -М., 1974. Стр. 22.

¹³ Моруа А. Прометей или жизнь Бальзака. -М., 1988. Стр. 460.

эмас, соатнинг ўзини кўрсатиб қўя қолди. Адабий-тарихий жараёнда турли йўналишлар билан параллел яшашга ҳақли. Моруа учун инсоннинг ўзи, унинг ҳаёт таризи ва ижоди муҳим эди. “Энг асосийси, - дея ёзади Ф.Наркирьер “Андре Моруа” китобида, - Моруанинг барча ёзган асарларини бир нарса - унинг методи, ижодга биографик ёндашув методи бирлаштириб туради”¹⁴. А.Моруанинг кўпгина қарашлари Сент-Бёвнинг адабий концепциясига яқин туради. “Сент-Бёв химоясига доир” деган мақоласида ўша олимнинг: “Мен дарахт қандай бўлса, меваси ҳам шунақа, дея мамнуният билан айтаман. Шунга монанд, адабий тадқиқот мени психологик изланиш-тадқиқотлар сари етаклайди”, деган фикрларини келтиради.

Адабиётшуносликдаги биографик метод учун психологик ёндашув, биография ва психология параллелиги аҳамиятини шу эътирофдан ҳам билиш мумкин. Зотан, бу метод ҳақида марксист танқидчи олимлар биографик методда бадиий асарнинг жамиятдаги функциясига эътибор қаратилмайди, бадиий асар муайян шахс ижодининг маҳсулидан иборат қилиб қўйилади, бу методда субъективлик гуноҳи бор, қолаверса, бу метод сермахсул эмас, тарзида айблар тақаганлар. Бу методдан фойдаланадиган адабиётшунослар учун ҳам қолип тавсия этилган: тадқиқотчи адибнинг адабий ва ўз даври ижтимоий ҳаётидаги ролини тўғри аниқлай билиши лозим.

Тадқиқот методига бундай муносабат, табиийки, адабиётшунослик илми устидан юритилган сиёсатга, фикр ва қалам эркисизлигига бориб тақалади. Маълум бўлаётганидек, бу методнинг ижобий жиҳатлари кўп. Оддий бир ўхшатиш қилиб айтганда, қуёш нури ёмғир сувидан ўтиб камалакка айланганидек, бадиий асар ижодкор шахсий ҳаёти призмасидан ўтказилади ва натижада ижоднинг камалакранглари кашф этилади.

Адабиётшуносликдаги бирор методни ҳақиқатни англашнинг ягона йўли сифатида ҳеч ким мутлоқлаштирмаслиги лозим. Чунки илмда ҳақиқатга бориладиган йўл битта эмас. Ҳар бир тадқиқот усулининг ўзига хос ички йўл-йўриқлари мавжуд. Ҳар бир тадқиқотчи бадиий асарни қисмларга ажратиш ва бутунлаштириш ёки аниқ бир назарий муаммони махсус ажратиб ўрганиш ва ўз илмий-назарий фикрларини баён этиш ҳуқуқига эга. Айни чоқда, тадқиқотчи олим ўз ишида комплекс анализ усулини қўллаши ҳам мумкин.

¹⁴ Наркирьер Ф. Андре Моруа. -М., 1974. Стр.199-200.

Андре Моруа Оноре де Бальзак ижодини ёритар экан, унинг “Горио ота” (1843 йил ёзилган) романига алоҳида тўхталади. Қахрамонларнинг хатти-ҳаракатларига, психологик ҳолатларига, дарду аламлари ва кайф-сафоларига роман муаллифи ҳаёти йўли орқали қарайди. А.Моруа романдаги Воке хоним ижраҳонасида яшайдиган “ўсиб келаётган персонаж” Растиньяк ҳамда “исёнкор, жамиятга қарши уруш эълон қилган” Вотрендан Бальзак табиатига хос хусусиятларни топади. Шу маънода ёзади: “Бальзак ўз сифатларидан анча-мунчасини Вотренга берган ўша даврдаги ҳамма ёш йигитлар каби ёзувчи ҳали ҳам Напалеон сиймоси олдида тобланишдан халос бўлган эмас”.

Бальзакнинг Напалеон сиймосига ошуфталигини яна бир факт ҳам исботлайди. Унинг ёзув столи-китоб жавонининг энг тепасида ярим метрча келадиган Напалеоннинг гипс фигураси қўйилган. Унинг пастига картон қоғозда: “У қилич билан бошлаган ишни қалам билан охирига етказиш керак! Оноре де Бальзак”, деган ёзув ёпиштириб қўйилган. “Напалеон Бальзак учун титанизм - куч-қудрат намунаси бўлган, Адиб уни “инсоният салтанати тарихидаги энг кучли ирода” эгаси деб билган. Ҳаётни абадий жанггоҳ санаган Бальзак ўзини кўп бора Напалеонга ўхшатади”¹⁵.

Бальзак “Горио ота” романида баъзан Вотрен, баъзида Растиньякка ўз характери кирралари қўшиб ёзади. Айрим саҳифаларда Бальзак Вотрендек исёнкор ҳолатга киргандек кўринади. “Ҳолбуки, ўзининг табиатига кўра у ҳам Растиньякка ўхшаган юмшоқ одам. Эзгулик, меҳрибонлик нима эканини яхши биладиган Жорж Санд қатъият билан шундай дерди: “Бу даҳо инсон тўғрисида у даставвал меҳрибон ва мушфиқ одам бўлган демоқ - унинг тўғрисида мен биладиган мактовлардан энг юксагини айтмоқдир”. Бироқ худди Растиньяк каби, деярлик бошқа ҳамма одамлар каби Бальзак ҳам мураккаб одам эди. Худди Растиньяк каби дўстликнинг қадрига етарди... Бироқ Бальзак мухтожликларга тўлиб-тошган, кишини йўлдан оздирувчи эрмаклари сероб бир тарздаги ҳаётни кечирди, бу ҳаётда у тез-тез ғазаб оташларига ҳам дуч келиб турарди. Табиийки, Бальзак ҳам худди Растиньякка ўхшаб нима қилиб бўлса-да, бунақа турмушдан халос бўлишни истаган.

Растиньяк “Горио ота” романида ҳали жуда тортинчоқ хижолат чекаверадиган йигит сифатида кўринади. Биз Растиньяк билан яна қайтадан учрашганимизда, у энди барон, давлат котиби, ўз ўйнашини

эрининг озми-кўпми онгли шериги (“Банкир Нусингенлар хонадони”), 1845 йилга келганда эса у энди министр бўлади... Эндиликда у “Мутлоқ эзгулик деган нарса йўқ, фақат шароит бор” деб даъво қилади (“Ўзлари беҳабар мазҳарабозлар”, “Асридан сайланган ноиб”). Кўпинча бу персонаж учун Тьер нусха бўлиб хизмат қилган дейишади. Дарҳақиқат, Бальзак Растиньяк образини яратар экан, Тьернинг баъзи бир сифатларини олган бўлиши мумкин, лекин ҳаммадан ортиқроқ у ўзининг сифатларини олган”.¹⁶

Маълум бўланидек, А.Моруа адиб асарларидаги образлар табиатининг энг муҳим ва асосий жиҳатларини Бальзакнинг ўзига боғлаб тушунтиради. Бальзакка хос барча фазилат ва орзу-истаклар унинг қаҳрамонларига ҳам хос. Ҳар қандай ижодкор асарларида, энг аввало ўз қалбини, ўз маънавий дунёсини акс эттиради. Шу маънода бадиий асар ҳолатдан муаллиф дунёқарашини, эътиқоди ва турмуш тарзини англаш ҳам мумкин. Биографик метод шу англаш ва англатиш йўлидан бориб иш кўради.

Инчунун, жаҳон адабиётшунослиги, хусусан, француз адабиётшунослигида биографик методнинг ҳам назарий, ҳам амалий тажрибаларини, таъкидлаш жоизки, муваффақиятли тажрибаларини учратиш мумкин.

Дунё адабиётида маълум бир ижодкорнинг котиблари томонидан ёзилган асарлар ҳам (Иоганн Петер Эккерман “Гёте билан суҳбатлар”), адибларнинг ўз эътирофлари битилган асарлар ҳам (Л.Толстой “Иқрорнома”) мавжуд. Бундай манбалар – мактублар, иқрорномалар, суҳбатлар, хотиралар, эсталиклар, қўлёзмаларнинг турли нусхалари, ижодкор лабораторияси, шахсий архиви, замондошлари хотиралари ва, умуман, ижодкорга тегишли бошқа қатор омилар бадиий асарни биографик метод асосида ўрганиш учун жуда муҳим аҳамият касб этади.

В.С.Барахов “Адабий портрет яратиш санъати” китобида муҳим бир хотирани келтиради. 1901 йили, бир куни Чехов Горькийга айтади: “Мана Гётенинг ҳар бир сўзи ёзиб олинган, аммо Толстойнинг фикрларий ҳавога учиб кетмоқда”. Чехов бир неча бор Толстой ёнида Эккерман йўқлигидан афсусланади. Ҳатто бир куни Сулержицкий деган ижодкорга Толстойга котиблик қилишни маслаҳат ҳам беради. И.П.Эккерманга ўхшаб, айнан ижодкор билан ёнма-ён яшаб унинг

¹⁵ Г.Э.Ионкис. Оноре Бальзак. -М., 1988.

¹⁶ Андре Моруа. Оноре де Бальзак // «Жаҳон адабиёти» журнали, 1999. №8, 123-135 бетлар.

кундалик “ҳикмат”ларини ёзиб бориш, табиийки, бундай кундаликдаги хотиралар биографик методини қўллашда қўл келади. Вақт ўтгандан кейин ёзилган хотираларга эса, турли манфаатлар, баъзида тўқима гаплар аралашиб қолади.

Кейинги йилларда ўзбек олимлари ҳам куруқ, хронологик адабий портретдан фарқли ўлароқ биографик метод имкониятларидан фойдаланиш зарурлигини ҳис этмоқда. Шу маънода профессор А.Расуловнинг “Илми ғарибани қўмсаб...” (Т., “Маънавият”, 1998) китобидан ўрин олган “Ҳол таржимасидаги сакталик ва сохталиклар” номли мақоласи аҳамиятлидир. Олим бунда ёзувчи биографияси билан унинг асари орасидаги узвий боғланиш, руҳий яқинлик аҳамиятига алоҳида эътибор беради: “Ёзувчи ҳолати билан ижоди орасида узвий боғлиқлик бор... Ҳар қандай асарда ёзувчи руҳи, ҳоли, қалби акс этади. Асарлар синчиклаб ўрганилса, улар ёзувчи ҳолати, руҳияти ҳақида кўп нарсалар сўзлаб беради”¹⁷. Олим “Танқид, талқин, баҳолаш” (Т. Фан. 2006.) китобида ёзади: “Бадиий асар – хоҳ у лирик, хоҳ наср, хоҳ драма бўлсин – ёзувчининг ижоди маҳсули. Фарзанд ота-онага ўхшамаслиги мумкин эмас. Бадиий асар талқин, таҳлил қилинганда, табиийки, ёзувчининг руҳий ҳолати, кайфияти ҳисобга олинади. Адабиётшуносликда бадиий асарни талқин этишда ёзувчи руҳияти, кайфияти – ҳолатини ўрганувчи соҳа бор. Уни биографик метод ёхуд бадиий асарга ёзувчи ҳолати нуқтаи назаридан ёндашиш дейилади”¹⁸.

Ўзбек адабиёти тарихидаги Абдулла Қаҳҳорнинг “Ўтмишдан эртаклар”, Ойбекнинг “Болалик”, Ғафур Ғуломнинг “Шум бола”, Саид Аҳмаднинг қамоқхона ҳаётидан олиб ёзилган ҳикоялари ва бошқа кўплаб асарларни айнан шу метод асосида тадқиқ қилиш ўзининг яхши самараларини бериши табиийдир. Бу тоифага мансуб тадқиқотлар қисман бўлса ҳам ўзбек адабиётшунослиги тарихида мавжуд. Ўзбек адабиётшунослигида биографик методда ёзилган тадқиқотлар сирасига И.Султоннинг “Навойнинг қалб дафтари”, Н.Каримовнинг “Чўлпон”, Д.Қуроновнинг “Чўлпон: ҳаёти ва ижоди” каби китобларни мисол қилиб келтириш мумкин.

Биографик метод учун ижод аҳли асосан ўзини ёзади, бадиий образлари моҳиятига ўз карашларини, эстетик идеаларини жойлаштиради, деган тамойил ҳам муҳим саналади. “Ёзувчининг, гарчи шахсан танилмаса ҳам, асарларини ўқиб, қандай табиатли шахс

¹⁷ Расулов А. Илми ғарибани қўмсаб. -Т.: Маънавият, 1998. 27-бет.

¹⁸ Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. –Т.: Фан, 2006. 75-бет.

эканини ғойибона билиш, тасаввур қилиш мумкин. Чунки у асарларида асосан ўз табиатини, руҳини тасвирлайди” (Абдулла Қодирий). Улкан ижодкорларнинг руҳи, табиати, идеаллари ўз қаҳрамонлари ортига яширинган бўлади. Бадий асар ижодкор шахсида бутунлашади. И.В.Гёте айтадики: “Менинг ҳамма асарларим битта иқрономанинг бўлакларидир”, деб ёзади. “Мангу яшайдиган бир умумий қоида бор - муаллифнинг шахсий иқроллари ва эътирофларидан мутлақо холи бўлган санъат асарини топиш ғоятда мушкул... Шуниси ҳам борки, ёзувчи ўзи тўғрисида гапирмоқ учун, албатта, иқронома ёки кундалиликлар шаклига мурожаат қилмоғи шарт эмас. У буни ўзи ўйлаб топган тўқима образлар тили билан айтади. Биринчи қарашда бу образ адибнинг ўзига сира ўхшамайди, бундан нафақат адабий китобхон, баъзан эса ҳатто муаллиф биографиясининг ҳамма сирларидан хабардор бўлган тадқиқотчи ҳам алданиб қолади...”¹⁹.

Бадий асардан ёзувчи табиатига хос хусусиятларни англаш, ҳис этиш ижодкор яшаган муҳитни, маънавий-руҳий, эътиқодий дунёқарашини англаш орқали юзага келади. Масалан, Абдулла Қодирийнинг шахсиятини, дунёқарашини англаш асарларини теранроқ тушунишга олиб келади. Зотан, аллома адибнинг Юсуфбек хожи, Отабек, Анвар, Кумуш, Раъно сингари қаҳрамонларида акс этган бебаҳо маънавий қадриятлар бевосита Абдулла Қодирий маънавий-руҳий дунёсига тааллуқлидир. “...Артист бўлганимда эди, Отабек ролида ўзим ўйнардим... Негаки, Отабек характерини мендан яхши билгувчи йўқ...”²⁰, деган истаги асосида ҳам ўша руҳий бутунлик сезими бор.

Замондошларининг хотираларида Абдулла Қодирийнинг гулларни парваришига, гулларга шайдо экани ёзилган. Бу фазилат билан “Меҳробдан чаён” романидаги Анварнинг гулларга сув қуйиб ўстириши, парваришлашга бўлган шайдолиги орасида яқинлик бор, албатта. Бошқа бир мисол. Абдулла Қодирийнинг болалиқда қийинчилик билан таҳсил олгани, сўнгра Расулмуҳаммадбой эшигида мирзалик қилиб, кейин бойнинг таклифи билан унинг қизига уйлангани қайсидир даражада Анвар ҳаёти билан боғлиқ (Анварнинг Солиҳ маҳдумга ёрдамчи бўлиб, сўнг Раънога уйланиши каби) воқеаларни эслатади. Буни қарангки, роман сўнгида Абдулла Қодирий мирзо Анварни дор тагига олиб боради ва бадий усули билан ўлимдан “қутултириб” юборади. 1937 йилги машъум

¹⁹Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. -Т.: Маънавият, 2010. 249-бет.

²⁰Қодирий Х. Отам ҳақида. -Т., 1983.113-бет.

тузумнинг қаҳратонлари адиб қалбини музлатди; аммо адибни унинг бўйнига солинган сиртмоқдан, гарданига юкланган тухматлардан, афсуски, ҳеч ким қутқариб қола билмади. Қодирий шаҳидлар силкига тизилди.

Масъуд Абдуллаев “Ўтганлар ёди” китобида “Мен 1926 йили 12 апрелда оилада тўртинчи фарзанд бўлиб дунёга келганман. Надоматлар бўлсинки, ўшанда дадамни тухматнинг қора курсисига ўтқазган эканлар. Дадам “Муштум” журналида ҳажвий мақолалари билан қатнашиб турар эканлар. Жумладан, ўз замонасининг илғор зиёлиларини ҳам танқид қилиб ёзган “Йиғинди гаплар” мақоласидан сўнг дадамни ҳибс қилган эканлар. Дадам қамоқдан чиққунларига қадар мен исмсиз ётаверган эканман. Айтишларича, дадам 1926 йил 12 июнда қамоқдан чиқадилар ва мени икки ойлигимда биринчи бор кўрадилар. Эҳтимол, озодликка чиққунларига хурсанд бўлиб, менга Масъуд (бахтли) деб исм қўйгандирлар”²¹. Ушбу ходиса ҳибсдан қутулгандан кейин ёзилган “Меҳробдан чаён” романидаги Анварнинг дунёга ташрифига оид бир эпизодни эсга солади. “Анварнинг “чилласи чароғ кўрмаган” бўлса ҳеч бокиси йўқдир, бироқ йигирма кунлаб бешикда исмсиз ётиш қизиқдир, чунки янги “қадрлик меҳмон”га от қўйиш на отасининг эсига ва на онасининг хотирига келган эди. Орадан йигирма кун ўтса-ку, болага исм қўмасалар, деб ота-онани айблаш оғир... Исм қўйиш вазифасини йигирма иккинчи кунларда ўн икки ёшлиқ Нодира одо қилди”²².

“Ўтганлар ёди” китобининг бошқа бир саҳифасида Қодир бобонинг тожирлиги эсга олинади²³. Табиийки, бундай биографик маълумотлар ҳам беихтиёр Отабекнинг тижорат билан турли шаҳарларга боргани ёдга солади. Ёки Масъуд Абдуллаев онасининг асил ҳовлиларига борганида “Ўткан кунлар”даги Мирзакарим қутидор ҳовлисига ўхшаш манзараларни кўради. “Ширинқудукдан бир оз юрилиб, боши берк тор кўчага бурилгач, яна 50-60 қадам юрилса, ойимнинг туғилиб ўсган ҳовлиларига етиларди. Ҳовлига икки табақали эски, бўёқлари ўчиб кетган эшик орқали ташқи-ичкари ҳовлига кириларди. “Ўткан кунлар” романини ўқиганимда “Киройи куёвинг шундай бўлса” фаслидаги манзарада дадам қайнота ҳовлиларининг ички-ташқи кўринишларини таърифлагандай туюлади”²⁴. Табиийки,

²¹ Масъуд Абдуллаев. Ўтганлар ёди.- Т.: “Davr Press” NMU. 2012. 6-бет

²² Абдулла Қодирий. Рўмонлар. Ўткан кунлар. Меҳробдан чаён. –Т.: Фафур Гулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти. 1994. 416-бет.

²³ Масъуд Абдуллаев. Ўтганлар ёди. -Т.: “Davr Press” NMU. 2012. 69-бет.

²⁴ Масъуд Абдуллаев. Ўтганлар ёди. -Т.: “Davr Press” NMU. 2012. 83-бет.

бундай муҳим хотиравий фактлар “Ўткан кунлар” романи биографик талқини учун зарур манбалар саналади. Энг асосийси, Абдулла Қодирийнинг тасвирлаш тамойилига садоқатан ўз кўзи билан кўрган жой, нарса-предмет, воқеа-ҳодиса, инсонлар феъли ҳамда қиёфасини чизишда реал ҳаётӣ фактларга таянганини англатади.

Замондошларининг хотираларида Абдулла Қодирийнинг гулларни парваришига, гулларга шайдо экани ёзилган. Бу фазилат билан “Меҳробдан чаён” романидаги Анварнинг гулларга сув қуйиб ўстириши, парваришлашга бўлган шайдолиги орасида яқинлик бор, албатта. Бошқа бир мисол. Абдулла Қодирийнинг болалиқда қийинчилик билан таҳсил олгани, сўнгра Расулмуҳаммадбой эшигида мирзалик қилиб, кейин бойнинг таклифи билан унинг қизига уйлангани қайсидир даражада Анвар ҳаёти билан боғлиқ (Анварнинг Солиҳ маҳдумга ёрдамчи бўлиб, сўнг Раънога уйланиши каби) воқеаларни эслатади. Буни қарангки, роман сўнгида Абдулла Қодирий мирзо Анварни дор тагига олиб боради ва бадий усули билан ўлимдан “қутултириб” юборади. 1937 йилги машъум тузумнинг қаҳратонлари адиб қалбини музлатди; аммо адибни унинг бўйнига солинган сиртмоқдан, гарданига юкланган тухматлардан, афсуски, ҳеч ким қутқариб қола билмади. Қодирий шаҳидлар силкига тизилди.

Профессор Шариф Юсупов “Худоёрхон ва Фурқат” китобида бир сабаб, яъни Худоёрхоннинг васияти муносабати билан Тошкентнинг Лангар маҳалласида яшаган Тожддин эшоннинг Афанди ойим исмли хотинини эсга олади: “30-йиллар ўрталарида 80-ёшлар чамасида бўлган қорачадан келган чиройли кампир – Афанди ойим барча ўғил-қизлари ва келинлари жоловини маҳкам ушлаганча, худди Саид Аҳмаднинг “Келинлар кўзғалони” комедиясидаги Фармон бибидек оиласида ҳукмфармолик қилганини болалиқ йилларимда кўп марта кўрганман. Айтганча, Саид Аҳмаднинг Ойпошша Дадахўжаева деган аммаси Афанди ойимнинг келинларидан бири эди ва у аммасиникига ўқтин-ўқтин бориб ўйнаб юарди. Ўша вақтларда Афанди ойим феъли-атворида кўрган баъзи хусусиятларни Саид Аҳмад кейинчалик Фармонбиби тимсолига кўчирган бўлса ажаб эмас”²⁵. Биографик метод нуқтаи назаридан ушбу манбага таяниб, Фармон бибини Саид Аҳмад қаердан олганини, бу образнинг генезиси устида фикрлаш мумкин.

Ижод аҳли томонидан тўқилган номлар, яратилган образлар “мен”лик олами ифодасига хизмат қилади. Поэтик кўчим, образли тафаккур тарзи шуни тақазо қилади. Кўп ҳолларда ижодкорлар

асарлари мазмун-моҳиятида ўз дарду дунёси акс этганини очик эътироф ҳам қилади. Шоир Абдулла Ориповдан “Отелло”, “Алишер Навоий”, “Аллома” каби шеърларининг юзага келиш тарихи тўғрисида шундай фикрларни айтади: “Бу шеърлар, албатта, аниқ тарихий саналар билан боғлиқ. Лекин уларнинг заминида менинг ҳаётга муносабатим бор. Бу туйғулар кишининг юрагида доимо яшаб, муайян бир туртки сабабли шеърга ўтган, холос”²⁶.

Хуллас, биографик метод тарихини, намояндаларини, имкониятларини, дунё адабиётшунослигидаги ютуқлари ҳамда тажрибаларини чуқур ўрганиш бадиий асарларни ўзига хос тарзда тушуниш ва тушунтириш учун амалиётда қўллаш, албатта, ўзининг ижобий натижаларини беради.

Савол ва топшириқлар:

1. Биографик методнинг тарихи, асосий тамойилларини тушунтиринг.
2. Ижодкор шахсий ҳаётининг биографик метод учун қандай аҳамияти бор?
3. Биографик жанр билан биографик метод ўртасидаги фарқ нимадан иборат?
4. Биографик метод асоси ва бош тамойили нима?
5. Биографик метод асосида ёзилган қандай асарларни биласиз?
6. Биографик ва психологик методларнинг ўзаро уйғун жиҳатлари мавжудми?

Адабиётлар:

1. Жаҳон адиблари адабиёт ҳақида. -Т.: Маънавият, 2010.
2. Иноғомов Р. Шоир бўлиш осонмас. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996.
3. Карим Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. – Тошкент. “Академнашр” нашриёти. 2014.
4. Карим Б. Руҳият алифбоси. –Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016.
5. Каримов Н.Чўлпон (маърифий роман). -Т.: Шарқ, 2003.

²⁵ Юсупов. Ш. “Худоёрхон ва Фурқат.-Тошкент. Шарқ. 1995. 81-82-бетлар.

²⁶ Абдулла Орипов. Эҳтиёж фарзанди. -Т., 1988. 124-125-бетлар.

6. Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. Stuttgart. 1992.
7. Моруа А. Олимпио, или жизнь Виктор Гюго. -М., 1983.
8. Норматов У. Қаҳҳорни англаш машаққати. –Т.: Университет, 2000.
9. Норматов У. Қодирий мўъжизаси. -Т.: Ўзбекистон, 2010.
- 10.Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. –Т.: Фан, 2006.
- 11.Саидносирова З. Ойбегим менинг. –Т.: Шарқ, 1994.
- 12.Сент-Бёв Ш. Литературные портреты. Критические очерки. - М., 1970.
- 13.Султон И. Навоийнинг қалб дафтари. –Т.: Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи, 2010.
- 14.Толстой Л. Иқрорнома. -Т.: Маънавият, 1998; 2010.
- 15.Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти.-Т.: Шарқ, 2004.
- 16.Эккерман И.П. Разговоры с Гёте. -М., 1981.
- 17.Қуроноф Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. -Т.: Ўқитувчи, 1997.
- 18.Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. –Т.: Абдулла Қодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1994.

СОЦИОЛОГИК МЕТОД

Режа:

1. Социологик метод тарихи хусусида.
2. Метод ўзига хос хусусиятлари.
3. Вульгар социологизм ҳодисаси.
4. Ўзбек адабиётшунослигида социологик метод.

Таянч сўз ва иборалар: метод, ижтимоий муҳит, вульгар социологизм, маданий муҳит, адабий ҳаёт, синф, миллат, ижодкор, бадиий асар, адабий давр, давр қаҳрамони.

Социологик метод адабиётшуносликда жуда кенг қўлланадиган илмий тадқиқот усулларида биридир. Бу метод негизида бадиий адабиётга ижтимоий ҳодиса сифатида қараш етакчилик қилади. Адабиётни бу метод воситасида тадқиқ этишда асосан жамиятдаги ижтимоий ҳодисаларни, маданий муҳит, адабий-тарихий шарт-шароитни инобатга олиш ҳоллари муҳим саналади.

Бадиий адабиёт ва, умуман, санъатнинг жамият билан ўзаро муносабатлари масаласи жуда қадим замонлардаёқ ўртага ташланган бўлса-да, адабиётнинг ижтимоий моҳияти ва шу асосида ўрганиш-тадқиқ этиш методи XIX асрнинг 30-40-йилларига келиб юзага чиқади. “Социология” атамасини биринчи бўлиб қўлланилиши француз файласуфи Огюст Конт (1798-1857) номи билан боғлиқ. Унинг санъатга қарашида “санъат санъат учун” тамойилига танқидий муносабат бор. Файласуф фикрича, санъат асари инсоннинг индивидуал ва ижтимоий борлигини инъикос эттириши керак.

Дунё адабиётшунослиги тарихида «маданий-тарихий мактаб» вакили бўлган француз олими Ипполит Тэнь (1828-1893) социологик методнинг асосчиларидан бири ҳисобланади. И.Тэнь ўз қарашларида О.Конт таъсирида бўлган. Бу олим социологияни конкрет (эмприк) фанларга татбиқ этиб, ўз методини табиий фанлар методикасига қиёсий тарзда тузиб чиқади. И.Тэнь санъат тараққиётини ижтимоий ҳолат билан изоҳлашга - тушунтиришга интилади. И.Тэнь ўз назарий фикр-мулоҳазалари исботи учун инглиз адабиёти тарихига, нидерландиялик рассомлар ижодига, қадимги грек ҳамда итальян

санъати тарихига мурожаат этади; мазкур объектларнинг пайдо бўлиши ва тараққиёт сабабларини ижтимоий-тарихий асосларга боғлаб ўрганади.

И.Тэннинг назарий қарашлари немис классик фалсафаси намояндалари Готфрид Иоганн Гердер (1744-1803) ҳамда Георг Вильгельм Фридрих Гегель (1770-1831) таъсирида шаклланади. Хусусан, Гегелнинг «Эстетика» асари нафақат маданий-тарихий мактаб вакиллари ижодида, балки ўзидан кейинги бутун файласуф-адабиётшунослар авлодининг шаклланишида жуда катта таъсирини ўтказди. Бу китоб бугун ҳам ўқилади.

Социологик метод асосига эътибор қаратган И.Тэнъ санъат предмети жамият ҳаётида мавжуд инсонларнинг характериدير, деб таъкидлайди. У илмий-назарий тамойилларни “ирқ, муҳит ва вақт” тушунчалари воситасида изоҳлайди. Санъат асарини қайсидир ирқ-халқ-миллатга мансублигини, маълум бир муҳит ва муайян замонда яратилишига алоҳида урғу беради. Олим фаолияти санъакорнинг шахсий фантазияси ва тасодифий ҳолат бўлиб кўринган адабиёт ва санъат ҳодисасини объектив тушунтирига қаратилган эди. Адабий ҳодисага бутун жараён сифатида қараш, санъат асарини, санъаткор ва саъаткорлар авлодини тушунишда И.Тенъ улар мансуб бўлган “ўша давр таомили ва дунёқараши”ни кўрсатади²⁷. Файласуф “Танкид методикаси ва адабиёт тарихи тўғрисида”, “Санъат фалсафаси” каби асарлари билан Европа адабиётшунослигига кучли таъсирини ўтказди. Рус адабиётшунослиги тарихида Александр Николаевич Пипин (1833-1904) шу мактаб намояндаси саналади. У минг босма табокдан ортиқ турли филологик йўналишларда асарлар ёзган олим адабиёт ва жамият тушунчаларни деярлик синоним ҳолатда кўради. Рус адабиётшунослигида бадий адабиётни ижтимоий муҳит, тарихий давр, географик шарт-шароит билан алоқадорликда тушунтиришга ҳаракат қилган бошқа олимлар ҳам етишиб чиқди.

П.Н.Сакулиннинг 1925 йили “Адабиётшуносликда социологик метод” номли китоби босилади. Олим адабиётнинг ижтимоий табиатга урғу беради; уни жамиядан алоҳида тасаввур қилиб бўлмаслигини таъкидлайди. Адабиётга таъсир қиладиган омиллар сифатида қуйидаги доира-чизгини тақдим этади.



Социологик метод тамойилларини баён қилган Сақулин ижодкорнинг индивидуал шахсиятига ҳам эътибор беради. Адиб ижодини адабий-тарихий жараёнда ўрганиш бу ижодкорнинг адабиёт тарихидаги ўрнини белгилайди. Олим ижтимоий муҳит, маданий муҳит, адабий муҳит, адабий мактаб, ижодкор ва бадиий асар бир тизимга солиб, қуйидаги доира-чизма асосида тақдим этади.



Барча ижтимоий, маданий, адабий муҳитлар тадқиқи охи-роқибат ижодкор шахси ва унинг асарига келиб тақалади. Сақулин социологик методнинг адабиёт тарихини ёритиш учун зарурлигини

²⁷ История русского литературоведения. -М., 1980. Стр.125.

таъкидлайди²⁸. Бу қарашларда ўз даври билан изоҳланадиган, дейлик, марксизм ёки синфийлик билан боғланган ўринлари ҳам мавжуд.

Сир эмаски, ўтган асарда бадий адабиётни социологик нуқтаи назаридан тадқиқ этиш марксизм социологиясига дахлдор эди. Бу йўналишнинг методологик асосини тарихий материализм ташкил қиларди. К.Маркс ва Ф.Энгельс издошлари Франц Меринг (1846-1919 немис), француз социалисти Поль Лафарг (1842-1911), Россия мухитида эса Георгий Валентинович Плехановлар (1856-1918) шу йўналишда асарлар ёзди.

Г.В.Плеханов “Карл Маркс ва Лев Толстой”, “Яна Толстой тўғрисида”, “Вассарион Григорьевич Белинский”, “Белинский, Чернишевский ва Писарев” номли мақолаларида ўзининг адабиётга нисбатан қатъий социологик муносабатни баён этади. В.Г.Белинский тўғрисида ёзар экан, ўша танқидчи адабий ҳодисага ижтимоий томонини эмас, балки фақатгина публицистик нуқтаи назаридан қарайди, дея бу хусусиятни камчилик сифатида кўрсатади. “Белинскийнинг кейинги йилларда ёзган мақолаларида адабий танқидчилигимиз бажариш керак бўлган қатор режалар хусусида фикр юритилганки, бу вазифалар фақатгина социологик нуқтаи назарида мустақкам туриб олгандагина бажарилиш мумкин”²⁹. Бу Плехановнинг айни методга тегишли қатъий фикри.

Гарчанд бугунги кунда социологик метод танқидга учраётган бўлса-да, унинг муайян тарихий шарт-шароитда етакчилик қилганини - у сунъий ёки табиий бўлишидан қатъи назар - инкор этиб бўлмайдиган фактдир. Шу маънода социологик методнинг тарихи, ютуқ ва камчиликлари хусусида фикрлашиш ва муайян ибратли хулосалар чиқариш мумкин.

Маълумки, ўтган XX асрда социологик метод намояндалари “доҳий”ларнинг реализм ёки умуман, адабиёт ҳамда маданий мерос тўғрисидаги қарашларига таянди. Уларнинг турли асарларидан олинган кўчирмалар, айрим мақолалари, хусусан, адабиётнинг партиявийлиги, синфийлиги Л.Н.Толстой ва А.И.Герцен тўғрисидаги мақолалари адабиётшунослик учун методологик таянч вазифасини бажарган эди. А.В.Луначарский (1875-1933) адабиёт ва санъат тадқиқида марксистик қарашлари олиб кирди. Бадий адабиёт соҳасида шу тамойилни тарғиб-ташвиқ этди; “Санъат ҳақида

²⁸ П.А.Сакулин. Филология и культурология. -М., 1990. Стр.129.

²⁹ Плеханов Г.В. Истории в слове. -М., 1988. Стр.95.

мунозара” (1905), “Пролетар адабиёти ҳақида мактублар” (1914), “Санъатда синфий кураш” (1929), “Ленин ва адабиётшунослик” (1932) каби асарлар ёзди. Бундай мафкуравий адабиётшуносликнинг бир қатор манбаларини Отажон Ҳошим 20-йилларнинг охири 30-йилларда ўзбек адабиётига татбиқ қилди. Унинг “Пролетариат ва чигатой адабиёти”, “Пролетариат адабиёти ва адабий мерос”, “Ўзбек шўро адабиётининг бир неча ижодий масалалари” ва бошқа асарларида марксизм-ленинизм таълимотига асосланган социологик метод етакчи саналади.

Бадиий адабиётни, ижодкор фаолиятини социалистик тузумга, баъзида ижтимоий-иқтисодий омилларга ҳаддан ташқари боғлаш 30-йиллар адабиётшунослигига хосдир. Бу давр адабиётшунослигида социологик метод бирёқлама қўлланди. Синфий кураш - тарихни ҳаракатга келтирадиган кучдир, деган қараш бадиий асар мазмунини сийқалаштириб, анча жўнлаштирди. Ҳар қандай бадиий асарга, энг аввало синфлар ўртасидаги шиддатли тўқнашувлар нуқтаи назаридан ёндашилди. XX аср адабиётшунослик тарихидаги бу ҳодиса “вульгар социологизм” деб номланди. (“Вульгар” сўзи лотинча бўлиб, “содда, оддий” деган маънони билдиради).

Хўш вульгар социологизмнинг ўзи нима? “Вульгар социологизм - ижтимоий ҳодисаларни сийқа талқин қилишдан иборат бўлиб, бундай талқин қилиш тарихий материализмни бузади, чунки бу ижтимоий тараққиётнинг айрим факторларини; техникани, ишлаб чиқаришни ташкил этиш формаларини, экономикани, сиёсатни, идеологияни бир томонлама бўрттириб кўрсатади. Тор маънода-идеологиянинг синфий шарт-шароитга боғлиқ эканини сийқа тушунишдир”. Бу изохда ҳам замоннинг мафкуравий назари бор. Рус адабий танқидчилигида В.Шулятиков, В.Переверзев, В.Фриче каби олимлар вульгар социологик қараш эгалари саналади. Бундай бирёқлама қарашларга ўз вақтида жавоб тарзида китоблар ҳам ёзилди³⁰.

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, 30-йиллар муҳотида вульгар социологик қарашлар ўзбек адабиётшунослигида ҳам мавжуд эди. Айннинг (Олим Шарафиддинов) “Ўзбек шоири. Чўлпон” (1927 йил 14 февраль, “Қизил Ўзбекистон” газетаси) танқидий мақоласи вульгар социологик руҳда эди. Ойбек Чўлпонни мафкуравий ҳужумлардан ҳимоя қилиб Аинга “Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак” деган

³⁰ Розенталь М. Против вульгарной социологии в литературной теории. –М., Худлит., 1936.

сарлавҳали жавоб ёзди: “Айн” мақоласининг қисқача мазмуни шундан иборат: Чўлпон йўқсил эл шоири эмас, миллатчи зиёлиларнинг шоири. Чўлпон - бадбин, Чўлпон -хаёлшараст.

Адабиёт ижтимоий ҳаётнинг акс-садо(эхо)си ва даврнинг мафкуравий кўринишидир. Синфлик жамиятда адабиёт, шоир ва адибларнинг ҳақиқий физиономиясини кўриш учун мунаққид, аввало, жамият такомулининг пружинаси бўлгон омилларини тайинлаши лозим. Чунки адабиётнинг сўниши ёки порлаши, адабиёт сахнасига бир шоирнинг чиқиб қолиши тасодифий(случайность) эмас. Умуман, дунёда тасодиф йўқ. “Тасодиф бизнинг нодонлигимиз натижасидир”. Шу тартибда ижтимоий (социолуогический) метод билан курулганиб шоирларнинг башарасига қараш адабий сирларни очиб беради, мунаққидни сеҳрли доирадан олиб чиқади.

Чўлпоннинг “нуқсон томонлари, хусусан, мафкураси” тўғрисида гапирмакчи бўлгон “Айн”да худди шу метод йўқ. Ҳе йўқ, бе йўқ, қаламга ёпишади: “Чўлпон хаёлига берилган”, “ҳақиқатни хаёл кўзи билан кўради”, деб хаёлдан қочқон “оғир бошли” Айн ўзининг кўкда учишидан хабарсиз. Чўлпоннинг етишган даврларига қарағуси келмайди. Унинг таракқиёти қадамларини санамайди. Даврларга бўлмайди. Шоирлар хаёл билан кўкка учса, ҳа, шоир-да, деймиз. Аммо мунаққиднинг учиши ҳаммадан қизиқ...”³¹. Ойбек шу зайлда ижод моҳиятига, талант тарбиясига диққатни қаратиб, социологик методнинг илмий тамойиллари нуқтаи назаридан “Чўлпоннинг муҳити, тарбияси ва интилишлари”ни инорбатга олди ва, умуман, методологик масалани ўринли кўяди.

Аммо баҳс-мунозарада қатнашган Усмонхоннинг “Мунаққиднинг мунаққиди” мақоласида метод масаласида бирёқлама фикрлар баён этди: “Ойбек “илмий метод” деб «ижтимоий (социологический) метод”ни тушунади. Бу тушунганингиз хом; чунки “товушнинг қаердан келишини” билмагансиз, қайси марксист адабиётида “социологический метод” деган истилоҳни кўрдингиз? Бундай истилоҳ йўқ ва бўла ҳам олмайди. Токи бу истилоҳ сиз томондан кашф этилдими? Ундай бўлса, унинг тўғрилигини, илмийлигини олдин исбот қилиб, сўнгра амалий ишлатсангиз бўлар эди; нимага десангиз, бу истилоҳга ҳозирча биз унамаймиз ва, бизимча, бу истилоҳ янглиш истилоҳдир. Метод моддий бўла олади; мужодалавий (диалектический) бўла олади, лекин ҳеч вақт “социологический” бўла омайди. Сотсиология ўзи мустақил бир фанким,

³¹Ойбек. “Чўлпон. Шоирни қандай текшириш керак?” “Қизил Ўзбекистон” газетаси, 1927 йил, 17 май.

Ўз-ўзи методга мухтож, сотсиология метод ва дунёга қараш томонларидан буржуазия ёки маънавиюн ва марксист ёки моддиюн бўлиб иккига айрилади. Агар Ойбек каби мана шу айирмани идрок этмасдан тўғридан-тўғри “сотсиологический” деб кета берилса, минг мартаба “марксистча” деган билан ҳақақатда марксистча бўлмайди. Сотсиология ижтимоий фан сифатида билан кескин суратда синфий фандир. Бунинг учун буржуазия сотсиологияси билан марксизм сотсиологияси (яъни тарихий маддиюнлик - исторически материализм) орасидаги айирмани очиқ билиб олиш лозим; тескари ҳолда, бу истилоҳий ишлатишда Ойбек каби икки жаҳон овораси бўлиб қолинади. Метод тўғрисида бўлса, бизнинг (яъни марксистларнинг) методи моддий мужодала (материалистическая диалектика)дир”³². Табиийки, бу фикрлар баҳслашувчининг илмий-маданий савиясини, тушунчалари доирасини ҳам кўрсатади.

Шунингдек, ўша даврда С.Хусайннинг “Ўткан кунлар” тўғрисида ёзган китоби, М.Бузрук Солиҳовнинг “Меҳробдан чаён”ни танқид этган мақоласи, “Ўзбек адабиётида миллатчилик кўринишлари” (1933) асари вульгар социологик руҳда ёзилган эди. Бу бирёқламаликнинг битта киррасини тасаввур қилиш учун А.Саъдийнинг “Ўзбек буржуа адабиёти” (1934) китоблардна олинган бир кўчирма келтириш етарли. Китоблар номидаги “миллатчилик”, “буржуа” сўзлари ҳам муаллифлар концепциясидан, асарлари мазмун-моҳиятидан дарак беради. А.Саъдий китобининг “Кириш”ида шундай ёзади: “Бадиий адабиёт ўз-ўзидан бўлмайди. У осмондан тушмайди. Уни кишилар, яъни ёзувчилар, шоирлар яратади. Синфдан ёки ижтимоий гуруҳлардан ташқари бўлган ёзувчи йўқ. Ёзувчилар маълум синфдан чикқан ёки у синфдан чикмаса-да, кейин у синфнинг тарбиясини олиб, шу синф томонига кўчиб, шунинг манфаатига хизмат қила бошлаган бўлади... Ҳар бир даврнинг ёзувчилари шу даврда синфлар томонидан уларнинг олдиларига кўйилгон синфий вазифаларни бажара борадилар, шуларни бажариш учун курашадилар. Уларнинг бу курашларида уларга раҳбарлик этувчи, уларга таянч бўлиб йўл кўрсатиб, куч ва ёрдам бериб боровчи қувват яна ўша синф ва ўша синфнинг партияси бўлади. Шу равишда адабиёт синфларнинг синфий кураш куролларидан бири деяр экансиз, шу замон, шу адабиётни яратувчиларнинг ўзларининг, яъни ёзувчиларнинг ҳам синфлар ва синфларнинг сиёсатлари учун курашувчи бўлганликларини тушунишимиз лозим”³³. Шу кўчирмада “синф” ва “синфий” сўзи ўндан ортиқ ўринда маъноли-маъносиз равишда

³² Усмонхон. Мунаққиднинг “мунаққиди” // “Қизил Ўзбекистон” газ, 1927 йил 22-июнь.

³³ Саъдий А. Ўзбек буржуа адабиёти. -Тошкент: 1934. 15-17-бетлар.

қўлланган. Бадиий адабиётга бундай вульгар муносабат ўзбек адабиётшунослигининг XX аср 30-йилларига хос хусусиятдир.

Сир эмаски, ўзбек адабиётшуносларининг катта бир авлоди рус адабий танқидчилари, бадиий адабиётнинг социал вазифасига асосий урғу берган В.Г.Белинский, Н.Г.Чернишевский, Н.А.Добролюбовлар мактаби тарбиясини олди. Бу танқидчиларнинг айрим асарлари ўзбек тилига таржима қилинди. Шу маънода ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги тарихига назар ташланса, кўпинча бадиий асарлар социологик метод асосида тадқиқ қилингани ойдинлашади. Бироқ бу фикр ўзбек адабиётшунослари бадиий асарнинг эстетик қирраларига, психологизм ёки формал томонларига мутлақо эътибор бергани йўқ, дегани эмас. Чунки бадиий асарларнинг турли эстетик томонлари - шаклий-композицион, ғоявий-поэтик муаммолари ўзбек адабиётини тадқиқ қилган илмий-назарий асарларда ўз ифодасини топди.

Бадиий адабиётга социологик методни татбиқ этиш фақатгина синфийлик, партиявийлик, халқчиллик каби тушунчалардан иборат эмас. Тўғрироғи, адабиётни ижтимоий воқелик, жамият ҳаётига алоқадорликда текширишнинг бирдан-бир энг тўғри йўли марксча-ленинча фалсафа воситачилиги, деган ўша тарихий давр мафқураси билан изоҳланадиган қараш ўзини оқламади. Жаҳон фалсафаси, эстетикаси, адабиётшунослиги ва санъатшунослигидан хабардорлик ўзбек адабиётшунос олимларининг адабий-илмий талқинларини янги методлар томонга йўналтирди.

XX аср ўзбек адабиётшуносларнинг катта бир авлоди ўз илмий-ижодий фаолиятида бошқа усуллар қаторида маданий-тарихий мактаб намояндалари асарларидан, социологик методнинг бадиий асарга ёндашув тамойилларидан унумли фойдаланди.

Адабий дурдоналар муайян бир маданий-ижтимоий муҳитда яратилар ва истеъдод эгалари маълум бир тарихий даврда ижод қилар экан, бадиий адабиётни ижтимоий-социологик нуқтаи назардан ўрганиш, бошқа энг самарали ва замонавий методлар билан уйғунликда, шунингдек, инсоннинг турмуш тарзи, жамият ҳаётининг турли тамойиллари асосида тадқиқ қилиш ҳоллари ҳам давом этиши табиий.

Савол ва топшириқлар:

1. Социологик методнинг тарихини тушунтиринг.
2. Социологик методнинг фалсафий асоси хусусида нималар биласиз?
3. Бу метод таниқли намояндалари кимлар?
4. Ижтимоий муҳит, адабий муҳит, ижодкор ва бадиий асарнинг ўзаро алоқасини изоҳлаб беринг.
5. Социологик метод эскирганми?
6. Вульгар социологизм нима?
7. Қайси олимлар вульгар социологик руҳда асарлар ёзган?
8. Ўзбек олимларининг социологик метод асосида ёзилган асарларига мисоллар келтиринг.

Адабиётлар:

1. Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. -М., 1986.
2. Карим Б. Абдулла Қодирий: танқид, таҳлил ва талқин. –Т.: Фан, 2006.
3. Карим Б. Руҳият алифбоси. –Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016.
4. Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. Ғоявийлик. Метод. Қахрамон. -Т., 1979.
5. Норматов У. Ижод сеҳри. –Т.: Шарқ, 2007.
6. Плеханов Г.В. Истории в слове. -М., 1988.
7. Проблемы историзма. Методология современного литературоведения. -М., 1978.
8. Сакулин П.Н. Футурология и культурология. -М.,1990.
9. Содик С. Ижоднинг ўттиз лаҳзаси. –Т.: Шарқ, 2007.
10. Чўлпон ва танқид. –Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004.
11. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти. -Т.: Шарқ, 2004.
12. Қосимов Б. Миллий уйғониш. -Т., 2002.
13. Ципко А. Хорошо ли наши принципы? // Новый мир. -1990. -№ 4. - С.117-123.
14. Ципко А. Тутган йўлимиз маъкулмикан? // Жаҳон адабиёти.-2000. №2.
15. Хусайн С. Ўтган кунлар. -Тошкент-Баку: Ўзнашр, 1931.

ФОРМАЛ МЕТОД

Режа:

1. Метод шаклланган адабий-илмий муҳит.
2. Формал методнинг тадқиқот тамойиллари.
3. Формал метод намояндалари.
4. Методнинг дунё адабиётшунослигида тутган ўрни.
5. Бадиий санъатлар ва формал метод хусусида.

Таянч сўз ва иборалар: рус формалистлари, формализм, формал мактаб, ОПОЯЗ, МЛК, шаклбозлик, сўз ижодкорлиги, лафзий санъатлар.

Адабиётшунослик илмида баъзан “формализм”, “формал мактаб”, “формал метод” каби атамалар ишлатилади. Бу тушунчаларнинг ўзига хос тарихи, адабий-назарий тамойиллари, асосчи-вакиллари, давомчи-намояндалари мавжуд. 20-йиллар рус адабиётшунослигида “формал мактаб” номини олган йўналиш ва шу мактаб олимлари ёзган тадқиқотлар формал методнинг бир намунасидир. Бу йўналиш таркибига ОПОЯЗ (Общество изучения поэтического языка), МЛК (Московский лингвистический кружок) каби жамият ва тўғараклар кирар эди.

Адабиётшуносликдаги формал метод бадиий, шаклий-композицион унсурларга энг муҳим назарий-эстетик категория сифатида қарайди. Бадиий адабиётнинг индивидуал хусусияти шаклда ўз ифодасини топади, деган фикрни илгари суради.

XIX аср охири XX аср бошларида Ғарбий Европада санъатнинг бошқа турларига муносабатда, масалан, тасвирий санъат ёки ҳар хил санъат турларини қиёслаш (Г. Вельфлин, О. Вальцель вакиллари) пайдо бўлди. Адабиётшуносликда “роман морфологияси” (В. Дибелиус), “Тилга тегишли стилистика” (Л. Шпитцлер) каби йўналишларда кўринади. Ғарбда бундай формал методнинг принципларини “диққат билан ўқиш” ташкил этар эди. Бунда бадиий адабиётни генетик-эволюцион нуқтаи назардан ўрганишдан кўра статистик тадқиқ этиш биринчи ўринга чиқади.

XX асрнинг 10-20-йилларида фаолият кўрсатган рус формал мактаби санъатшунослик концепциясидан эмас, балки лингвопоэтик ёндашув негизида ўз принципларини ишлаб чиқди. Метод назариясига доир дастлабки қарашлар 1914 йили нашр қилинган В.Шкловскийнинг “Сўзнинг тирилиши” рисоласида баён қилинди. Рус формалистларида шаклга бадий адабиётни тадқиқ этадиган, унинг барча хусусиятларини ифодалайдиган бирдан-бир ягона тамойил, деган қараш вақт ўтиши билан анча кенгайди. Назарий ва тарихий поэтикага доир фикрлари ривожланиб, “мазмуний шакл” (“содержательная форма”) тарзидаги илмий тушунчалар юзага келди.

Формал метод вакиллари, тарафдорлари илмий фаолиятида ўзларининг илмий-эстетик концепцияси ўз маҳсулини берди. Зотан, улар адабиётшунослик илмида илгари ўрганилмаган, тадқиқ қилилмаган адабий-назарий муаммоларни ўртага қўйди. Уларнинг илмий изланишлари орасида нутқ шакли ва тил (В.В.Виноградов), қофия, шеър ўлчови ва шеър қурилиши (В.М.Жирмунский), семантика билан шеър конструкциясининг алоқаси (Ю.Н.Тиньянов), синтаксис ва поэтик интонация (Б.М.Эйхенбаум), оҳанг-ритм ва вазн (Б.В.Томашевский), футуралистларнинг сўз ижодчилиги (Г.О.Винокур), ритм ва синтаксис (О.М.Брик), сюжет тузилиши (В.Шкловский), эртакларнинг структурал таҳлили (В.Я.Пропп), поэтик фонетика (Е.Д.Поливанов) каби илмий масалаларнинг тадқиқотларини учратиш мумкин. Бу методда ижод қилган адабиётшунослар гарчанд бадий асарга нисбатан “қандай қурилган” нуқтаи назаридан ёндашган бўлса ҳам, улардан айримлари шаклни мазмундан ажратмасликни ҳам таъкидлаган. Масалан, Ю.Н.Тиньянов фикрини: “Шакл + мазмун = қадах + май” тарзидаги форумла билан ифодалайди.

В.М.Жирмунский 1923 йили ёзган “Формал метод муаммосига доир” мақоласида бадий асарнинг шакл элементларини тадқиқ қилган турли йўналишдаги ишлар “формал метод” истилоҳи доирасида жамланишини айтади. Албатта, бу мактаб олимларининг қарашлари ҳам барча адабий ҳодисалар хусусида бир хил бўлмаган. Жирмунский формал метод намояндалари баҳс-мунозара қилаётган масалаларни тўрт гуруҳга ажратиб кўрсатади: “1) санъат усул сифатида (искусство как приём); 2) (тарихий поэтика ва адабиёт тарихи (историческая поэтика и история литературы); 3) тематика ва композиция (тематика и композиция); 4) сўз санъати ва адабиёт (словесное искусства и

литература)». Бу муаммо талқинида олимлар ўзаро келиша олмайдиган нуқталар борлигига ҳам урғу беради³⁴.

Аслида, формал мактаб намояндалари орасида ўзига хос ижодий “рақобат” мавжуд бўлиб, жиддий илмий баҳс-мунозараларга ҳам киришганлар. Ҳатто улар асарларини бир-бирига дастхат ёзиб, тақдим этганларида ҳам ўзаро «муҳолиф» эканларини киноявий тарзда билдириб ўтишган.

Формал метод вакиллари томонидан 20-йилларда структурал поэтика, информация назарияси, белгилар назарияси каби масалалар муҳим ҳисобланган бўлса, 20-йилларнинг иккинчи ярмидан эътиборан бадий адабиётга адабиёт оламидаги тизим сифатида қараш, бора-бора шакл ва мазмун бирлигини ифодалайдиган универсал илмий метод ҳолатига келади.

Ғарбий Европада адабиёти ва санъатда формализм унсирлари, хусусан, немис ва француз шоирлари ижодида кўзга ташланади. Улар учта нуқтага – конструкция тамойилларига, шаклга ҳамда “санъат тарихи исмсиз бўлсин” шиорига алоҳида эътибор беради. Санъат тарихи исмсиз бўлсин” шиорини немис олими Г.Вельфлин ўртага ташлайди (“Kunstgeschichte ohne Namen” - “История искусств без имен”)³⁵. “Kunstgeschichte ohne Namen” тамойили кейинчалик француз структуралисти Р.Барт асарларида “муаллиф ўлими” (“смерть автора”) тарзида намоён бўлди.

Форма мактаб вакиллари математик аниқликларни яхши кўрганлар. Масалан бадий образни ҳам муайян қолипларга солиш уларга хос бир хусусият, аммо бадий образ кўп қиррали, кўпўлчамли, кўп маъноли ҳодиса. Уни аниқ рақамлар ёки формула билан ифодалаш қийин (А.С.Бушмин). Бадий асарни ўрганишда математик аниқликларга яқинлашиб боришда баъзан адабий ҳақиқатларидан, хаёл кенгликларидан узоқлашиш хавфини туғдиради. Бу ҳол физикадаги вақт ва иш қонуни пропорциясини эслатади.

Ўз вақтида ва кейинчалик ҳам формал мактаб ва формал метод танқидга ҳам учради. Айрим адабиётшунослик луғатларида: “Формал мактаб бадий ижодни ўрганишда, асосан реализм ва марксистик принципларига қарши эди” даган танқидлар ёки “Формал мактаб вакиллари кўпроқ бадий тил, турли сўз ўйинлари, эпитетлар, кўчим,

³⁴ В.М.Жирмунский. К вопросу о формальном методе // Теория литературы. Поэтика. Стилистика. -М., 1977. Стр. 99-105.

³⁵ Медведев П. В лаборатории писателя. -М., 1971.

синтактик шаклларни тадқиқ этишга катта аҳамият бердилар... Бадиий асар композициясида эса, улар нутқ парчаларининг жойлашиши, параллел ҳодисалар, синтактик параллелизмлар ҳамда такрорларни назарда тутадилар”³⁶ тарзидаги нисбатан холис фикрлар ҳам айтилади. Булардан формал методнинг аҳамиятини, бадиий асарнинг шаклий жиҳатларини тадқиқ этишда муайян даражада муваффақият қозонганини англаш қийин эмас.

Зотан, рус формал мактаби намояндалари, формал метод тарафдорлари, энг аввало, бадиий адабиётни сиёсат кўғирчоғига айлантиришга, уни жўнлаштиришга, синфийлик, партиявийлик сингари қолипларга солишга қарши турдилар. XX аср рус адабиётшунослигининг ўзига хос мактаб яратган улкан олимлари айнан формал метод муаммолари оламидан ўсиб чиқдилар. Шунингдек, рус адабиётшунослигидаги формал метод XX асрнинг 50-60-йилларда Ғарбий Европа адабиётшунослигида социологик методидан қоникмаслик туфайли майдонга келган “янги танқид”, структурализм оқимларига муайян даражада таъсирини ўтказди.

Адабиётшуносликдаги мазкур йўналиш қайси замонда, қай тарзда танқид этилмасин бари-бир бу мактаб вакиллари бадиий адабиётнинг асл моҳиятига, поэтикага, услубга, тилга, сўзга асосий диққатни қаратиб, бадиий шаклнинг микроанализига киришган эдилар.

Аслида, рус формалист шоирларнинг “сўз ижодкорлиги”, ўз асарларида шаклга жиддий эътибор беришлари бу типдаги ижод намуналарига формал жиҳатдан ёндашув заруратини юзага келтирган эди. Масалан, ўша даврнинг машҳур шоири Велимир Хлебников (1885-1922) “смех” сўзи ўзагидан турли сўз шаклларини ясаб, ўзига хос шеър ёзади:

“О, рассмейтесь, смехачи!
О, засмейтесь, смехачи!
Что смеются смехами, что смеяньствуют смеяльно,
О, засмейтесь усмеяльно!..
О, рассмеших надсмеяльных – смех усмейных
смехачей!...” (Велимир Хлебников).

Табиийки, формали мактаби олимлари ритм, аллелетерация, оҳангдорлиги ва бадиий тилнинг бошқа таъсирчанлигига доир бундай

³⁶Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1983. 345-346-бетлар.

тажрибаларга бефарқ қараган эмаслар. Бадиий тил, унинг товуш таркиби, грамматик қурилиши, ўзаклар алоқаси – буларнинг бари В.Хлебников учун тил “сири”ни очишда ўзига хос “калит”га айланган (И.Виноградов). Формал метод намояндалари ҳар доим бадиий матнга нисбатан “бу манг қай тарзда қурилган” деган савол билан ёндашганлар. Эҳтимол, формал метод тарафдорлари буни ягона ва энг тўғри метод тарзида баҳолаб, субъективизмга йўл қўйган бўлишлари мумкин. Аммо улар бадиий адабиётни шаклий-структурал жиҳатдан талқин этишда муайян хизмат этганлари тарихий факт. Буни ҳеч ким инкор қилмайди.

Шарқ мумтоз адабиётда ҳам бадиий асарнинг шаклий қирраларига эътибор бериш, шаклга асосланиб асарлар ёзиш анъанаси мавжуд, албатта. Хитой иероглифлари шаклига кўра поэтик образни ифода қилади. “Иероглифлар белги эмас, балки нарсанинг онгдаги изидир”(А.Генис). Битта белги – аниқ бир образ. Шунингдек, араб ёзувига асосланган эски ўзбек имлосида ҳарфлардан образлар пайдо қилиш, “ҳарф ўйин”лари асосида гўзал шеърий мисралар ёзиш ҳолатлари кўп учрайди. Шундай мумтоз бадиият имкониятларини назарда тутган Абдулла Орипов “Бу кун” радибли ғазалида афсус билан ёзади:

“Нун лабинг узра сокин қолди ҳилолдек ҳолатим,
Ҳарф ўйин айлай десам, ўзга эрур имло бу кун”³⁷.

Зотан, мумтоз поэтикадаги лафзий санъатлардан айримлари бевосита шакл асосига қурилади. Сўз таркибидаги биргина ҳарф тушиб қолса, маъно мутлақо ўзгариб кетади; битта нуқтада хато қилинса, “кўз” “кўр” бўлиши мумкин.

“Қалам ўлсун али ул котиби бад таҳриринг-
Ки, фасоди рақам сўзимизни шўр айлар.

Гоҳ бир ҳарф сукутила қилур нодирни нор,
Гоҳ бир нуқта қусурила кўзи кўр айлар” (Фузулий).

Мумтоз адабиётдаги “алиф”ни тик қоматга, “дол”ни эгилган қоматга, “мим”ни оғизга “син”ни тишга ўхшатилишида шаклий унсур устуворлик қилади.

“Алишер Навоий “Фарҳод ва Ширин” достонининг қуйидаги байтида чиройли мусахҳаф (ҳарфий хато қилиш санъати–Б.К.) қўллаган:

³⁷ Орипов А. Йиллар армони. –Т.: Фафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1984. 199-бет.

“Гар **имон** элга раҳматдин нишондур,
Ва лекин чун алифсиздур **ёмондур**”.

Дарҳақиқат, араб ёзувидаги “имон” сўзидан “алиф” олиб қўйилса, сўз “ёмон” тарзида ўқилади”³⁸.

Албатта шарқ адабиётидаги бундай шаклий унсурларга, мувашшах, тарих, муаммо жанрларига формал методнинг илмий-назарий тамойиллари билан ёндашилса, яхши натижалар бериши, шу типдаги асарларнинг мазмун-моҳияти англаниши осон кечиши мумкин.

XX асрнинг 20-йилларидаги Абдурауф Фитрат, Вадуд Маҳмуд мақолаларида формал мактаб намояндалари назарий қарашларидан таъсирланиш омиллари сезилади. Ўзбек адабиётшунослари XX асрда мазмун ва шаклга бирдай эътибор бериб, бадий асарнинг ғоявий-бадий хусусиятларини тушунтирдилар. Бунда адабиётшуносликда мавжуд методлар имкон доирасида қўлланди. 30-йилларда ўзбек адабиётида кўзга ташланган юзаки шаклбозлик ҳодисасига, футуристик тажрибаларга танқидий муносабат ҳам билдирилди (Абдулла Қодирий, Ойбек, Р.Мажидий).

XXI аср “ўзбек модернист” шоирларнинг изланишлари рус формалистларининг тажрибларини эсга солади. Хат боши ёки тиниш белгиларига эътибор бермаслик, қофия ва вазнда эркин бўлиш, турли геометрик белгиларни сўзлар билан ёнма-ён қўйиш – буларнинг барчаси кенг маънода шаклдаги ўзгаришлардир. Бу каби тажрибаларга семиотик усулда, формал ёки структурал анализ методлари асосида ёндашув ўз самараларини беради. Шоирлар ўзбек миллий поэтик тафаккури табиатидан келиб чиқиб оригиналликка интилаётган экан, адабиётшунос олимлар ҳам дунё олимларининг адабий-назарий қарашлардан бохабар бўлган ҳолда ўша янги ҳодисаларни муносиб ўзбекона илмий истилоҳлар билан аташлари, улар талқинига мос методлар кашф этишлари лозим бўлади. Акс ҳолда эргашувчанлик, таклид, кўчирмасуярлик, иқтибоспарастлик ўзбек адабиётшуносларининг жаҳонга чиқиш орзуларига халақит бериши мумкин.

Савол ва топшириқлар:

1. Адабиётшунослик методлари ўзаро қандай фаркланади?

2. Формал методни инкор этиш мумкинми?
3. Бу метод тарихи ва асосий тамойалларини изоҳланг.
4. Формал мактаб намояндаларини биласизми?
5. Рус формалист ижодкорлари кимлар?
6. Формал методнинг қандай хусусиятлари бор?
7. Дунё адабиётшунослигига бу метод қандай таъсир кўрсатди?
8. Формал ва структурал метод алоқадорлиги хусусида сўзланг.

Адабиётлар:

1. Атоулло Ҳусайний. Бадоеул саное. -Т.: Фан, 1981.
2. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. -М., 1989.
3. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. -М., 1979.
4. Виноградов И. О формализме в литературоведении // Борьба за стиль. -М.,1937.
5. Жирмунский В.М. К вопросу о формальном методе // Теория литературы. Поэтика. Стилистика. - М. 1977.
6. Зарубежная эстетика и теория литературы XIX-XX вв.-М., 1987.
7. Карим Б. Рухият алифбоси. –Тошкент. Гафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016.
8. Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста.- М., 1972.
9. Павел Медведев. В лаборатории писателя. –М., 1971.
10. Теории, школы, концепции. -М., 1975.
11. Эйхенбаум Б. О прозе. О поэзии. –Л.,1986.
12. Ўзбек адабий танқиди. XX аср адабиётшунослиги. Антология. – Т.: Turon-Iqbol, 2011.
13. Ҳожиаҳмедов А. Шеърини санъатлари ва мумтоз қофия. -Т.: Шарқ, 1998.

³⁸ Раҳмонов В. Шеърини санъатлар. –Т.: Ёзувчи, 2001. 65-бет.

СТРУКТУРАЛ МЕТОД

Режа:

1. Структурал методнинг пайдо бўлиш омиллари.
2. Метод асосчилари ва вакиллари.
3. Р.Барт – структуралист.
4. Ўзбек адабиётшунослигида структурал метод намуналари.

Таянч сўз ва иборалар: структурал поэтика, “муаллиф ўлими”, бинар, асар ва матн, параллелизм, симметрия, микроанализ.

Бу метод жаҳон адабиётшунослигида ўз самараларини берди; мактаблари, марказлари пайдо бўлди. Структурал методнинг мақсади тарихий ва замонавий маданият негизидаги фикрлаш структурасини тушунтириш ва тавсифлаш ҳамда кўрсатишдир.

Структурал метод аввал тилшунослик фанида майдонга келиб, кейин адабиётшуносликда қўлланди. Мутахассисларга, айниқса, швед структурал лингвисти Ф.де Соссюр ва рус-поляк тилшуноси И.А.Бодуэн де Куртенэ номи яхши таниш. Шунингдек, бу соҳа тараққиётида Париж, Копенгаген, Америка, Англия лингвистик мактаблари, америкалик семиотиклар Ч.Пирса, Ч.Моррис, мантиқшунос Б.Рассел, Р.Карнап, Х.Рейхенбах (XX аср боши) каби олимларнинг хизматлари алоҳида таъкидланади.

Структурализмнинг илмий тамойилларини француз этнографи Код Леви-Стросс ишлаб чиқди. Ҳеч бир мамлакатда структурализм ҳақида Франциядаги қадар кўп ёзилган эмас. Структуралистлар луғатида “структурализм - бу Леви-Стросс” деган ибора майдонга келди. Клод Леви-Стросс рассом оиласида 1908 йилда туғилади. Мусикадан дарс олади. 1935-1938 йилларда Сан-Паулу университетида профессор, 1946-1947 йилларда АҚШ даги Француз элчихонасида маданият масалалари бўйича маслаҳатчи, 1949-1950 йилларда Париждаги Антропология музейида директор ўринбосари ва бошқа ўқув юртларида профессор вазифасида ишлайди.

Леви-Стросс ўзининг структурал тадқиқотлари учун Жанубий ва Марказий Америкада яшовчи қабилаларнинг мифларини асос қилиб олади. Унинг фикрича, “тушунтирувчи” ва “тушунувчи” фанлар деган

тушунчалар йўқ, гуманитар фанлар табиий фанлардаги метод билан кўшилганда, яъни ассимиляция бўлгандагина ўзларининг чинакам фанга хос мақомига кўтарилади. Зотан, структурал метод қайсидир маънода табиий фан методлари билан ҳам боғлиқдир. (К.Леви-Строснинг рус тилига “Структуральная антропология” (1958), “Мышление дикарей” (1962), “Мифологические” (1964-1971), “Пути масок” (1975) каби асарлари таржима қилинган).

Структурал анализда бадиий матндаги поэтик унсурларнинг муносабатлари, параллел ва симметрик ҳолатлари муҳим аҳамиятга эга. Матннинг муайян шаклини геометрик чизгилар билан ифодалаш тажрибаси ҳам бор (Л.С.Выготский. “Психология искусства”. М.1968). Шунингдек, структурал анализ методида бадиий матндаги иккита бинар-қўшалок муносабат махсус тадқиқ қилинади. Мисол учун буларга ҳаёт ва ўлим, ўзлик ва бегона, эр ва аёл, хом-хатала ва пишган, табиат ва маданият каби бинар-оппозицион тушунчаларни келтириш мумкин.

Адабиётшунослар кўпинча асарларида мифлардан унумли фойдаланган Д.Ж.Жойс, Т.Манн, Ф.Кафка, Г.Гарсия Маркес каби ёзувчилар ижодига нисбатан структурал методни қўллайдилар.

Структурал метод негизида структурал поэтика майдонга келади. Структурал поэтика матндаги барча элементларни бир бутунликда кўради, уларнинг ўзаро алоқасини ўрганади. Структурал поэтиканинг асосий усули - методологияси бадиий асарни имманент анализ қилишдир. Структурал метод асосида бадиий асар ўрганилар экан, унинг ёзилган муҳити-даври, ёзувчининг биографияси каби масалаларга диққат қаратилмайди. Тадқиқотчи муайян матн доираси билан чекланади ва тоза “ички анализ” билан шуғулланади.

Гарчанд мазкур методнинг тарихий илдизлари қайсидир маънода 20-йиллардаги рус формалистлари ижодига бориб тақалса ҳам, унинг адабиётшуносликка тегишли назарий асослари XX асрнинг 40-50-йилларида Францияда юзага келди.

Француз олими Ролан Барт (1915-1980) структурал анализни ихтиёрий ёпик усул деб атади. Р.Барт ижодининг 50-йиллари структуралчилик фаолиятига қадар бўлган давр хисобланса, 60-йиллар структуралист, 70-йилларда постструктуралист сифатида илмий фаолият билан шуғуллунади.

Француз адабиётшунослигида 60-йилларда авж олган бу тадқиқот усули бадиий матннинг ичига киришга интилди.

Структуралистлар маълум даражада бадий адабиётни социологик ва биографик тадқиқ этиш усулини инкор қилдилар. Уларга “эски” адабиётшуносликдаги “харфхўрлик” маъқул келмайди; улар санъат асарига ҳаётдан олинган оддий нусха тарзида қаралишини ҳазм қила билмайдилар. Автор ва асар муносабатларидаги ўзаро алоқага, уларни таққослаш йўлларида тадқиқотчиликнинг жуда жўн ва саёз усули деб қарайдилар. Улар, масалан, қайси бир шоир севги тўғрисида ёзса, демак, шоир шу онда кимнидир севган ва шеър ана шу туйғу изоҳи тариқасида туғилган, деган қарашларни юзаки санайдилар.

Шу маънода Р.Барт тоифасидаги адабиётшунослар, “янги танқид” тарафдорлари бадий асарда биргина фикр-ғоя ҳукмронлик қилмайди, балки унда бир неча фикр-ғоялар бўлиш мумкин, деб ҳисоблайди. Ҳар давр ундан ўзига хос маъно-мазмун топади. Асар ўз моҳияти билан турланади, тусланади. “Бадий асарнинг рамзийлиги ҳам шунда: рамз - бу образ эмас, бу фикр-ғоялар кўплигининг нақ ўзидир” (Р. Барт). Олим матн билан бадий асарни ҳам фарқлайди (“От произведения к тексту” мақоласи). Матн мутолаага киришилган, тушунилаётган, англанаётган, китобхоннинг ўзи ўзига яратаётган маънавий кадрятдир. Матн тушуниш ва тушунтириш жараёни кечадиган методологик майдон. Бадий асарни китоб жавонидан қўлга олиш мумкин; матн эса поэтик тилга дахлдор маънавий борлик...

Р.Барт структурализмга фаолият сифатида қарайди. “Структурализм фаолият сифатида” (“Структурализм как деятельность”) номли мақоласида, структуралистнинг мақсади муайян объект функциясининг қоидаларини қамраб олиш орқали объектни қайта тиклашдан иборат. Структура - бу моҳиятдир, предметнинг инъикосидир. Йўналтирилган, манфаатли инъикосидир... Структурал фаолиятдаги одам воқеликни олиб, қисмлаб чиқади, сўнгра қисмларини қайта бирлаштиради, мазмунидаги фикрларни ёзади. Структурализм моделлаштирувчи фаолият, шу маънода илмий структурализм билан, адабий, санъатга доир структурализм орасида фарқ йўқ³⁹.

Структурал фаолият икки махсус операцияни ўзида жамлайди: қисмлаш ва қайта бирлаштириш. Р.Барт ижод моҳияти устида фикрлар экан, “ёзувчи” (писатель) ва “ёзғувчи”ни (пишущий) ҳам структурага боғлаб фарқлайди. “Ёзувчи функция бажаради, ёзғувчи фаолият билан машғул бўлади”. Булардан бирини грамматикадаги “эга” (ёзувчи) ва

“кесим” (ёзғувчи)га ўхшатади. “Ёзувчи - тоза моҳият... Ёзувчи шундай кишики, гарчи илҳоми бўлса-да, ўз сўзига ишлов беради, уни пардозлайди. Унинг функцияси шу ишга сингиб кетади. Ёзувчилик фаолиятида икки хил қоида бор: санъат қоидаси (композиция, жанр, хат) ва ҳунар (сабр-тоқат ва меҳнат, тузатиш ва мукаммаллаштириш)”⁴⁰. Ёзувчини ҳар доим нима учун дунё шундай; у ҳақда қандай ёзмоқ керак, деган саволлар безовта этади. Ёзувчи ўша жумбоқлар устида бош қотириб ҳар хил алдамчи йўлларга кириб чиқади. Саволга охириги жавоб топилмайди.

Р.Барт ёзғувчиларни “транзитив” (ташувчи) тип одамлар, деб атайди. Улар ўз олдига гувоҳлик, тушунтириш ва ўргатиш каби мақсадларни кўяди... Ёзғувчидаги энг асосий хусусият - соддалик, гўллик. Ёзғувчи ўз сўзлари билан дунёдаги тушунарсиз нарсаларни ойдинлаштирдим, деб ўйлайди. Воқеликка бир хил маъно беради ёки ҳеч бир баҳссиз масалалардан хабар беради. Ёзғувчининг функцияси - ҳар доим ва ҳар жойда ўйлаган нарсасини тўхтовсиз айтиш бўлади.

Зотан, ёзувчида буларнинг мутлоқо акси, сўзи-транзитив эмас, сўзи дунё ҳақида қатъий ва охириги эмас, кўп маъноли⁴¹.

Р.Барт “Муаллифнинг ўлими” (“Смерть автора”) номли мақоласида бадиий асар ва унинг ижодкорига янгича ёндашади. Қадим-қадимларда ёзилган оғзаки ижод намуналарида муаллиф қиёфаси кўринмас эди; уни қандайдир шаман ёки ижрочи-бахши бажарар эди. Муаллифнинг биринчи ўринга кўтарилиши янги замон маҳсули; у ўрта аср охирида урф бўла бошлаган.

Муаллиф адабиёт тарихи дарсликларида ҳам, адабий мулақот ва ёзувчи кундаликларида ҳам ҳукмронлик қилади. Танқидчилар Бодлерни ҳам, Ван Гог ва Чайковский ижодини ҳам шахсий ҳаётидаги ғалати касаллик - воқеликларга боғлаб тушунтирадилар. Гарчи муаллиф ҳокимияти чексиз қувватли бўлса-да, айрим ижодкорлар уни маҳв этишга уриндилар. Француз адабиётида дастлаб бу услубни Малларме, сўнгра М.Пруст ўз ижодида қўллади.

Муаллиф ёзган адабий матнини ўзлаштириб олиш гўё матнни топташ, унга охириги маънони бериш ва ёзувни чеклаб қўйиш саналади. Танқидчи асар муаллифи ва унинг фикрини қамраб олишга, муаллифнинг ягона ғоясини топишга уринади. Агар асардан муаллиф

³⁹ Р. Барт. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. -М., 1989. Стр.256.

⁴⁰ Р. Барт. Избранные работы . Семиотика. Поэтика. -М., 1989. Стр.138.

⁴¹ Ўша жойда.

топилса, демак матн “тушунтирилган”, танқидчи ғолиб келган бўлади. Таажжубланарли эмаски, узоқ йиллардан бери муаллиф ҳокимлиги - бу танқидчи ҳокимлиги ҳам эди. Энди эса муаллиф маҳв этилган жойда танқидчи ҳам маҳв бўлди, ўлди⁴².

Яъни, муаллиф позицияси аниқ кўриниб турмаган асарларни адабиётшунослик талқин этишга ожиз қолади. Бу ожизлик оқибати хайрлидир, эҳтимол. Бадиий асар бир маънолик эмас, кўп маънолилик касб этар экан, Р.Барт фикрича, асардаги барча тасвир, диолог, баҳс ва матннинг бошқа элементлари муаллифда эмас, балки ўқувчи-китобхонда мужассамлашади.

Китобхон - асарнинг ҳар бир парчаси муҳрланиб қоладиган борлик, зотан китобхон биографияси тарихсиз, психологиясиз - ҳеч нима. Аввалги адабиётшунослик китобхондан анча узоқ эди; улар учун адабиётда фақатгина ёзувчи бор эди. “Биз энди биламизки, асарнинг истиқболини таъминлаш учун у ҳақдаги мифдан қутулмоқ лозим. Яъни бу китобхоннинг туғулишини муаллифнинг ўлими билан тўлашга тўғри келади, демакдир”⁴³. Р.Барتنинг “муаллифнинг ўлими” тушунчаси ундан аввалроқ Ғарбий Европа илм-фанида мавжуд бўлган “исмларсиз санъат тарихи” (“Kunstgeschichte ohne Namen” - “история искусств без имен”. Немис олими Г.Вельфлин гапи) деган қарашига яқин туради.

Олим бевосита структурал анализ масаласига доир “Введение в структурный анализ поведенческих текстов” номли тақиқотида таркибига кўра “ҳар қандай ҳикоя – бу катта гапдар”, деган концепцияни илгари суради⁴⁴. Бу констуркцияни ўз тадқиқотларида тажриба қилаётган ўзбек олимлари ҳам бор.

Рус адабиётшунослигида Ю.Лотманнинг бадиий матнни структурал анализи қилган юазсидан олиб борган илмий тадқиқотлари қадрланади. Россияда олим ишлайдиган Тарту университети рус адабиёти кафедраси айни метод бўйича энг асосий, адабиётшуносликда тан олинган илм марказларидан бири саналади⁴⁵. Шунингдек, В.Н.Топоров, А.Н.Колмогоров, Д.С.Лихачев, М.М.Бахтин ва бошқа олимларнинг айрим асарларида бадиий асарни структурал-семиотик анализ қилган ўринларини учратиш мумкин.

⁴² Р. Барт. Ўша асар. 389-бет.

⁴³ Р. Барт. Ўша асар. 391-бет.

⁴⁴Барт Р. Введение в структуральный анализ повествовательных текстов // Зарубежная эстетика и теория литературы XIX – XX вв. -М.,1987.

⁴⁵Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. – Л., 1972.

Яқин тарихда структурал таҳлил усулига турлича муносабатлар билдирилди. Баъзи луғатларда: “Айрим адабиётшунослар структурализм методларини адабиётга ҳам татбиқ этмоқчи бўладилар. Лекин структурализм адабиёт учун хавфли бўлиб, у сўз санъатинини ўрганишни чегаралаб қўяди, уни формал қоидаларга тобе қилиш хавфини туғдиради”⁴⁶ каби мулоҳазалар ёзилди. Дунё адабиётшунослигидаги янги илмий методларга қизиқиш кучайган ҳозирги давр ўзбек адабиётшунослигида ҳам структурал методда ёзилган айрим тадқиқотлар, мақолалар пайдо бўлди. Адабиётшунос Д.Қуронови “Чўлпон насри поэтикаси” китобида, хусусан, ҳикоялар талқини ҳамда “Кеча ва кундуз” романи композицияси таҳлилида структурал анализ методи имкониятларидан ўринли фойдалангани кўрсатилади. Шунингдек, А.Расуловнинг “Структура ва структурализм”, С.Мелиев “Структурализм ва структур таҳлил ҳақида”, Ҳ.Болтабоев “Теранлик” (“Анор” ҳикоясининг структурал таҳлили) мақолаларида ҳам шу метод моҳиятини тушунтириш, айрим асарларни структурал анализ қилишга уринишлар сезилади.

Социологик методда ижтимоийлик, биографик методда автор шахсияти устунлик қилса, структурал методда асосий эътибор асарнинг нисбатан мустақиллиги ва ички анализга қаратилади. Шу боис адабиётшунослигида “имманент анализ”, “микрoанализ”, “матн талқини”, “семиотик таҳлил” сингари тушунчалар бевосита бадиий асарнинг ички имкониятларини намоён қилиш жараёнида қўлланади. Дунё адабиётшунослигининг таркибий қисмига айланган структурал методдан янги давр ўзбек адабиётшунослари муносиб асарлар таҳлили учун ўринли фойдаланса, ўз қарашлари билан уни бойитса, албатта, бугунги миллий адабий-назарий тафаккур миқёси, методик ва методологик имкониятлари кенгайди.

Савол ва топшириқлар:

1. Структурализм қандай ҳодиса?
2. Структурал метод тарихи, асосчилари ва асосий тамойилларини тушунтиринг.

⁴⁶Ҳотамов Н., Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. -Т.: Ўқитувчи, 1983 й. 314-бет.

3. Формал метод билан структурал метод алоқаси хусусида нималар биласиз?
4. Структурал метод имкониятлари қандай?
5. Дунё адабиётшунослигида қайси олимлар бу методда асарлар ёзди?
6. Структурал поэтиканинг моҳияти нимадан иборат?
7. Ўзбек адабиётшунослигига структурал метод татбиқига мисоллар келтиринг.

Адабиётлар:

1. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. -М., 1989.
2. Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. -М., 1986.
3. Болтабоев Ҳ. Теранлик. Адабиётимиз фаҳри.-Т.: Ўзбекистон, 2007.
4. Выготский Л.С. Психология искусства. -М., 1968.
5. Дўстхўжаева Н. Сەҳрли эртақларнинг структурал таҳлили // ТошДУ хабарлари. 1999. №1.
6. Жўраев Т. Онг оқими. Модерн. Фарғона. “Фарғона” нашриёти. 2009.
7. Зарубежная эстетика и теория литературы XIX – XX вв. -М., 1987.
8. Карим Б. Руҳият алифбоси. –Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016.
9. Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. –Л., 1972.
10. Мелиев С. Структурализм ва структур таҳлил ҳақида //“Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. 2008. №2.
11. Мустақиллик даври адабиёти. –Т., 2006.
12. Расулов А. Бадиийлик – безавол янгилик. –Т.: Шарқ, 2007.
13. Сартр Ж.П. Экзистенциализми тўғрисида // Жаҳон адабиёти. 1997. №5.
14. Қуронов Д. Чўлпон насри поэтикаси. –Т.: Шарқ, 2004.
15. Эйхенбаум Б. О прозе. О поэзии. –Л., 1986.

ПСИХОЛОГИК МЕТОД

Режа:

1. Психологик методнинг асосий тамойиллари.
2. Психологик метод ва рецепция.
3. Психоанализ – мураккаблашган психологик метод.
4. Ўзбек адабиётшунослигида руҳий таҳлил масаласи.

Таянч сўз ва иборалар: руҳий таҳлил, психологизм, рецепция, ҳис-туйғу таснифи, адабий-эстетик категория, психоанализ, фрейдизм, мотив, архетип, онгсизлик, ботний шуур, экзистенциализм.

Адабиётшуносликдаги психологик метод (психогенетик мактаб) XIX аср 70-80 йилларида Ғарбий Европа ва Россия илмий муҳитида юзага келди. Бу илмий йўналиш генетик жиҳатдан маданий-тарихий мактаб билан боғлиқ. Психологизм тарафдорлари анъанавий методларнинг имкониятларини қайта кўриб чиқишди. Маданий-тарихий мактаб вакилларидан фарқли равишда янги йўналиш вакиллари ижодкорга, ёзувчининг эмоцияларига, ижоднинг психологик жиҳатларига, энг муҳими - авторнинг руҳий-маънавий дунёси ҳамда ижод жараёнига ва бу жараёндаги психологик ҳолатларга эътибор лозим, деб ҳисобладилар. Шунингдек, бадиий асар ўқувчиси - рецепиентнинг руҳий олами ҳам бу йўналиш тадқиқотчилари учун муҳим саналади. Чунки бадиий асарни ўзлаштириш ҳам бевосита инсоннинг тасаввури, билим даражаси, дунёқараши каби омилларга тегишлидир. Санъатда инсоннинг маънавий-маърифий қарашлари, руҳий олами, индивидуал “мен”и, ҳис-туйғулари инъикос этади.

Психологик йўналиш адабиётшунослари фикрича, бадиий асардаги барча хос хусусиятлар муаллифга алоқадор. Бунда адабиёт ва санъатнинг тарихий тараққиёти деган масала иккинчи планга тушади. Биринчи планда асар мазмунининг субъектив томони туради.

XIX аср охири XX аср бошларида бу йўналишнинг Ғарбий Европада Э.Эннекен, В.Вундт, И.Фолькельт каби намояндалари фаолият кўрсатди. Психологик методнинг энг ёрқин намояндаларидан

бири француз олими Эмиль Эннекен (1858-1888) саналади. У психологик таҳлилда ижодкор шахсиятини айнан бадиий асарнинг ўзидан излаш лозимлигига, бадиий асарнинг барча қирраларини, эстетик ўзига хосликларини аниқлаш, билиш ва тушуниш ижодкорнинг қалбини англашга олиб келишига алоҳида урғу беради. («История русского литературоведения». 1980. М. «Высшая школа»). Э.Эннекен С.Бёвнинг биографизмига қўшилмаган. Ёзувчининг кўнгил оламини биографиясини ўрганмасдан ҳам аниқлаш мумкин, деган бир қарашни илгари суради. И.Теннинг «ирқ, муҳит ва давр-вақт» тамойилини ҳам танқид қилади.

Бу олим бадиий асар таҳлилида 1. эстетик, 2. психологик, 3. социологик жиҳатлар синтезлашувига диққат қаратади. Эннекен эътирофича, эстопсихология ғоя ва ҳис-туйғулар механизмини англашга ёрдам беради.

Э.Эннекендан кейин Европада В.Вундт, Э.Эльстер, Э.Бертрам, Э.Гроссе каби олимлар шу йўналишда ижод қилди. Улар ижоди психоанализ, “эдип комплекси”, “архетиплар”, “онгсизлик ва ботиний шуур” ҳодисалари билан боғлиқ.

Бадиий асарга бундай “эстопсихологик” ёндашувнинг рус олимлари орасида ҳам тарафдорлари бор эди. А.А.Потебня, Д.Н.Овсянко-Куликовский, А.Г.Горифельд, Т.Райнов, Б.Лезин каби филолог олимлар бадиий асарларни шу метод асосида тадқиқ қилди. Улар поэтик тил ва тафаккур, бадиий образ назарияси, бадиий ва илмий ижод психологияси ҳамда бадиий асарни ўзлаштириш масалаларига жиддий эътибор бердилар⁴⁷.

Харьков университетида ишлаган адабиётшунос Александр Афанасьевич Потебня (1835-1891) фикрича, энг муҳим нарса бу –тип. Типлар, табиийки, ўзига хос жамланган, топилган, индивидула психологик хусусиятларга эга образдир. Олим эътирофича, тип – бу мураккаб синекдоха. Санъатга илмий билиш билан ёнма-ён турадиган ҳаётни англаш воситаси сифатида қарайди. Шунингдек, санъат асари ҳар доим савол тарзида пайдо бўлади. Шу каби фикрлар эгаси А.Потебня адабий-илмий талқин ҳамда бадиий асарни қабул қилиш масаласини психологик ёндашувнинг энг асосий тамойилларидан бири деб ҳисоблайди.

⁴⁷ Н.В.Осьмаков Психологическое направление в русском литературоведении. -М.,1981. Стр. 13.

Рус адабиётшунослигида А.А.Потебня шогирди Дмитрий Николаевич Овсянико-Куликовский (1853-1920) психологик йўналишдаги адабиётшуносликка ўзининг муносиб ҳиссасини қўшган олимлардан бири сифатида эътироф этилади. У дастлаб тилшуносликка, сўнгра адабиётшуносликдаги психологизм масалаларига қизиқади. Д.Н.Овсянико-Куликовский Харьков ва Петербург университетларида ишлади. Олим ўзининг “Тушуниш психологиясига доир” асарида англашга оид муҳим қарашларни илгари суради. Аслида бошқа бировнинг қарашларини, бадий асарни тушуниш ва англаш жиддий масала. И.В.Гёте: “Бирорта одам бошқа бировни тугал тушуна олмайди; ҳеч ким ўйлаб айтаётган сўзларини эшитувчи ўша одамдек айнан ўйламайди; суҳбат, ўқиш ҳар кимда ҳар хил фикр уйғотади”, деган фикрни айтса, В.Гумбольдт, ҳар қандай тушуниш-англаш айна пайтда англамаслик ҳамдир, дейди. Тушунишга доир психологик ҳолатларини ўшалар изидан бориб ўрганган Д.Н.Овсянико-Куликовский бирор бир одам бошқа бир одамни тўлиқ равишда тушуниши мумкин эмас; агар шу ҳол юз берса, бунда тушунаётган одам ўз индивидул хусусиятларини йўқотиб бошқа кимсага айланган бўлади, деган фикрларни илгари суради. Бу қарашларни бадий асар талқинига татбиқ қилади. Зероки, бадий тафаккурга эга ўқувчининг айрим қарашлари муаллиф фикрларига мос келса, шу мослик англаб олинади, тўлиқ тушунилмаган бошқа нуқталар барибир очиқ қолади.

Д.Н.Овсянико-Куликовский ҳис-туйғу ва фикр муносабаларига ҳам эътибор беради. Ҳис-туйғуни: “1.Органик туйғу (яъни биологик). 2.Органикдан юксак туйғу. 3.Социал туйғу. 4.Социалликдан юксак туйғу”, тарзида таснифлайди ва уларни бадий ижод мисолида тушунтириб беради.

Ҳар ҳолда Д.Н.Овсянико-Куликовскийнинг психологик методнинг муайян жиҳатини ёритадиган бундай қарашлари адабиётшунослик тарихида ўз самарасини берди.

XX аср бошларига келиб психологик йўналиш ғарб адабиётшунослигида психолоанализ таълимотига асосланган ҳолда давом этди. Оқибатда адабиётшуносликдаги психологик метод нисбатан мураккаблашиб, психоаналитик тадқиқот йўналишлари майдонга келди.

Адабиётшуносликдаги психоанализ шундай тадқиқот усулики, унда бадий асар, онгсизлик (бессознательный) психологияси билан

бирликда талқин этилади. Психоанализда бадиий ижод инсон психикасидаги қандайдир онгсиз, онгости жараёнларидан олинган импульс, инерциянинг рамзий маҳсули сифатида қаралади.

Психоанализ адабиёт тарихида бир қатор сюжет схемаларини ажратиб кўрсатадики, бунда муаллиф муайян даражада қаҳрамон дунёсига кўчган бўлади; ва у муаллиф ўзининг онгости истакларини ёки ижтимоий муҳит ва ахлоқий мезонлар билан трагик тўқнашувларини тасвирлайди. Психоаналитиклар Софоклнинг “Шоҳ Эдип”, В.Шекспирнинг “Ҳамлет”, М.Ф.Достоевскийнинг “Ака-ука Карамазовлар” асарларида “эдипча комплекс”га алоқадорликда падаркуш-отасини ўлдирувчилар мотивини кўрадилар.

Зингмунд Фрейд ўзининг “Шоир ва фантазия”, “Достоевский ва падаркуш” каби асарлари билан адабиёт ва санъатга психоанализни тадбиқ этишнинг намуналарини берди. Мазкур мақолаларида З.Фрейд айтиши пайтда психоанализ билан адабиётшуносликни аралаштириб-қориштириб юбормаслик кераклигини таъкидлади. Фрейд психоанализи ижодий жараёнга, “мен”га, биографик маълумотларга эътибор берса, К.Г.Юнг назаридаги психоанализ индивидуал ҳолатларни эмас, балки ботиний шуурнинг миллий ва умуминсоний қирраларини тадқиқ этади. Уларни ўзгармас образли формула-архетип (“модел”) деб атади. “Архетип” - Юнг назарида мотивлар ва уларнинг комбинациялар, умумий-қатъий психологик схемалар (фигуралар), урф-одат, мифлар, символика, ишонч, психик фаолият (туш кўриш), шунингдек ижодий жараёнда онгсиз равишда содир бўладиган ҳолатлардир.

Бунда ижодкор шахси эмас, ижод маҳсули ва онгсизлик рамзи муҳимдир. Макон ва замоннинг тарихий бўлмаган умумий феноменлари (“очиқ” ва “ёпиқ”, “ички” ва “ташқи”), физик ва биологик субстанциялар (“эр” ва “аёл”, “ўспирин” ва “қарилик”)га диққат қаратилади. Психоанализдаги бундай жиҳатлар француз олими Г.Башлар асарларида учрайди.

Л.С.Виготский, В.Н. Волошинов, М.М. Бахтин каби рус адабиётшунослари асарларида ҳам психологик, психоаналитик тадқиқ усулига мурожаатлар кузатилади. Дадаизм, сюрреализм, экспрессионизм, мифологизм сингари адабий оқимларга тегишли асарлар психоанализ воситасида тушунтиришга ҳаракат қилинган.

XX асрнинг 20-30-йилларида рус адабиётшунослигида Фрейд таълимоти, психоанализ хусусида баҳслар бўлди. Уни тасдиқдовчи-

ошuftалар кўп эди. Ҳар қандай масалани психоанализ асосида тушунтириб беришга интиланлар, психоанализни ҳар қандай ҳақиқатни билишнинг ягона усули сифатида талқин қилганлар бўлди. Хорижда яшаб ижод қилган рус ёзувчиси Владимир Набоков 1931 йилда “Ҳар ким нимани билмоғи керак?” деган мақоласида ёзади: “Жаноблар, агар сизлар бир нарсани яхши ўзлаштириб олмасанглар, яъни ҳаётни жинслар бошқаришини билмасанглар, ҳеч қачон турмушнинг олақуроқ тўқимасида ҳеч нарсани фарқлай олмай ўтасизлар. Суйгилимизга ёхуд биздан қарздор одамга мактубни ёзадиган қаламимиз эркаклик ибтидосидир, бу мактубни ташлайдиганимиз почта кутиси эса – аёллик ибтидосидир”⁴⁸. Ёзувчи ҳамма нарсани “жинсий ибтидо”га боғлашга уринади. Ҳатто филологларнинг тасдиқлашига ишонган ҳолда айтадики, “барометр тушиб кетди”, “соат ётиб қолди”, “барг узилди”, “от йиқилди” каби қатор иборалар ҳам “йўлдан тойган аёл”га ишора саналар эмиш. Бундай қарашларга ўша 30-йилларда ҳам, XX аср охирига келиб ҳам танқидий муносабатлар билдирилган. Масалан биолог олим Михаил Богословский ўзининг 2000 йилда “Литературная газета”да эълон этган “У бизни беҳуда тентиратди” деган мақоласида фрейдизм асосларини, ҳар қандай масалани жинсий майлларга ёки тушга боғлаган ҳолда талқин этишни танқид қилади. Олим ёзади: “Бугун қатъий равишда айтиш мумкин – Фрейднинг “катталар кўрадиган тушларнинг кўпчилигида сексуал омилларнинг муҳри мавжуд ва шахвоний иштиёқларни ифодалайди”, деган фикри ҳақиқатга тўғри келмайди. Профессор В.Н.Касаткин 16300та тушни таҳлил қилиб, шуни аниқлаганки, бу тушларнинг 13,5 фоизидагина сексуал мавзу мавжуд экан”⁴⁹. Бошқа бир ўринда Фрейднинг айрим қарашлари далилланмаган деган бир фикрни билдиради. “Фрейднинг тушларни талқин қилиши – XX асрнинг энг зўр фирибгарлигидир. Бу сохтакорликдан ўзга нарса эмас: у ўрганаётган тушларини ўз ақидалари қолипига жойлашга ҳаракат қилган”. Психоанализни бадий адабиётга, адабий асар талқини учун татбиқ этишда ҳам шундай зиддиятли ҳолатлар бор, албатта. Фрейд таълимоти ҳақиқатни англашнинг ягона, мутлоқлашган йўли эмас. Бадий асарда инсон руҳияти акс этади, ҳис-туйғулари ифода қилинади. Бу жиҳатдан таҳлил ва талқинда психологик, психоаналитик усулардан фойдаланиш

⁴⁸ “Ёзувчи” газетаси. 2001 йил, 27 январь

⁴⁹ “Ёзувчи” газетаси. 2001 йил, 27 январь.

мумкин. Бу хусусда фикрлар, баҳс-мунозаралар силсиласи давом этиши ҳам табиий. Аммо инсон руҳиятни тўла-тўқис билиши мумкин эмас, чунки инсониятга бу хусусда “фақат озгина илм берилган, холос”.

Аммо файласуфлар, психологлар руҳ хусусда фикр юритишдан тўхтамайди. Шунингдек, бадий асарларида одамнинг ғам-қайғуси, шодлиги, ичкиши, ўқиниши, ўпкалаши, ички безовталигу хотиржамликни – умуман руҳий ҳолатларни тасвирига иштиёқманд ижодкорларда руҳият таҳлили ва тасвирига мурожаат давом этаверади. Дунё адабиётшунослигида психоаналитик метод асосида бадий асарлар моҳиятини тушунтиришга уриниш мавжуд ҳодиса. Бир қатор мураккаб авторлар-феноменлар ижоди (М.Достоевский, Клейст) шу метод воситасида таҳлил этилди. Психоанализни бадий шакл ҳамда адабиётнинг жамиятдаги ўрни ҳақидаги фанлар билан бирлаштириш ҳаракатлари ҳам бўлган.

Иккинчи жаҳон урушидан кейин психоанализнинг икки йўналиши-экзистенциализм ва структурализм йўналишлари кенг тарқалди.

Экзистенциализм бўйича Ж.П.Сартр, А.Мальро, С. Дубровский каби олимлар илмий тадқиқот ишлари олиб борди. Структурализм бўйича Ж.Лакан, Р.Бартлар муҳим илмий ишлар қилди.

Шўролар замонидаги марксист адабиётшунослар томонидан танқид этилган психоаналитик анализга 70-80-йилларга келиб яна қизиқиш ортди.

Адабиётшуносликдаги психологизм бир томондан бадий асарлардаги қаҳрамонлар руҳиятини тадқиқ қилса, иккинчи томондан бадий асар ижодкорининг руҳий оламига, бадий асарни ўқиётган китобхоннинг маънавий-руҳий дунёсига эътибор беради. Шу боис психологик таҳлилларда биографик метод тажрибаларига ҳам таянади.

Психологик талқинда қаҳрамон руҳиятини асослашда, воқеликка ишонтиришда деталлар муҳим саналади.

Ойбек “Ўткан кунлар” ҳақидаги мақоласида “Хўжа Маъоз” қабристони билан боғлиқ эпизодга, унда психологик ҳолатлар тасвирига “символик-лирик бир лавҳа” сифатида баҳо беради. Зотан романда бундай руҳия ҳаяжонлар ифода қилинган ўринлар кўп. Абдулла Қодирий ишонтириш қувватини ошириш сирлари хусусида ёзади: “...Материални ўрганиш маҳалида энг майда нарсаларга (деталларга) ҳам аҳамият бераман. Масалан, мен ҳалиги ўрганмоқчи бўлган ерда қанча дарахт борлиги,

уларнинг қанчаси эски ва қанчаси янгилиги, мен борган маҳалда ўша дарахтларда қандай қушлар қайси хилда қўниб турганлиги ва шунга ўхшаш жуда майда нарсаларгача. Биринчи қараганда бу нарсалар ҳеч аҳамиятга молик бўлмайдигандек кўринса ҳам, кейинроқ фойдаси тегиб қолиши жуда мумкин.

Масалан, “Ўткан кунлар”ни ёзиш чоғида Марғилонга борганимда, бир кўчадан ўта туриб, номозшом маҳалида, доғ қилинаётган зиғирёғининг хиди бурнимга урилди, мен буни эсда тутиб қолишга тиришдим. “Ўткан кунлар”нинг бир жойига шу кичкина детални киргизилганида, берилаётган тасвирнинг яна ҳам одам ишонарли бўлиб чиққани эсимда”⁵⁰.

XX аср ўзбек адабиётушунослигининг турли авлодига мансуб олимлари ўзларининг илмий мақолалари, тадқиқот ва монографияларида психологик метод тамойилларига, психологик тасвир воситаларига, ижодкор психологияси ва, умуман, психоанализга эътибор беришди. Шу билан бирга, айрим адабиётшунослар, мунаққидлар ижодида бошқа тадқиқот усуллари билан биргаликда айни методдан ўрни-ўрни билан фойдаланиш ҳолатлари кузатилади.

Савол ва топшириқлар:

1. Бадий адабиётда психологик тасвир
2. Психологик методнинг асосий тамойиллари
3. Психологик методнинг асосчилари;
4. Психоанализ ва психологик метод
5. Эстопсихология нима?
6. Психологик методнинг асосий тамойиллари нимлардан иборат?
7. Биографик ва психологик методларнинг ўзаро уйғун жиҳатлари мавжудми?
8. Бадий асарнинг психоаналитик талқини нима?
9. Психопоэтика деганда нимани тушунасиз?

Адабиётлар:

1. Алимухаммедов А. Абдулла Қаҳҳор ҳикояларида психологик тасвир // Ўзбек адабий танқиди. XX аср адабиётшунослиги. Антология. –Т.: Turon-Iqbol, 2011.
2. Выготский Л.С. Психология искусства. -М., 1968.

3. Есин А.Б. Психологизм русской классической литературы. -М.: Просвещение, 1988.
4. Карим Б. “Кўз”нинг поэтик моҳияти // “Бадиият уфқлари” тўплами.-Т.: Университет, 2008.
5. Карим Б. Рухият алифбоси. –Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016.
6. Норматов У. Қаҳҳорни англаш машаққати. –Т., 2000.
7. Осьмаков Н.В. Психологическое направление в русском литературоведении. -М., 1981.
8. Умуров Ҳ. Ўзбек романида психологизм принциплари, шакллари ва воситалари // Ўзбек адабий танқиди. XX аср адабиётшунослиги. Антология. –Т.: Turon-Iqbol, 2011.
9. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти.-Т. Шарқ, 2004.
10. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. –Т., 1994.
11. Самосознание европейской культуры XX века. -М.: Полит. лит., 1991.
12. Сартар Ж.П. Экзистенциализм тўғрисида // “Жаҳон адабиёти” журнали, 1997 йил, №5.
13. Фрейд З. Психология бессознательного. -М.: Просвещение, 1989.
14. Фромм Э. Душа человека. -М.: Республика, 1992. -430 с.
15. Хосе Ортега-и-Гассет. Дегуманизация искусства. -М.: Радуга, 1991.
16. Эшонкул Ж. Ўзбек фольклорида туш ва унинг бадиий талқини. -Т.: Фан, 2011.

⁵⁰ Қодирий А. Ёзувчи ўз иши тўғрисида // “Қизил Ўзбекистон”. 1935 йил. 14 март.

ЛИНГВИСТИК МЕТОД (Бадиий асарни лингвистик анализ қилиш)

Режа:

1. Бадиий асар тили – адабиётшунослик объекти сифатида.
2. Лингвистик методнинг асосий тамойили.
3. Матнда сўзнинг ўрни.
4. Сўз ва образ.
5. Лингвистик метод ва бадиий услуб.

Таянч сўз ва иборалар: бадиий сўз, услуб бадиий услуб ва тил, психолингвистика, лингвопоэтика, сўз ва образ, калит сўз, монологик ва диалогик нутқ, товуш ранги, шева, фонетика, лексика, стилистика.

Бадиий адабиёт санъатнинг бошқа турларидан айнан “сўз санъати” экани билан ажралиб туради. Бадиий сўз ва уларнинг турли шаклдаги бирикувларидан бадиий матн майдонга келади. Бадиий адабиёт учун образли тафаккур ва тафаккур тарзи учун эстетик таъсирга эга сўз муҳим саналади. Поэтик сўз орқали турли образлар, моддий ва маънавий борлиқ тасвирланади. Шунинг учун тил бадиий адабиётда энг асосий тасвир воситаси саналади. Кишилиқ жамиятидаги сўз, тил, нутқ ҳодисасини адабиётшунослик ҳам ўрганади.

Тилшунослик махсус фан сифатида тилнинг умумий табиатини, тилнинг ижтимоий ҳаётдаги ўрнини, коммуникатив-экспрессив, аккумулятив хусусиятларини, тил фалсафасини, тилнинг грамматик қурилишини, ареал, социал жиҳатларини қамраб олади. Тилшуносликнинг стилистика бўлими турли нутқ услубларини таҳлил қилади. Нутқ услубларидан бири бўлган бадиий услубда бевосита бадиий асар тилининг ифода шакли ҳисобланади. Аслида, тил ва адабиётни алоҳида соҳа сифатида ажратиш нисбийдир. Бадиий матн ичидаги сўз алоҳида луғатлардаги сўздан, бадиий асар тили қолиплаган адабий тилдан, бадиий матн айнан моддийлашган бадиий асардан фарқ қилади.

Хўш, лингвистик метод деганда нимани тушуниш керак? Бадиий асар тилига лингвистик ёндашув қандай бўлади? Аслида барча

адабиётшунослик методлари бадий асарни текшириш жараёнида асар тилига, нутқ қурилишига алоҳида урғу беради. Эстетик, биографик, формал, структурал, психологик жиҳатдан ёндашув жараёнида бадий асар тилига диққат қилинмаслиги мумкин эмас. Бадий асар тили адабиётшунослик ва тилшунослик фанлари оралиғидаги ўринни эгаллайди. Ҳар икки фан соҳаси учун ҳам объект саналади.

Лингвистик воситалар ёрдамида бадий асарнинг ғоявий-эмоционал қирраларини кўрсатиш мумкин. Бунда матндаги бадий сўзга, такрорларга, янги сўзларнинг пайдо бўлишига, эски сўзларнинг қўлланиш доирасига, умуман олганда, бадий тасвир воситаларига диққат қаратилади.

Таъкидлаш лозимки, айрим олимлар жуда содда қиёслаш билан, бадий адабиётнинг материали - сўз, тил... Бадий адабиёт тил асосига қурилган. Буни китоб қоғоз ва типографик бўёқлардан таркиб топганига ўхшатиш мумкин, деб ҳисоблайди (Гуковский Г.А.). В.В.Виноградов эса бадий асар тилига, услуб масалаларига филологик тармоқларнинг иккаласига ҳам яқин турадиган, аммо ҳар иккаласидан ажралиб турадиган алоҳида “бадий асар тили ҳақидаги фан” сифатида қарайди. Бадий нутқ стилистикасининг алоҳида фан сифатидаги объектини олим қуйидаги тарзда белгилайди:

- 1) бадий адабиёт стили;
- 2) бадий сўз спецификаси;
- 3) сўз ва образ масаласи;
- 4) бадий асар услуби;
- 5) бадий асар композицияси услуби;
- 6) бадий образлар услуби.

Бундан мақсад матнга мос таҳлил йўли билан бадий асарнинг ўзига хос қонуният ва услубий хусусиятларини очиб бериш, шунингдек, маълум бир адибнинг индивидуал маҳоратини, адабий йўналиш ва бадий асар услубини аниқлаш ҳамда тавсифлашдан иборатдир. Шу тарзда у ёки бу миллий адабиёт стилистикаси тарихи яратилади⁵¹.

Бадий матнни лингвистик жиҳатдан тадқиқ қилганда автор образи, ровий, хикоячи, лирик қаҳрамон, нутқ типлари, матн ритми ва бошқа турли унсурларга диққат қаратилади. Албатта, бадий матн марказини автор образи эгаллайди. Матн услуби, нутқдаги турли

⁵¹В.В.Виноградов. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. -М. Издательство академии наук,1963.

оҳанглр алмашинуви, автор нутқи билан ровий нутқи айнан лингвистик метод воситасида аниқлаштирилади.

Адабиётшунос олимларнинг таъкидлашича, бадиий асар матни мураккаб структурадан иборат. Унда 1) ғоявий-эстетик (мазмун жиҳати), 2) жанр-композицион (шакл жиҳати) хусусиятлар ҳамда тил сатҳи (нутқнинг эстетик тизими) фарқланади. Табиийки, бу структуранинг сатҳларга ажратилиши шартли. Қолаверса, бадиий асар майдонга келишидаги психологик жараёнлар, уни ўқиш, ўзлаштириш, тушуниш, тушунтириш ва бошқа субъектив ҳолатлар ҳам мавжуддир.

Ўз навбатида, бадиий асарнинг тил сатҳи фонетик, лексик-семантик, грамматик (морфологик ва синтактик), стилистик ва бошқа бир қатор жиҳатларни қамраб олади. Бадиият тилда акс этади. Лекин бу бадиият фақатгина нутқий ҳодисалардан, троплар ёки бошқа тасвирий воситалардангина иборат эмас. Образлилик текширилганда тилдаги турли поэтик элементлар билан бир қаторда асарнинг композицияси, ривоя усули ва бошқа жиҳатларга ҳам эътибор бериледи.

Бадиий асар матнини лингвистик анализ қилишда қуйидаги тамойиллар муҳим саналади:

-бадиий матнига ғоя ва мазмун, образлар тизими ва тили нуқтаи назаридан комплекс тарзда қараш;

-бадиий матнга тарихлик аспектида ёндашиш, яъни ундаги ўз даврига хос лексик қатлам ҳамда сўз бирикмаларини, гап қўрилишидаги ўзига хосликни инобатга олиш;

-бадиий асар тилига воқеликни акс эттирувчи ўзига хос шакл ҳодисаси сифатида муносабатда бўлиш;

-бадиий асарнинг рецепиентга, яъни китобхон фаолиятига, унинг муаллиф билан “ҳамкорлиги”га ҳамда бадиий матн мазмунининг китобхон тафаккурида кенгайиш ҳодисасига диққат қаратиш;

-матн талқинида битта усулни мутлақлаштирмаслик, бошқа анализ йўсинлари ҳам борлигини эсда сақлаш лозим.

Бадиий матннинг лингвистик анализи турлича бўлиши мумкин. Қайсидир тадқиқотда лингвистик шарҳ, яъни сўз ва сўз бирикмаларининг изоҳи усутворлик қилади. Бевосита лингвистик анализда эстетик қийматга эга бўлган тасвирий воситалар, образлилик, калит сўзлар, троп ёки фразеологик бирликлар текширилади. Шунингдек, бадиий матн комплекс тарда – асар ғояси, шакл ва мазмуни бадиий асар тилига алоқадорликда текширилади. Бундай

таҳлил сўзнинг матндаги ҳаётини тўлақонли тадқиқ қилишга имкон беради.

Лингвистик таҳлилда бадиий матндаги доминант унсурлар, калит сўзлар (“Сиз ўшами?”, “ҳабба”, “кишан”, “наъматак”, “манжунтол”, “кангул”) муҳим саналади. Тадқиқотчи лингвистик элементлар ва уларнинг ўзаро муносабати асосида бадиий асарнинг хос хусусиятини очиши керак бўлади. А.Блок айтадики: “Ҳар қандай шеър матни бир неча сўз устига ёйилган ёпинчикдир. Ўша сўзлар матнда худди юлдузлардек чарақлаб, нур сочиб туради”. Шундай сўзи бор шоирлар бахтлидир. Нурли ва энг муҳим сўзни топиш – бу тадқиқотчининг маҳоратидан дарак беради.

Дунё адабиётшунослигида айрим олимлар (П.Гиро, Э.С.Азнаурова) бадиий асар тили тадқиқига нисбатан “стилистик майдон” тушунчасини қўллайди. Стилистик майдон жуда кўп лингвопоэтик элементларни ўзида жамлайди. Бунда алоҳида олинган бадиий асар тилидаги троплар, ҳатто “калит сўзлар”га ҳам эмас, балки ижодкорнинг бутун асарлари тилидаги ўзига хослик назарда тутилади. Аслида бу назарий концепция ички-имманент стилистикага тааллуқли бўлиб, тадқиқ натижасида ижодкор шахсиятининг индивидуал услуби аниқланиши мумкин. Стилистик майдон муайян адиб асарларининг тилидаги сўзларни маъновий гуруҳларга ажратиб жамлашдан юзага келади. Бу гуруҳлар структурал жиҳатдан “осмон”- “ер”, “олим” – “жоҳил” тарзидаги тазодли кутбларда жойлашиши ҳам мумкин. Стилистик майдон “ёпиқ код” саналади; умумхалқ тилидан ажратиб қаралади. Бунга эътироз билдирган бошқа бир олим “бадиий асар тилини умумхалқ тилидан” ажратиб бўлмаслигини таъкидлайди; уни мазмуннинг эстетик функциясига бўйсундирилган умумхалқ тилиниинг индивидуал кўриниши деб ҳисоблайди (З.И.Хованская).

Бадиий асар пафосини аниқлашда ҳам бадиий матндаги “сўз ҳаёти”ни, сўз урғуси, фразеологик бирлик, жумла қурилиши ва шу каби кўплаб лингвистик унсурларни ҳам текшириш лозим.

Баъзи олимлар қарашларида бадиий асар тилини: “Адабий мулоқотда тил – бу восита эмас, балки мақсаднинг айнан ўзидир” (П.Гиро); “Поэтик тил, адабий тил мезонларига бегонагина эмас, балки батамом унга қарши ҳамдир. Бадиий тил моҳияти ўша мезонларнинг бузилиши билан изоҳланади” (Ц.Тодоров); “Поэзия материали образ ҳам, эмоция ҳам эмас, балки тилдир” (В.Жирмунский), “Адабиёт тил

фаолиятига тегишли”, “адабиёт - бу аниқ бир тилдир” (Ж.Женет) тарзида мутлақлаштириш ҳолатлари ҳам кузатилади.

Дунё адабиётшунослигида, хусусан, структуралист-семиотиклар бадий матнда сўзнинг денотатив ва коннататив маъноларини фарқлайдилар. Бадий матн кўпмаъноли, серкатлам рамзлардан ташкил топиши учун поэтик сўзнинг кўчма маънолари – троплар, метафора, фразеологик birlikлар, умуман, коннотация асосига қурилиши зарурлиги ҳақидаги фикрни илгари сурадилар.

Лингвистик метод бадий матндаги сўзни, шакл унсурларини тадқиқ қилиш жиҳатидан формал мактаб вакилларининг илмий-эстетик тадқиқ тамойилларига яқин туради. Бадий матндаги оҳанг – ритмни юзага келтиришда, бу орқали мазмунни ифодалашда унли ва ундош товушларнинг, фонологик конструкцияларнинг аҳамияти катта. Табиийки, лирик пафосга эга асарлар билан фожеавий пафосли трагик асарларда қўлланган тил унсурлари ўзаро фарқ қилади. Товушлар бадий асар ғоявий-мазмунига таъсир кўрсатади. Вадуд Маҳмуд бир мақоласида Алишер Навоий Мажнуннинг ғами тасвирига тегишли:

“Кўнглига ўгулди кўҳи андуҳ,
Андуҳи йиғилди кўҳ то кўҳ”

байтини таҳлил қилиб ёзади:

“Шу байтда “ў” товушининг уғултиси, “г”нинг гумбирлаши, “ҳ”нинг сочилиб кетиши ва бу товушларнинг такрори ҳақиқатан тоғнинг йиқилиб, устига сочилиб, майдаланиб кетишига, йиқилиб дараларнинг тўлуб, бақриб кетишига ўхшамайдими?” Албатта, ғам-андуҳ тасвирида байтдаги товушлар ҳам мазмун ифодаси учун хизмат қилган.

Яна оҳанг ва мазмуннинг мувофиқ келиши хусусида Фитрат “Муҳаммад Солиҳ” мақоласида шундай танқидий фикрни айтади: “Асар учун қабул қилинган вазн “рамали мусаддаси маҳбун” урушга оид мавзуларга муносиб оҳангдан марҳумдир. Отларнинг чопишида, қиличларнинг шақиллашида, ботирларнинг қичқаришида бўлгон ҳайбатли оҳангни бу вазнда сиғдирмоқ мумкин эмас. Арузда “жангнома”ларга махсус, ишланган тайёр вазн “мутақариби мусаммани мақсур” вазнидир. Форс адабиётида Рудакийдан бошлаб Унсурий, Фирдавсий, Низомий каби бир кўп шоирлар жангномаларини шу вазнда ёздилар. Бизнинг адабиётда ҳам, масалан Навоийнинг

“Искандарнома”сида, бу вазн уруш майдонлариға муносиб бир оҳанг берадир”⁵².

Рус шоири В.Хлебниковнинг:

«...Времыши, камыши,
На озера берега
Священно шумящие»,

деган мисраларидаги оҳанг “ш” товуши эвазига майдонга келгандек таассурот қолдиради.

Лирик асарларда оҳанг бадий санъатлар, қофия, ритм, ҳижо, туруқ, радиф ва бошқа турли унсурлар воситасида майдонга келади.

Эпик асар ритмини аниқлаш анча мушкул. Аммо қадим адабиётда наср сажъ йўли билан ёзилгани маълум. Шунингдек, насрий асар оҳанги тадқиқида бевосита товушлар, сўзлар, сўз бирикмалари, такрорий, жуфт ва антоним сўзлар, гап ҳамда бир неча жумлалар такрорига диққат қаратиш лозим бўлади.

Товушлар артикуляцион ўрнига кўра ўпкадан келаётган ҳаво ҳар хил тўсиқларга учраб, тил ва лаб иштирокида оғиз бўшлиғининг турли нуқталарида пайдо бўлади. Товушлар қаттиқ, юмшоқ, нафис, кўпол ва бошқа хусусиятларга эга. “О” унлисида кенглик, улуғворлик, бепаёнлик, “и”да назокат, ингичкалик борга ўхшайди. Ундош товушларда ҳам ҳис қилиниши лозим бўлган хусусиятлар мавжуд. Албатта, ҳар бир товушнинг табиатида мазмунга хос нимадир яширин бўлади.

Товушларнинг бошқа бир хусусияти, яъни рамзий маънода “ранги” ҳам бўлади. Француз шоири Жан-Артюр Рембо “Унлилар” шеърида ёзади:

«А – черный; белый – Е; И – красный; У – зеленый;
О – синий; тайну их скажу я в свой черед...».

Бадий асарни англаш, тушуниш, табиийки, тилига ҳам боғлиқдир. Ёзувчиларнинг баъзида тиниш белгиларини қўлламастан, саҳифаларга чўзилган узундан-узун гап тузишларида ҳам қандайдир “тил сиёсати” борга ўхшайди. Гўё тилнинг чексиз имкониятини ўша тарздаги баёнлар намоён қилар экан. Иккинчи томондан, бундаги баён усулини инсоннинг кўнгли ҳолати, онг остидаги онгсизлик жараёнлари, руҳий кечинмалари билан боғлаб изоҳлашлар ҳам бор. Эҳтимол, бадий нутқ ва услубдаги бундай “ўйинлар”дан инсон

⁵² Абдурауф Фитрат. “Танланган асарлар” 2-жилд. –Т.: Маънавият, 2000. 80-81-бет.

фикрлаши, тафаккури “зўриқиб”, одам ва оламни теранроқ англаши ҳам мумкиндир.

Дунё адабиётидаги Ж.Жойс каби айрим ёзувчиларнинг асарлари тилида бир неча саҳифаларга чўзилган гапларни учратиш мумкин. Ўзбек адабиётида Н.Эшонкул асарлари тилда ҳам шундай тажрибалар, поэтик тафаккур ва тасвирнинг узлуксиз тарзи кузатилади. Адиб бир қиссасида ёзади: “Ҳосилага ўша куни нима учун унга – барча ярамас одамлар каби у ҳам ўша пайтларда олифта, шўх-шоддод ва шакаргуфторликнинг ҳамма кўчасидан бир-бир ўтиб чиққан, гаплашганда оғзидан қизил боғичсимон ваъдалар боғланган даста-даста гуллар тўкиладиган хуштакаллуф йигит эди – бўлажак куёвига тарсаки туширганимни тушунтириб бераман деб, барча воқеани яна ҳам чалкаштириб юборгандим: ўртадаги муносабатларимизга ва таниш-билишларимиз қизиқиб ўқишган, бироқ ўзимиз учун қизиғи бўлмаган бизнинг чигал ва можаробоп қиссамизга, – гарчи биз кейинчалик ҳам бир-биримиздан кўзларимиздаги нафрат ва таънани яшириб, номигагина учрашиб юрган бўлсак ҳам – ўша учрашув сўнгги нуқта қўйган, маълум манзилгача бирга келиб, сўнг иккови икки йўлдан кетган икки йўловчидек биз ҳам биргаликда босишимиз зарур бўлган манзилни босиб ўтган ва ўша кундан бошлаб, буни очик эътироф этгимиз келмаса-да, мутлақо қарама-қарши томонларга – у ўзи орзу қилган бахт ўлкаси томон, мен эса ўзим ҳам билмаган ҳолда мана шу тун панжарасига қараб йўл олган, ҳаёт ё мамот жангига кирган қадим массагетлар маликаси янглиғ юзи ва авзойига ҳар қандай ўтинчу-илтижолар ўтмайдиган совут кийиб олган Ҳосила ўша куни хонасига ва кўзларига тишларини қайраб ётган нафрат аждаҳосини боғлаб қўйган эди: уни кўрган кундан чирқиллаб сайрай бошлаган ва унга томон бесару–пой учиб жўнаган, бироқ манзилларига етмай дайди ва Ҳосиланинг илтифотсиз кўзларидан отилган ўқлардан бир-бир ҳалок бўлган кўнглим кушларининг қалашиб ётган мурдалари билан лиқ тўлган кўксимдаги бесаришта хонага эса ўзи кетгандан сўнг ҳам қалбимни пора-пора қилиш, уни эслаган онларим кўкрак қафасларимни ёриб ташлаш учун қутуриб кетиб, ҳамма нарсани синдириб, парчалаб ташлайдиган ярадор бир шерни – беҳудуд ва ҳеч қачон жавоби топилмайдиган саволларни боғлаб кетган эди” (Н.Эшонкул. Маймун етаклаган одам. –Т. “Янги аср авлоди”. 2004. 16-17-бет). Жумла икки юз эллик бир сўздан, бир қанча тиниш

белгиларидан таркиб топган. Бу мураккаб кўшма гапни англаш, тушуниб етиш ҳам анча мураккаб.

Ҳаддан ташқари кўшимчалар кўшиб ясалган узун сўзда сунъийлик бўлади: “Гоф+кригс+вуст+ шнапс+рат” – «придворный военно-колбасно-водочный совет». Бир тилшунос немис тилида клуб пештоқиға шундай ҳазилнома ёзув ёзилганини қайд этади: “Центральвиссешафтлихгелээртермэншэнлебэнсбедингунгенфербессэ-рунгсауссшустрэффпунктклассэ”. Бу немисча кўшма сўз тахминан “олимлар ҳаётини яхшилаш бўйича комиссия хонаси” (“комната комиссии по улучшению жизни учёных”). Бундай сўз қурилиши ва ясалишида сунъийлик мавжуд.

Улкан адиблар одатда тушунарли ёзишни, содда ифода ортидан келадиган улуғворликни эътироф этишган. Л.Толстой бир хатида: “...Агар мен подшо бўлганимда, ўзи ишлатган сўзнинг маъносини тушунтириб беролмайдиган ёзувчини ёзиш ҳуқуқидан маҳрум қилар ва юз дарра билан калтаклаш ҳақида буйруқ чиқарган бўлардим...”, деб ёзган экан. Абдулла Қодирий эса қалам аҳлига қарата: “Сўз сўйлашда ва улардан жумла тузишда узоқ андиша керак. Ёзувчининг ўзигина тушуниб, бошқаларнинг тушунмаслиги катта айб. Асли ёзувчилик, айтмоқчи бўлган фикрни ҳаммага баробар англата билишда, орага англашилмовчилик солмасликдадир”, деган муҳим бир ўғитни айтади.

Умуман олганда, бадиий асар тили турли нуқтаи назардан ўрганилаётган ва янгича ёндашувлар асосида тадқиқ қилиниши лозим бўлган ўзига хос серқирра объект саналади.

Савол ва топшириқлар:

1. Дунё адабиётшунослигида бадиий асар тили қайси йўналишларда ўрганилган?
2. Тил ва нутқ ҳодисасини фарқлаб беринг.
3. Стилистик майдон тушунчаси нима?
4. Насрий асарда ритм қандай пайдо бўлади?
5. Ўзбек адабиётшунослигида қайси олимлар ижодида лингвистик тадқиқот усули учрайди?

Адабиётлар:

1. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. -М., 1979.

2. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. -М., 1989.
3. Виноградов В.В. Стилистика. Теория поэтической речи. Поэтика. - М.: Издательство академии наук, 1963.
4. Гришман М.М. Ритм художественной прозы. –М., 1982.
5. Еремина Л.И. О языке художественной прозы Н.В.Гоголя. - М.: Наука, 1987.
6. Карим Б. Насрдаги назокат // Ўзбек адабий танқиди. XX аср адабиётшунослиги. Антология. –Т.: Turon-Iqbol, 2011.
7. Карим Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. – Тошкент. “Akademnashr” нашриёти. 2014.
8. Карим Б. Рухият алифбоси. –Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016.
9. Ражабов Д. Бадиий образ ва ритм табиати. Бухоро, 2002.
10. Расулов А. Бадиийлик –безавол янгилик. -Т.: Шарқ, 2007.
11. Солижонов Й. Нутқ ва услуб.-Т.: Чўлпон, 2002.
12. Улуғов А. Инсон ибратга интилади. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
13. Қодиров П. Халқ тили ва реалистик проза. -Т.: Фан, 1973. -166 б.
14. Қодиров П. Тил ва эл. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2005.

ҚИЁСИЙ-ТАРИХИЙ МЕТОД

Режа:

1. Қиёсий адабиётшунослик хусусида.
2. Қиёсий-тарихий метод тамойиллари.
3. Методнинг асосий намояндалари.
4. Ўзбек адабиётшунослигида қиёсий-тарихий метод масаласи.

Таянч сўз ва иборалар: қиёсий метод, қиёсий адабиётшунослик; метод; Фарб ва Шарқ, қиёсий талқин, типологик ўхшашликлар,

Адабиётшуносликда кенг қўлланадиган методлардан бири “қиёсий”, “қиёсий-тарихий” деб номланади. Бу метод асосида тадқиқот олиб борилганда икки ёки ундан ортиқ адабий ҳодисалар таққосланади; илмий-назарий умумлашмалар чиқарилади. Бу методдан фодаланилган ҳолда бир қанча йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб бориш мумкин:

- дунё адабиёти дурдоналари ёки миллий адабиётнинг гўзал намуналари ўзаро қиёсаланади;
- адабий асарлар яратилган даврига кўра таққослаб ўрганилади;
- бир миллий адабиёт вакилларининг қиёс учун асосли асарлари ўрганилади;
- миллий адабиёт намуналари дунё адабиёти контекстида текширилади;
- адабий жараён ёки адабиёт тарихида мавжуд адабий ҳодисаларнинг фарқли ва ўхшаш қирралари тадқиқ қилинади;
- мавзу ёки илмий муаммо нуқтаи назаридан ўзаро яқин бўлган адибларнинг асарлари текширилади;
- адабий-эстетик эволюцияни кузатишда маълум бир адиб томонидан ёзилган асарлар объект қилиб олинади.

Дунё адабиётшунослигида кишилик жамиятида бадиий адабиётнинг пайдо бўлиш омиллари, адабий тур ва жанрлар генезиси, таржимашунослик масалалари шу методга асосланган ҳолда ёритилган тадқиқотлар мавжуд.

Қиёсий–тарихий методнинг асосчиси сифатида германиялик ака-ука Гриммлар – Вильгельм (1786-1859) ва Якоблар (1785-1863)

тилга олинади⁵³. Уларнинг “Немис мифологияси” китобида мифологик мактабнинг назарий қарашлари ва қиёсий метод хусусида қизиқарли фикрлар билдирилган. Ака-ука Гриммлар ҳинд-европа халқлари оғзаки ижод намуналарини қиёсий таҳлил қилиб, улар ўртасидаги ўхшашлик ягона илдиздан келиб чиққан деган фикрни илгари сурадилар. Айни методда ижод қилган яна бир немис олими Теодор Бенфей фикрига кўра, айрим бадий асарларнинг бир-бирига яқинлиги, сюжет йўналишларидаги ўхшашликларнинг сабаби фақатгина ягона миф ёки мифологик манба бўлмай, “сайёр сюжетлар”дир. Бошқача айтганда, бадий асарлар бир халқдан бошқасига ўтиши мумкин. Бу фикрлар айни метод соҳасида бир кадам олдинга кетиш ҳисобланади.

Дастлаб, Германияда шакллана бошлаган қиёсий-тарихий метод тез орада бутун Европага ёйилди⁵⁴. Маълумки, XIX асрнинг иккинчи ярми Россияда адабиёт ва адабитётшунослик фанининг жадал ривожини билан ажралиб туради. Рус адабитётшунослиги тарихида ўзига хос мавқега эга академик Ф.И. Буслаев (1818-1897) шогирди ҳисобланадиган Александр Веселовский (1839-1906) қиёсий-тарихий методнинг асосий тамойилларини белгилаб берди. А.Н. Веселовский қиёсий-тарихий метод намоёндалари асарларини, уларнинг ютуқ ва камчиликларини қунт билан ўрганди. Улардаги ривожлантириш ва таяниш мумкин бўлган жиҳатларга эътибор берди.

А.Н. Веселовский ўхшаш адабий ҳодисаларни қиёсий-тарихий аспектда таҳлил қилар экан, кўпроқ адабий ғоялар тарихи ва уланинг ўзаро алоқадорлиги масалаларини ўрганади. Олим адабий ҳодисалар таҳлилида бадий асарнинг вужудга келишида ижтимоий-иқтисодий шароитни биринчи ўринга қўяди. “Тарихий поэтик” асарида ўрта асрлар адабиётини чуқур ўрганган олим жаҳон адабиёти ривожининг қонуниятларига эътибор беради. Поэтик жанрлар масалсида диққатини поэзиянинг ибтидоий шаклларига қаратди ва унинг дастлабки кўринишлари синкретик (қоришиқ) ҳолатда бўлганини исбот этади.

Қиёсий адабитётшунослик ривожига академик В.М. Жирмунский (1891-1971) ҳам катта хизматлар қилди. У ўзининг дастлабки тадқиқотларидан бошлаб қиёсий-тарихий методнинг ўзак масалалари билан қизиқди. “Байрон ва Пушкин”(1924) рисоласида адабий таъсир ёки адабий ўзлаштириш муаммоларига янгича ёндашади. Адабий

⁵³ Қўлланманинг ушбу қисмида А. Эшонбобоевнинг “Қиёсий-тарихий метод ҳақида” (“Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. 2008 йил № 2) мақоласидан фойдаланилди.

⁵⁴ Бу ҳақда қаранг: Дима А. Принципы сравнительного литературоведение. –М., 1977.

таъсирни оддий бир ўзлаштириш тарзида эмас, балки фаол қайта ишлаш, ҳаттоки ўзига хос кураш ва бунинг натижасида янги бир санъат асарининг юзага келиши сифатида тушуниш – бу муҳим принципиал қарашдир. 1935 йили эълон қилинган “Қиёсий адабиётшунослик ва адабий таъсир муаммолари” тадқиқоти олимлар томонидан В.М. Жирмунский илмий фаолиятида “кескин бурилиш” тарзида баҳоланади. Маълумки, қийсий-тарихий методнинг В.М. Жирмунскийгача бўлган вакиллари адабий ҳодисаларнинг ўхшашлиги масаласини фақат бевосита адабий алоқалардагина кўрар эди. В.М. Жирмунский эса шундай ёзади: “Айни шу нуқтаи назардан биз ижтимоий–тарихий тараққиётнинг бир хил ривожланиш босқичида пайдо бўладиган ўзаро адабий ҳодисаларни улар ўртасидаги ўзаро таъсирнинг борлиги ёхуд йўқлигидан қатъи назар бемалол қиёслаш оламиз ва қиёсий ўрганишимиз зарур ҳам.”⁵⁵ В.М. Жирмунский қиёсий адабиётшуносликнинг мақсад ва вазифаларини жаҳон адабиётининг умумий ривожланиш қонуниятларини ўрганишда кўрди. Унинг фикрича, типологик алоқалар конкрет билвосита алоқаларни ёхуд адабий таъсирни инкор этмайди. Миллий адабиётларга халқаро адабий алоқаларнинг кириб келиши адабий адабий муҳитда унга бўлган талаб ва эҳтиёдан дарак беради. Айни пайтда, олимнинг ёзишига кўра, ҳар қандай адабий таъсир янги муҳитда унинг шароити ва талабларига мослашади. Адабиётшунос “Алишер Навоий ва Шарқ адабиётида Реннесанс муаммоси” мақоласида шоир ижодини унга замондош Ғарб мутафаккирлари мероси билан қиёсий ўрганиб, бир қатор муҳим типологик нуқталарни аниқлади. Ушбу мақола навоийшуносликда биринчи марта Алишер Навоий ижоди кенг планда, қиёсий аспектда тадқиқ этилгани билан муҳим аҳамиятга эга.

Қиёсий адабиётшунослик соҳасида Н. И. Конрад номи ҳам кўпчиликка яхши таниш. Олим илмий фаолиятининг асосий қисми япон ва хитой адабиёти тарихи билан боғлиқ. Шунингдек, XX асрнинг 50-йилларидан бошлаб, қиёсий адабиётшуносликнинг назарий муаммолари билан изчил шуғулланади. “Қиёсий адабиётшуносликнинг назарий муаммолари” (1959) мақоласида жаҳон адабиётида кечаётган ўзгаришларга тўхталиб, замонавий адабиётлар “миллий адабиёт намуналари ва таржима қилинган адабий асарлар”дан ташкил топишини тўғри қайд этади.

⁵⁵Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведение. Восток и Запад. –Л., 1979. Стр. 7.

Умуман олганда, А. Н. Веселовский, В. М. Жирмунский ва Н.И. Конрад илмий фаолиятига хос жиҳат адабий ҳодисаларни кенг қамровда қиёсий таҳлил қилиш, ҳар бир ҳодисанинг юзага келиш сабаблари, ривож ва таназзулини кўрсата олишдир...

Ўзбек адабиёти тарихида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романи мумтоз ўринни тутди. Асарнинг илдизлари ўзбек мумтоз адабиёти тарихига бориб боғланади. Шунга қисқа бир қиёсий мисол келтирамиз. Тарихий-биографик асарларда замон ва макон чегаралари танланган тарихий шахснинг ҳаётига кўпинча мос келади. Бу табиий ҳол. Аммо адабиёт оламидаги тарихий асарлар турли асослар устига қурилади. Инсон ақли билан чегараланган замон – эралар, асрлар, йиллар, фасллар, ойлар, ҳафталар, кунлар, соатлар... каби кўламли астрономик тизимни ташкил этади. Ижод аҳли юз берган воқелик тасвирида - вақт ифодасида астрономик тизим унсурларидан турлича фойдаланади. Тўғриси, бадиий асарда замон – вақт физикавий мазмундан адабий-фалсафий моҳиятига кўчади. Замон тушунчасининг аниқ бўлагини кун ва тун – йигирма тўрт соат ташкил этади. Бу ҳисоб учун қуёш ҳаракати, аниқроғи, Ернинг ўз ўқи теграида айланиши асос саналади. Ижодкор замон тасвирида қуёшнинг чиқиши, ботиши ёки соат милларининг чопишига эътибор беради. Абдулла Қодирий “Ўткан кунлар”, “Меҳробдан чаён” романларида кунлик вақтнинг “қуёш ботган”, “саҳар пайти” ёки “бу кун соат ўн иккида...”, “ҳозир соат кечки еттилар бўлиб қолган...”, “кечки соат тўртларда...” тарзидаги ифодаси онда-сонда кузатилади. Гоҳо шу тарздаги ифода давомидан махсус изоҳ қўшилади: “... қуёш ботқан, теваракдан шом азони эшитиладир”, “саҳар вақти туриб чой ичдилар. Субҳ намозини ўқуб, арава қўшилди”, “Кечки соат тўртлар, асрдан бир оз эртароқ ҳукумат аскарлари билан халқ орасида уруш бошланди...”. Вақтнинг ифодаси учун “шом азони” (шом вақти), “субҳ намози” (бондод вақти), “асрдан бир оз эртароқ” (аср вақти) тарзидаги изоҳ, яъни кунда фарз ўлароқ беш маҳал адо қилинадиган намоз вақти Абдулла Қодирий романларида индивидуал маъно ва поэтик-категориал моҳият касб этади; адиб кунлик вақт қисмлари учун намоз атамаларини танлайди.

Абдулла Қодирий қаламига бундай тасвир йўсини ўз аждодларининг адабий тафаккурдан ўтгани, айти дамда, “Бобурнома” булоғидан сув ичгани табиий кўринади. Чунки “Бобурнома”да ҳодиса бўлган йил, ой, ҳафта, кун ва ҳатто кўпинча ўша куннинг аниқ маҳалигача тиниқ битилади. Масалан Бобур:

“Ахсидин намози жумъа вақтида чиқиб, Банди Солор йўли била намози шом била намози хуфтан орасида Андижонга келдим”⁵⁶, деб замонни намоз вақтига боғлаб ёзади. “Бобурнома”нинг ҳар бир саҳифасида, юзлаб ўринларда “намози бомдодни ўтаб”, “намози пешиндин сўнг”, “намози дигаргача”, “намози дигарга ёвуқ”, “намози дигарда”, “намози дигар била намози шом орасида”, “намози шомғача”, “намози шомға яқин”, “намози шомда”, “намози шом била намози хуфтан орасида”, “намози хуфтанғача”, “намози хуфтанда”, “намози хуфтандин кечроқ” каби таъбирлар учрайди. Баъзан Бобур фалон куни “сабоҳи”, “офтоб бир найза бўйи чиқиб”, “офтоб чиққанда”, “офтоб ўлтурур маҳал” деганича қуёшнинг ҳаракати ва бошқа вақтларга ҳам диққат қаратади. “Бобуронома”да улкан вақт бутунлиги, унинг қисмлари ҳамда кунлик вақт ўлчами муайян тизимга солинган, албатта.

Қиёсланаётган асарлардаги бундай ўринларга ҳар икки адиб шууридаги табиий сезим ва туйғулар ифодаси, имон-эътиқодли қалам эгаларининг баён усули сифатида қараш ўринлидир. Қолаверса, замонга мос ўлчамлар измида қаҳрамонларнинг ҳаракат қилиши ҳамда уларнинг тафаккур ва тасаввурига уйғун ифодаланиши ҳам ҳар қандай асарнинг кадр-қийматини оширади⁵⁷.

Ўзбек адабиётшунослигида ҳам ХХ аср давомида қиёсий-тарихий йўналишда бир қатор эътиборга молик тадқиқотлар юзага келди. Уларда ўзбек адабиёти минтақадаги қардош халқлар адабиёти намуналари билан қиёсий ўрганилиб, бир қатор назарий умумлашмалар чиқарилган.

Қиёсий-тарихий методда ёзилган ўзбек адабиётшуносларининг тадқиқотларида миллий адабиётимизни дунё адабиёти дурдоналари билан таққослаш, ўзаро ўхшаш ва фарқли жиҳатларини кузатиш ҳамда таъсирланув омилларини кўрсатиш ҳолатлари кўзга ташланади.

Умуман олганда, қиёсий адабиётшунослик ҳар бир миллий адабиётни жаҳон адабиётининг ажралмас таркибий қисми сифатида кўради ва таҳлил этади. Бу эса, ўз навбатида, муйян бир адабиётни жаҳон адабиёти тарихида тутган ўрнини белгилашда муҳим аҳамиятга эга.

⁵⁶ Заҳириддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т. “Юлдузча” нашриёти. 1989 йил. 32-бет

⁵⁷ Бу ҳақда батафсил қаранг: Баҳодир Карим. Икки даҳо – икки бебаҳо (Бобур ва Қодирий). –Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедия” Давлат илмий нашриёти. 2020 йил.

Савол ва топшириқлар:

1. Қиёсий-тарихий методнинг ўзига хос хусусиятларини тушунтиринг.
2. Қиёсий-тарихий метод асосчилари кимлар?
3. Бу метод доирасида қандай адабий ходисалар ўрганилади?
4. Ўзбек адабиёшунослигида қиёсий-тарихий методдан фойдаланиб қайси олимлар асарлар ёзди?
5. Қиёсий-тарихий метод аҳамиятини тушунтиринг.

Адабиётлар:

1. Баҳодир Карим. Икки даҳо – икки бебаҳо (Бобур ва Қодирий). –Тошкент. “Ўзбекистон миллий энциклопедия” Давлат илмий нашриёти. 2020 йил.
2. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. -М., 1989.
3. Дюришин Д. Теория сравнительного изучения литературы. –М.: Прогресс. 1979.
4. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведения. -Л. 1979.
5. Исмоил Гаспринский ва Туркистон.-Т.: Шарқ, 2005.
6. Йилмаз Б. Гёте ва Шарқ // “Жаҳон адабиёти” журнали, 1998, №8.
7. Карим Б. Рухият алифбоси. –Тошкент. Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016.
8. Комилов Н. Тафакур карвонлари. –Т.: Шарқ, 2011.
9. Конрад. Запад и Восток. Статьи. -М., 1972.
10. Саидов У. Шарқ ва Ғарб: маданиятлар тутушган манзиллар.-Т.: Янги аср авлоди. 2009.
11. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Т.: Ўзбекистон. 1997.
12. Эшонбобоев А. Қиёсий-тарихий метод ҳақида // “Ўзбек тили ва адабиёти” журнали. 2008 йил № 2.
13. Қосимов Б. Уйғонган миллат маърифати. -Т.: Маънавият, 2011.
14. Қурамбаев К. Адабий жараён. Ижод масъулияти. Адабий алоқлар. –Т.: Чўлпон, 2009.

ГЕРМЕНЕВТИКА ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Режа:

1. “Герменевтика”нинг луғавий, истилоҳий моҳияти.
2. Герменевтика – талқин назарияси.
3. Герменевтиканинг методологик имкониятлари.
4. “Шарқ герменевтикаси” хусусида.

Таянч сўз ва иборалар: герменевтика, бутун ва қисм, герменевтик доира, тушуниш, тушунтириш, шарқ герменевтикаси, талқин назарияси.

Дунё адабиётшунослигида герменевтикани адабий талқин таълимоти, талқин назарияси сифатида адабий танқидчилик ва адабиётшунослик учун методологик асос қилиб олишга уринишлар кучли.

Герменевтика таълимотида «талқин» сўзи истилоҳий мазмунда келади. Герменевтиканинг ўзи эса, ғарбда матн талқини назарияси ва амалиёти ҳамда замонавий фалсафадаги оқимлардан бири маъносида изоҳланади.

Адабий талқин назарияси, бадиий матнни тушуниш ва тушунтириш методологияси сифатида адабиётшунослик соҳасида хусусийлашганда герменевтика ўз фалсафий-назарий имкониятлари кенглигини намоён қилади. Бироқ бу таълимот доирасида шаклланиш жараёни кечаётганлигини ҳам назардан қочирмаслик лозим. Чунончи, немис олимлари герменевтикани айни фалсафий тушунчанинг тараққиёт босқичларидан келиб чиққан ҳолда ўз моҳиятига мувофиқ қўллайди. Бошқалар эса, масалан, ҳатто англиялик, америкалик олимларнинг аксарияти герменевтикани оддий «интерпретация» маъносида ишлатади⁵⁸.

Шундай экан, бу ўринда герменевтикага доир айрим маълумотларни баён этиб ўтиш жоиз.

“Герменевтика” грекча “hermeneukos” сўзидан олинган бўлиб, “тушунтирувчи”, “талқин этувчи” маъносини беради. Истилоҳнинг ўзи ҳам қадим грек афсоналарига бориб тақалади. Ривоятларга кўра, Олимп тоғидаги “илоҳ”ларнинг амр-фармон ва хабарларини Гермес

одамларга олиб келиб, тушунтириб, талқин этиб берганмиш. Қадим Рим мифларида бу вазифани Меркурий (Аторуд) бажарган эмиш. “Гермес” билан “герменевтика” орасидаги талаффузда ҳам, вазифадошликда ҳам яқинлик бор⁵⁹. Қадимги юнон файласуф ва филологлари герменевтика асосида қадимги юнон шоирларининг, энг аввало, Гомер асарларини талқин қилган, турли рамзларни шарҳлаганлар. Ўрта асрларда герменевтика Инжилни талқин этишда қўл келган.

Герменевтикани талқин назарияси сифатида юзага чиқаришда немис рухоний уламози ва файласуфи Ф.Шлейермахер (1768-1834), файласуф В.Дильтей (1833-1911), экзистенциалист-файласуф М.Хайдеггер (1889-1976) ва унинг шогирди Г.Г.Гадамер (1900-1991) катта хизматлар қилди.

“Герменевтика - бу амалиётдир, - дея ёзади Г.Г.Гадамер. - Ҳақиқатни ёлғиз бир одамгина англаб олиши ва бу ҳақда бошқаларга хабар бериши мумкин эмас. Бу герменевтиканинг фундаментал асосидир”⁶⁰. Шундай экан бошқача фикрлайдиган кишиларни ҳам тинглаш ва уларнинг айтганларини тушуниш керак - герменевтиканинг моҳиятига бу ҳам тегишли.

“Бутунни қисм асосида ва аксинча қисмни бутун асосида тушуниш лозим”⁶¹. Г.Г.Гадамер тушунишда герменевтиканинг ана шу қоидасига амал этади.

Алоҳида олинган сўз гап таркибига, гап эса матн таркибига, матн ёзувчи асарлари таркибига, ёзувчининг ижодий маҳсули бутунни ташкил қилиб, қандайдир жанр ёки адабий тур таркибига киради. Иккинчи томондан, матн бир бутунлигича ёзувчининг маънавий дунёсига алоқадор. Демак, тушуниш ана шу объектив ва субъектив жиҳатлар қамровида тўлиқ намоён бўлиши мумкин.

Рус адабиётшунослигида герменевтика билан М.М.Бахтин шуғулланди. У бошқа бир маданиятни тушуниш учун унга “кўчиб ўтиш” шарт эмас, аксинча ўз маданияти доирасида мустаҳкам туриш керак, деб ҳисоблайди.

Тушуниш - бу бошқа бир инсоннинг маънавий-руҳий оламини англаш, ҳис этиш, унинг мақсад, ғоя ва ниятларини уқиб олиш демакдир. Чунончи бадиий асар соҳиби ҳар доим ҳам ўз қалбида

⁵⁸ Jeremy Hawthorn. Grundbegriffe moderner literaturtheorie. Basel. 1994.

⁵⁹ Борев Ю. Эстетика.- М., 1988.Стр. 430.

⁶⁰ Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. - М., 1991. Стр.8.

кечаётган туйғуларни, инсон ва борлиқ хусусидаги хиссий қарашларини қоғозда тўлиқ ифода эта олмайди. Шу сабаб муаллифнинг маънавий дунёси, бадиий олами матнда ифодаланган мазмунга нисбатан анча кенг бўлади. Тушунишдаги субъективлик ҳам, тарихийлик ҳам, психологизм ҳам ана шу жиҳатни инобатга олади.

Ижодкор қалами остидан чиққан ҳақиқий санъат намунаси - мўъжизакор бадиий асар матндир. Матн йўқ жойда тушуниш ва тушунтириш, талқин ва таҳлил хусусида гап бўлиши мумкин эмас. Матн объектив оламнинг субъектив инъикоси, тушунчалар ифодасидир. Бадиий асар матни – талқин объекти. Адабиётшунос ва мунаққид шу манбани талқин этади. Ҳар қандай бадиий асар ўз субъекти (ёзувчиси, ижодкори)га эга бўлганидек, ҳар қандай илмий тадқиқотнинг ҳам ўз субъекти (ёзувчи-тадқиқотчиси) бўлади. Демак, иккиламчи бир объект юзага келади. Қолаверса, ижтимоий фан соҳасининг энг муҳим хусусияти ҳам шу, яъни ғоялар ҳақида ғоялар, сўзлар ҳақида сўзлар, матнлар тўғрисида матнлар ёзилади.

Танқидлар танқид этилади, талқинлар талқин қилинади.

Бадиий асар матнини тўғри, ўз ҳолича, ҳеч қандай мафкуравий-сиёсий таъсирларга берилмасдан тушуниб олиш натижасида, унда тасвирланган воқеа-ҳодисалар, ҳис-туйғулар тўғри ва ўз ҳолича илмий тилга кўчади.

Тушуниш бир томондан матн моҳиятини, иккинчи томондан талқин этувчининг маънавий дунёси ва билимини кўрсатади. Тушуниш икки қирралидир. М.М.Бахтин ибораси билан айтганда, «диалогично», унда иккита онг, икки субъект иштирок этади. Тушунтиришда эса бир онг, бир субъект ўзини намоён қилади.

“Тушуниш”, “тушунтириш”, “тушунишдан олдинги ҳолат” бири-бири билан ўзаро боғлиқ истилоҳлар ҳисобланади. Тушуниш талқин жараёнининг ижодий натижасидир. Талқин - тушуниш ва тушунтириш жараёни. Юқорида айтганимиздек, адабиётшунос ва адабий танқидчилар бадиий асар матни билан иш кўради. Мусиқашунос эса ижро этилаётган куйни, санъатшунос расмларни, таржимон фикрларни, ҳуқуқшунос юридик қонунларни, актёр драматик образларни, театршунос сахнани, математик олим формулаларни талқин этади.

Гарчи жуда кўп ўзбек адабиётшунослари герменевтиканинг кўплаб принципларини ўз илмий фаолиятларида қўлласалар ҳам, ўша фикрлаш тарзи, гипотезалари, таққослари, ҳукм ва хулоса чиқариш

⁶¹ Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. - М., 1991.Стр. 8.

усулларининг қайсидир жиҳати герменевтикага дахлдорлигини хаёлига ҳам келтирмайдилар.

Чунки биз яқингача диалектик метериализм фалсафасидаги гносеология - билиш назариясини чуқур ўрганганимиз ҳолда герменевтика таълимотининг жаҳон илм-фанидаги атамасидан ҳам аксар ҳолатларда беҳабар қолдик. Шу сабаб ўзбек адабиётшунослиги ва адабий танқидчилигида бу атама кам учрайди⁶².

Ўзбек илм-фанида, адабиётшунослигида герменевтиканинг тутган ўрни ва ишланиш доираси, албатта, қониқарли эмас. Жаҳон адабиётшунослиги ва адабий танқидчилиги бадиий асар матнини тушуниш, тушунтириш ва талқин қилишда муайян принципларга амал қилади. Герменевтика асосида иш кўрилганда матн моҳияти сохталаштирилиб, қандайдир ўткинчи мафкуравий манфаатларга қурбон қилинмайди. Бадиий асарни ҳар ким ўзича, ўз дунёқарашига мос билими ва ҳаётий тажрибаси даражасида тушунади, ҳис этади. Асарда йўқ нарса изланмайди, бор нарса беркитилмайди. Лозим ўринда бутун диққат-эътибор аниқ бир муаммога қаратилади.

Герменевтикада бадиий асарнинг кўпмаънолилиги муҳим. Бундай асарни турлича тушуниш ва тушунтириш имкони бўлади. Бундай асар, эҳтимол, бири-бирига ўхшамайдиган талқин типларини майдонга келтиради. Кўпмаъноли бадиий асарнинг муаллиф позициясини топиш қийин бўлади. Р.Барт таъбири билан айтганда “муаллиф ўлган” саналади. Ҳаммага тушунарли бўлган битта маънога эга асарлар герменевтик таълимот учун қизиқарли эмас.

Герменевтик усул олимга матнни талқин этишнинг назарий-методологик усулларини кўрсатади. Бадиий матндаги қаҳрамонларни талқин этаётганда, лозим бўлса, адабиётшунос уларни ўз шахсияти билан таққослайди - идентификациядан кенг фойдаланади. Герменевтик доира воситасида матннинг «ичига кириши», қисмларга ажаратиши ва қайта жамлаб хулосалар чиқариши мумкин бўлади.

Бу таълимотининг қатор афзалликлари борлиги шубҳасиздир. Аммо ҳақиқатни кашф этишнинг ягона йўли ҳам эмас.

Маълумки, адабиётшунослик ўтмиш Шарқ маданиятида хилма-хил шаклларда мавжуд бўлган. Бироқ бир савол туғилади: ўрта асрлар Ғарб илм оламида Инжил матнини талқин қилиш воситаси бўлган

⁶² Ҳотамов Н. Саримсоқов Б. Адабиётшунослик терминларининг русча-ўзбекча изоҳли луғати. -Т. Ўқитувчи, 1983. 81-82-бетлар.; Расулов А. Танқидчилик уфқлари.- Т.: Адабиёт ва санъат, 1985. 38-40-бетлар.

герменевтикага мос келадиган илм Шарқ халқлари маданияти тарихида мавжудми?

Бунга жавобан беихтиёр Қуръони Карим тафсирлари, Ҳадиси шариф шарҳлари хаёлга келади. Мусулмон-Шарқ дунёсида мазкур муқаддас китоб Қуръон муносабати билан хилма-хил йўналишдаги кўплаб тафсирлар майдонга келгани ҳақиқатдир.

Тафсирларнинг эса турлари кўп. Ибн Касирнинг “Тафсирул қуръанил аъзийм” асарига доктор Абдурахмон Муръашлий ёзган муқаддимадаги маълумотларга кўра, тафсирларнинг луғавий, ақлий, фикҳий, тарихий, фирқалар ва мутасаввифларнинг тафсирлари каби турлари мавжуд⁶³.

Олимп тоғидаги «илоҳ»ларнинг хатлари ва Инжил матнини шарҳлаш учун ғарбда шаклланган герменевтика таълимоти билан Қуръони Карим оятларини шарҳлаш ва тушунтириш тарзида вужудга келган илми тафсир орасида ҳам луғат, ҳам моҳият эътибори билан ўхшашлик бор. Айтиш мумкинки, шарқда ҳам герменевтика ўзига хос шаклда мавжуд бўлган.

Аммо илми тафсир ва илми шарҳ сингари “шарқ герменевтикаси” муайян тараққиёт босқичларини босиб ўтиб, XX аср ўзбек адабиётшунослиги учун замин бўлган эмас. Бу илмлар ўзининг баҳс юритадиган мавзу доирасини кенгайтириб, ғарбда “силжиш” юз берганидек, бадиий адабиёт илми доирасига кириб келмади. XX асрда ўзбек адабиётшунослари шарқдаги анъанавий илмий тамойилларга эмас, балки ғарб олимларининг илмий-адабий мезонларига мурожаат этишга мажбур бўлдилар. Нима бўлганда ҳам, “шарқ герменевтика”си билан ғарб герменевтикасининг ўхшаш ва фарқли жиҳатлари қиёсан ўрганилиши лозим бўлган масалалардан биридир.

Фикримизча, бугун ўзбек адабиётшунослиги жаҳон илм-фанидаги энг илғор назарий-фалсафий мезонлардан истеъфода этиб, Ғарб ва Шарқ адабиётшунослигини синтезлаштириб, ўзига хос фундаментал йўлга чиқиши учун имконият пайдо бўлди.

Савол ва топшириқлар:

1. Герменевтиканинг луғавий, истилоҳий маъноларини изоҳланг.
2. Герменевтиканинг методологик имкониятлари қандай?

⁶³ Абу Фидо Исмоил ибн Касир. Тафсирул қуръанил аъзим. -Байрут.: Дорул маърифат, 1984. 17-бет.

3. Герменевтика – талқин назарияси сифатида.
4. “Шарқ герменевтикаси” деганда нимани тушунасиз?
5. Талқинда бутун, қисм ва герменевтик доира тушунчасини изоҳлаб беринг.
6. Рецепттив эстетикани тушунтириб беринг.
7. Ўзбек адабиётшуносларининг герменевтикага доир қандай тадқиқотлари бор?

Адабиётлар:

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. -Т., 2004.
2. Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. -М., 1986.
3. Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. -М., 1981.
4. Гадамер Г. Истина и метод. –М., 1988.
5. Гадамер Г.Г. Актуальность прекрасного. -М., 1991.
6. Карим Б. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. – Тошкент. “Akademnashr” нашриёти. 2014.
7. Карим Б. Рухият алифбоси. –Тошкент. Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016.
8. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. –Т.: Фан, 2006.
9. Эркинов А. Герменевтика-матн талқини таълимоти // Жамият ва бошқарув. -1997. -№ 1.-Б.72-75.

Фойдаланилган адабиётлар рўйхати

1. Арасту. Поэтика. Ахлоқи кабир. -Т. 2004.
2. Барт Р. Избранные работы. Семиотика. Поэтика. -М., 1989.
3. Бахтин М.М. Литературно-критические статьи. -М., 1986.
4. Бахтин М.М. Эстетика словесного творчества. -М., 1979.
5. Баҳодир Карим. Абдулла Қодирий ва герменевтик тафаккур. – Тошкент. “Akademnashr” нашриёти. 2014.
6. Баҳодир Карим. –Тошкент. Қодирий насри – нафосат қасри. “Ўзбекистон” нашриёти, 2014.
7. Баҳодир Карим. Рухият алифбоси. –Тошкент. Гафур Гулом номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйи. 2016.
8. Баҳодир Карим. Икки даҳо – икки бебаҳо (Бобур ва Қодирий). –Тошкент. Ўзбекистон миллий энциклопедия. 2020.
9. Борев Ю. Искусство интерпретации и оценки. -М., 1981.
10. Бушмин А.С. Методологические вопросы литературоведческих исследований. -Л., 1969.
11. Вадуд Маҳмуд. Танланган асарлар. –Т.: Маънавият, 2007.
12. Валихўжаев Б. Ўзбек адабиётшунослиги тарихи. -Т.: Ўзбекистон, 1993.
13. Верли М. Общее литературоведение. –М., 1957.
14. Веселовский А.Н. Историческая поэтика. -М., 1989.
15. Волков И. Теория литературы. -М., 1995.
16. Выготский Л.С. Психология искусства. -М., 1968.
17. Гадамер Г. Истина и метод. –М., 1988.
18. Гарин И. Пророки и поэты. Том 1. -М.: Терра, 1992.
19. Жаҳон адабилари адабиёт ҳақида. –Т.: Маънавият, 2010.
20. Жирмунский В.М. Сравнительное литературоведения. -Л., 1979.
21. Зарубежная эстетика и теория литературы XIX-XX вв.-М., 1987.
22. Заҳриддин Муҳаммад Бобур. Бобурнома. – Т. “Юлдузча” нашриёти. 1989
23. Каримов Н. Чўлпон (маърифий роман). -Т.: Шарқ, 2003.
24. Комилов Н. Тафаккур карвонлари.-Т.: Шарқ, 2011.
25. Левчук Л.Т. Психоанализ и художественная творчество. -К., 1980.
26. Лотман Ю.М. Анализ поэтического текста. –М., 1972.

27. Maren-Griesebach. Methoden der literaturwissenschaft. Stuttgart. 1992.
28. Мели С. Янги танқид // “Шарқ юлдузи” журнали. 2010 №4.
29. Моруа А. Прометей или жизнь Бальзака. -М., 1988.
30. Набоков В. Ҳар ким нимани билмоғи керак?//«Ёзувчи» газетаси. 2001 йил, 27 январ.
31. Назаров Б. Ўзбек адабий танқидчилиги. Гоявийлик. Метод. Қахрамон. -Т., 1979.
32. Наркирьер Ф. Андре Моруа. -М., 1974.
33. Норматов У. Қаҳҳорни англаш машаққати. –Т., 2000.
34. Норматов У. Қодирий мўъжизаси.-Т.: Ўзбекитсон, 2010.
35. Осьмаков Н.В. Психологическое направление в русском литературоведении. -М., 1981.
36. Расулов А. Бадиий асарга ёндашув асослари. -Т., 2003.
37. Расулов А. Танқид, талқин, баҳолаш. –Т.: Фан, 2006.
38. Розенталь М. Против вульгарной социологии в литературной теории. –М., 1936.
39. Саидов У. Шарқ ва Ғарб: маданиятлар тутушган манзиллар.- Т.: Янги аср авлоди, 2009.
40. Солижонов Й. Нутқ ва услуб.-Т.: Чўлпон, 2002.
41. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Ғарб. –Т.: Ўзбекистон, 1997.
42. Sulton I. Adabiyot nazariyasi. -Т.: О’qituvchi, 2005.
43. Улуғов А. Инсон ибратга интилади. –Т.: Ўзбекистон, 2007.
44. Фрейд З. Психология бессознательного. -М.: Просвещение, 1989. -448 с.
45. Фромм Э. Душа человека. -М.: Республика, 1992.
46. Чўлпон ва танқид. –Т.: Адабиёт жамғармаси, 2004.
47. Шарафиддинов О. Ижодни англаш бахти.-Т.: Шарқ, 2004.
48. Шарафиддинов О. Довондаги ўйлар. –Т.: Маънавият, 2004.
49. Шарафутдинова М.О. Узбекская проза XX века в контексте мировой литературы. –Т.: Фан, 2008.
50. Шестов Л. Апофеоз беспочвенности. -Л.: Университет, 1991.
51. Эйхенбаум Б. О прозе. О поэзии. –Л., 1986.
52. Эшонбобоев А. Қиёсий-тарихий метод ҳақида// Ўзбек тили ва адабиёти журнали. 2008 йил № 2.
53. Қодиров П. Тил ва эл. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги нашриёт-матбаа уйи, 2005.

54. Қосимов Б. Уйғонган миллат маърифати. -Т.: Маънавият, 2011.
55. Қуронов Д. Чўлпон ҳаёти ва ижодий мероси. -Т.: Ўқитувчи, 1997.
56. Қўшжонов М. Абдулла Қаҳҳор маҳорати. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1988.
57. Қўшжонов М. Ўзбекнинг ўзлиги. -Т.: Халқ мероси, 1994.
58. Ҳожиаҳмедов А. Шеърини санъатлари ва мумтоз қофия. -Т.: Шарқ, 1998.

\

Мундарижа

Кириш	
“Адабиётшунослик методологияси” адабиётшунослик фанининг таркибий қисми сифатида	
Адабиётшунослик методологияси объекти ва методлар таснифи ...	
Биографик метод	
Социологик метод.....	
Формал метод.....	
Структурал метод.....	
Психологик метод.....	
Лингвистик метод.....	
Қиёсий-тарихий метод.....	
Герменевтика ва методология.....	
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	

